

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЖАҲОН ТИЛЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИ

Зоҳиджон САДИҚОВ

**ҚАДИМГИ
ТУРКИЙ
РЕАЛИЯЛАР
ТАРЖИМАСИ**

Монография



«Vodiy Media»

Наманган

2021

УЎК: 811.111

КБК: 81.25

C – 06

3. Садиқов. «Қадимги туркii реалиялар таржимаси». Монография / Наманган;, «Vodiy Media», 2021. 120 бет. ISBN 978-9943-6616-0-8

Монографияда таржимашунослик фанидаги долзарб мавзулардан бири ҳисобланадиган реалиялар таржимаси муаммоси ўрганилади. Китобда дастлаб реалия тушунчаси тавсифланади ва унинг бошқа атамалар билан алоқаси ўрганилади. Айни пайтда мазкур масала туркii халқларнинг ilk адабий достони, қомусий манба бўлмиши Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадегу билиг” асарининг ҳозирги ўзбекча табдили, унинг икки немисча ва бир инглизча таржималари билан қиёсий тарзда таҳлил қилинади. Монографияда олиб борилган тадқиқот материалларидан мамлакатимиз олий ўқув юртлари филологик йўналишдаги факультетлар бакалавриат ва магистратура босқичи талabalари, шунингдек, докторантура тадқиқотчилари, қолаверса, таржима назарияси ва амалиёти муаммолари билан қизиқадиган кенг китобхонлар оммаси фойдаланишлари мумкин.

Масъул мухаррир: филология фанлари доктори, профессор
Ҳамиджон Ҳомидов

Тақризчилар: педагогика фанлари номзоди, профессор
Сайдумар Сайдалиев
педагогика фанлари номзоди, доцент
Қосимжон Сидиков

Уибу монография Наманган давлат университети Илмий-техник кенгашининг 2021 йил сентябрь ойидаги 9-сонли йигилиши қарори билан нашрга тавсия этилган

ISBN 978-9943-6616-0-8

© «Vodiy Media» нашриёти
© 3. Садиқов, 2021

КИРИШ

Жаҳон таржимашунослигига кўҳна ўтмишда яратилган асарларни бугунги китобхонларга таништиришда таржиманинг ўрни бекиёс эканлиги кенг эътироф этилар экан, бундай манбалар ўша давр тарихий ва миллий ўзига хослигини ифодаловчи муҳим маълумотларга бой бўлиши алоҳида таъкидланади [33.182]. Бугунги кунгача XI аср Марказий Осиё ҳаёти бўйича Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луготит турк”идан ташқари ягона илмий ва адабий манба ҳисобланмиш Юсуф Хос Ҳожиб “Кутадғу билиг” асарида ўша даврга хос бўлган хос сўз ва хос ҳолатлардан фаол фойдаланилган. Жаҳон сўзшунослигидаги энг ёш фанлардан бўлмиш таржимашуносликда кейинги пайтларда тез-тез кун тартибига қўйиб борилаётган *реалия* тушунчаси айнан ану шу тарихий ва миллий ўзига хосликларни ўзида такрорланмас даражада мужассамлаштирганлиги билан ажралиб туради.

Реалияни устоз Ғайбулла Саломов “хос сўз” деб бежиз айтмаганлар. Бугунги кунга келиб, *хос сўз* ва *реалия* терминлари бир нарсами? Реалия фақат сўзлардан иборатми? Шарқона бадиий асарлардаги миллий ва тарихий бўёққа бўялган реалияларни европаликлар қандай тушунадилар? Реалияларни таржима қилса бўладими? - каби бир қатор саволлар туғилмоқда. Мазкур монография ана шундай муаммоларни ҳал этишда ўзига хос бир йўл тариқасида ҳам пайдо бўлди.

Агарда *термин* деган тушунча мантиғига назар ташласак, унинг фақат бир маънени англашибиши ва имкон қадар шу маънени биргина атама билан ифодаланиши лозимлиги айтилади. Аммо ҳаёт шу даражада ранг баранг ва хилма-хилдирки, борлиқдаги ҳамма нарсаларни ҳам гоҳида сўз билан ифодалашнинг имконияти бўлмайди. Ҳозирги ўзбек адабий тилида *термин ва атама* сўзларининг ёнма-ён кўлланилаётганлиги ҳам буни исботлаши мумкин. Ана шу нуқтаи назардан биз мазкур масалага ҳар икки терминнинг жаҳоннинг турли таржима мактабларида

ўзига хос тарзда талқин қилинишини эътироф этган ҳолда ёндошишга ҳаракат қиласиз. Бошқачароқ айтганда, *хос сўз* термини, асосан, ўзбек таржимашунослигида ўтган асрнинг оихирги чорагида, *реалия* эса, Ғарб таржимашунослигида, шунинг дек, бизда ҳам фаол қўлланилмоқда. Бунинг боиси, биздаги таржимашунослик бугунги кундаги кўплаб масалаларни ҳал этишда Ғарб ва рус таржимачилигига кўпроқ мурожаат этмоқда, десак нотўғри бўлмайди.

Реалия таржимаси муаммоси бўйича таржимашуносликда анчагина тадқиқотлар яратилган. Бу борада Европа, хусусан, болгар олимлари етакчиликни қўлга олган бўлсаларда, Россия таржима назариётчилари ҳам улардан ортда қолаётганликлари йўқ. Айни пайтда бу муаммо бизнинг республикамиз таржимашунослярини ҳам ҳар томонлама қизиқтириб келаётган мавзулардан ҳисобланади. Афсуски, устоз Ғайбулла Саломовдан кейин ўзбек таржимашунослигида таржима назарияси унинг амалиётидан анчагина ортда қолиб келмоқда. Аслида, *реалия* таржимаси бизда анчадан бери ўрганиб келинади. Фақат у бошқа атамалар билан номланиб келинган. Жумладан, *хос сўз, миллий ўзига хослик, миллий колорит, тарихий-миллий хос хусусият, имо-ишиора ва турқ тароватга оидлик, гайрилисоний воситалар* кабилар. Тўғрисини айтганда, мамлакатимизда бугунги кунга қадар таржимашунослик ихтисослиги борасида фаолият кўрсатган ва кўрсатаётган мутахассисларимиз ичida мазкур мавзуга у ёки бу даражада муносабат билдираганлари бўлмаса ҳам керак.

Таъкидлаш керакки, ўзбек таржимашунослигида реалия таржимаси муаммоси ҳанузгача қадимги ўтмишда яратилган асарлар, жумладан, “Кутадғу билиг” (1069 йил) каби қомусий характердаги асар таржимаси мисолида маҳсус ўрганилмай келинмоқда. Мазкур монография ана шу соҳадаги бўшлиқларни тўлдиришни мақсад қиласи. Китобда ушбу муаммо Юсуф Хос Ҳожиб “Кутадғу билиг” асари қадимги туркий матни транскрипцияси унинг ҳозирги ўзбек тилидаги табдили,

шунингдек, немис тилидаги дастлабки Ҳерман Вамбери таржимаси (1870) ҳамда Вилхельм Радлов амалга оширган иккинчи немисча таржимаси (1910), ниҳоят америкалик туркшунос ва таржимон Роберт Данкофф қаламига мансуб инглизча таржимаси (1983) мисолида қиёсий ўрганилади. Ўрни билан асарнинг С.Иванов амалга оширган русча ва Р.Аратнинг туркча таржималаридан ҳам фойдаланилади. Кези келганда яна шуни ҳам эслатиб ўтишни лозим топишни истардик. Китобда қадимги туркий обидадан қиёсий таҳлил учун олинган барча мисолларни ҳам *реалия* деб аташ даъвоимиз йўқ. Аммо улар у ёки бу даражада ана шу тушунчага яқинлиги ва муайян миллий ва даврий аҳамият касб этишини инобатга олинганлигини мухтарам китобхонга эслатиб ўтмоқчи эдик.

Мазкур монографияни юзага келишида яқиндан ёрдам берган Германия Майнц университетининг Таржима, тил ва маданият факультети декани, немис таржимашунос профессори Михаил Шрайбер ҳамда мазкур университетнинг Туркология институти раҳбари, профессор Юлиан Ренчларга ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни изҳор қиласман. Китобни янада такомиллаштиришга оид фикр-мулоҳазаларни самимий қабул қиласман.

Муаллиф

I БОБ. РЕАЛИЯЛАРНИНГ ФАНДА ЎРГАНИЛИШИ

1.1. Реалия ҳақида тушунча

Реалия сўзи лотинча *realia* калимасидан олинган бўлиб, у ашъёвий, ҳақиқий деган маъноларни англатади. О.С. Ахманованинг “Словарь лингвистических терминов”да унга қуидагича таъриф берилади: “Реалия деганда - борликдаги ашёвий маданият натижаси, мумтоз грамматикада эса, муайян мамлакатнинг давлат қурулиши, муайян халқнинг тарихи ва маданиятини ифодаловчи сўзлар, маълум бир тилда муроқот қилиш хусусиятларини ифодаловчи лингвистик бирлик тушунилади” [3. 381] – дейилади (Таржима бизники, С.З.).

Реалияларнинг муайян колоритни акс эттириш хусусиятлари тўғрисида XX асрнинг 50-йилларида тилшунослар бахс юрита бошладилар. Бу борада бир тўхтамга келиш анча мураккаб кечди. Бунинг асосий сабаби, ўша мунозара олиб бораётган тадқиқотчиларнинг ишларида айнан мазкур масала диққат марказда бўлган эмас. Мавжуд илмий тадқиқотлар таҳлили натижасида реалияларга икки хил қараш борлигини кўриш мумкин. У ҳам бўлса, биринчиси, таржима нуқтаи назаридан қараш, иккинчиси эса, мамлакатшунослик асносида ёндошиш. Айрим олимлар реалияга таъриф беришда тўлиқ бўлмаган ёки мавҳум хуносалар чиқарадилар. Аникроғи, мазкур тил бирликларининг фақат бир томонинигина ёритиб берилади холос. Шу боис ушбу тушунчани ойдинлаштиришда аввалги таърифларни бир кўздан кечириш зарурати бор. Тан олиш керакки, реалияшунослик борасида рус тадқиқотчилари анча фаолдирлар. Жумладан, тилшунос М. Л. Вайсбурд реалияга мамлакатшунослик асносида ёндошар экан, бу ҳақда қуидагича фикр билдиради: “Бу маълум бир мамлакат ижтимоий ва маданий ҳаёти воқеалари, ижтимоий корхона ёки ташкилотлар, кундалик нарса ва буюмлар, тарихий шахслар ҳамда бошқа кўплаб

нарсалар номларидан иборат тушунчадир” [8. 98]. Айни пайтда ушбу фикр реалия масаласини янада жиддийроқ ўйлаб кўришга даъват этади. Рус олими Л.Н. Соболевнинг фикрига кўра, “Реалиялар – маҳсус хусусиятга эга бўлган, бир тилда ва бошқа мамлакатлардаги тиллар муҳитида эквивалентлари бўлмаган миллий сўз ва сўз бирикмалардир [25. 281]. Аммо бундай қарашда мамлакат ҳаётидаги турли ўзгаришлар, таракқиёт босқичлари бўлиши ҳамда бир мамлакатда кенг тарқалган нарса, бошқасида ундай бўлмаслиги, шунингдек, бундай хил сўзларнинг тиллараро бир-бирига ўтиб туриши мумкинлигини эътибордан қочирилган. Бунга мисол тариқасида собиқ иттифоқ даврида пайдо бўлган *спутник* сўзини келтириш мумкин. Ушбу сўз бутун дунё бўйлаб тарқалиб кетганлиги ҳам ҳақиқат. Чунки дунёда илк бор айнан ан шу давлатда мазкур иш амалга оширилган. Муайян сўзнинг реалия тарзида пайдо бўлиши, аввало, ўша реалия яратилган ҳудуд, мамлакат, миллат, элат билан боғлиқ бўлишини ҳам назардан қочирмаслик лозим. Реалия муайян халқда қандай аҳамият касб этиши билан у бошқа мамлакатларга, балки дунё бўйлаб тарқалиб кетиши ҳам мумкин. Таниқли таржимашунос олим В.М.Росселснинг таъкидлашича, реалиялар – таржима қилинаётган тилга кириб келган ва аслият тилида муайян миллий, маҳаллий нарса ва предмет ёки тушунчаларнинг номини ифодалайдиган сўзлардир [20. 67]. “Адабиётшунослик терминларининг қисқача энциклопедик луғати”да (рус тилида) реалияларга анчагина батафсил изоҳ берилган: “Реалиялар – у ёки бу халқнинг тарихи, маданияти, майший ҳаёти ёки яшаш даврига хос предмет, тушунча ва воқеа-ходисаларни ифодаловчи хос сўзлардир. Реалиялар сўз бирикмалари, фразеологизм, мақол, матал ҳам бўлиши мумкин. [15. 227-228]. Лингвистик таржимашуносликнинг йирик наразиётчиларидан бири бўлган Л. С. Бархударов реалияларга бир қадар муҳтасар таъриф берган: “Реалиялар – шундай сўзларки, улар бошқа тилда гаплашувчи халқларнинг тилларида, амалий ҳаётларида мавжуд бўлмаган

лексик бирликлар ҳисобланади”[6.95]. А.В.Фёдоров ушбу таърифга танқидий қарайди. Унинг фикрича, реалиялар фақат сўзлар эмас, балки муайян халқнинг ҳаётидаги нарса, предмет ва воқеа-ҳодисаларнинг номини ифодаловчи сўз ва сўз бирикмалар бўлиши мумкин. Олим реалиялар ҳақида эмас, балки реал ҳаётда мавжуд нарсаларнинг номлари ҳақида гапиришни тавсия етади [33.123].

Реалияларни тўғри тушунишда нафақат унга берилган таъриф, балки ушбу сўзнинг бошқа терминлар билан алоқасида ҳам тафовутлар борлиги кўзга ташланади. Яна бир рус олимаси Л.И. Сапогованинг фикрича, реалия сўзлар деганда тилга ўзлаштирилган сўзларнинг бири назардат тутилиб, улар чет тилидаги майший ва маҳаллий нарсаларнинг номларини ифодаловчи маҳсус сўзлар билан максимал даражада оҳангдошликка эга бўладилар [24. 54-60]. Аммо ўзлашма сўзлар, асосан, луғатларда акс эттирилади. Демак, улар мазкур тилнинг луғат хазинаси таркибий қисми ҳисобланади. Реалиялар ҳам кўп маротаба қўлланаверилганидан кейин, муайян тил луғатларидан жой оладилар. Аммо улар орасида фақат маҳсус соҳаларда, жумладан, матбуотда қўлланиладиганлари ҳам бўлиб, улар луғатларга киритилмаган. Шу сабабдан бундай реалияларни ўзлашган сўзлар тариқасида қўллаш тавсия этилади. Айни пайтда, ҳар қандай реалияга ҳам изоҳ ва тавсиф бериб бўлмайди. Бу жараён реалияларни таржимада қандай усул билан таржима қилинишига боғлиқ эканлигидир.

Реалиялар тўғрисида нисбатан мукаммал ва ҳақиқатга яқин таърифни С. Влахов ва С. Флоринлар берганлар. Унга кўра: “Реалиялар – муайян бир халқнинг ҳаёти, турмуши, урфодатлари, маданияти, ижтимоий тараққиётига оид нарса, предмет, воқеа-ҳодисаларни ифодаловчи сўз ва сўз бирикмалари бўлиб, улар миллий ва даврий хусусиятга эгадирлар.” [10. 48].

Юқоридагилардан келиб чиқиб реалия (хос сўзлар) тўғрисида шундай дейиша мумкин: *реалиялар* – муайян бир халқ

ёки дингагина мансуб бўлган хос сўзлар бўлиб, улар мазкур халқнинг миллий маданияти, тафаккур ва турмуш тарзини акс эттирувчи даврий ва ҳудудий хос хусусиятга эга бўлган сўз ва сўз бирикмаларидан иборат бўладилар.

Реалиялар ҳақида гапирганда *колорит* тушунчасига ҳам ойдинлик киритиш керак бўлади. Колорит, С.И.Виноградов фикрига қўра, бирор нарса ёки воқеа-ҳодиса (давр ёки ҳудуд)нинг ўзига хос хусусиятлари мажмуидан иборат. Шу боис, у муайян халқагина хос бўлган аломатларни ўзида мужассамлаштиради. Бу жиҳат, ўз-ўзидан муайян тарихий даврда содир бўлади [11. 21]. Реалиялар лисоний ҳодиса, лисоний бойлик сифатида ҳам муайян жамиятнинг тарихий тараққиётида ўзига хос рол ўйнайдилар ва жамиятдаги ўзгаришларга ўз таъсирларини кўрсатадилар. Улар орасида *реалия-неологизм*, *реалия-архаизм*, *реалия-историзмларни* учратишимииз мумкин. Неологизмлар ҳозирги замонда пайдо бўлган янги лексик бирликлардир. Историзмлар эса, ўлган реалиялардир. Реалиялар сирасига яна иқтибос (цитата)ларни, қанотли сўзлар (крылатые слова)ни ҳамда афористик характерга эга бўлган ҳикматларни, турли кўринишдаги мурожаатларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ. Шу ўринда таъкидлаш керакки, реалияларнинг энг кўп қисми отлардан иборат бўлади. Айтиш керакки, реалиялар орасида феъллашган отлар учрамайди, чунки уларда ҳаракат аломати кўзга ташланмайди. Аммо улар орасида отлашган сифатлар бор. Масалан, рус тилида *вершковий*, *аршинний*, *саженний*, *копеечний*, *рублевий*. Ўзбек тилида *зигирча*, *аршин*, *бир мирилик*, *сўмлик* кабилар мисол бўла олади. Улар аслида *от реалиялардан* келиб чиқсан. Булар шундай реалияларки, уларнинг ҳам бошқа тилларда айнан эквивалентлари бўлмайди. Тилшунос Л.Д. Тамахиннинг шаҳодат беришича, бундай сифатлар ўз ва кўчма маъноларда ҳам қўлланишлари мумкин [28. 44].

Юқоридагилардан реалиялар бошқа халқقا ёт бўлган ва муайян халқнинг майший ҳаёти, маданияти ижтимоий турмуши

ва тарихий тараққиётигагина тааллуқли бўлган сўзлар ва сўз бирикмалари тушунилади. Демак улар миллий ва тарихий колоритни ўzlарида мужассамлаштирган бўладилар.

1.2. Реалияларнинг бошқа лексик бирликлар орасидаги ўрни

Реалиялар тушунчасини аниқлаштириш учун С.Влахов ва С.Флоринлар терминларга мурожаат қилишни тавсия этадилар. Терминлар реалиялардан фарқли хусусиятларга эга бўлсаларда, улар реалиялар тушунчасига яқин турадилар. Рус тилидаги илмий адабиётларда қўйидаги терминларни учратамиз: "безеквивалентная лексика", "экзотизми", "варваризм", "локализм", "этнографизм", "коннотативные слова", "пробелы", "бытовые слова" [10. 52]. Шу боис юқоридаги тушунчаларни реалиялардан айнан нима фарқлаб туришини конкретлаштириб олиш лозим. Биз, мазкур атамаларга бўлган муносабатда кўпроқ реалияшунос болгар олимлари С.Флорин ва С.Влахов ҳамда ўзбек таржима мактаби асосчиси Файбулла Саломов қарашларига таянамиз.

Реалия ва варваризм. Варваризм термини адабиётларда турлича ифодаланади. А. А. Реформацкий фикрича, варваризмлар нотаниш реалия ва урф-одатларни ифодалаш учун хизмат қиласидаган ўзлашган сўзлардир [19. 137]. Айни пайтда варваризмлар тил структурасини бузиш ёки қисман ўзгартириш натижасида қўлланиладиган, ўзга тиллардан ўзлашган сўзлар сифатида ҳам эътироф этилади. Аммо реалиялар фақат мустасно ҳоллардагина варваризм бўлиши мумкин. Шунингдек, варваризмлар реалиялардан фарқли равишда лугатлардан жой олиш имконияти бор.

Реалия ва экзотизмлар. Болгар олимлари С.Влахов ва С.Флоринларнинг фикрларича, экзотизм термини реалия терминига энг яқин ва улар билан рақобатлаша оладиган лексик

бирликлар ҳисобланади [10.50]. “Словарь лингвистических терминов”да айтилишича, экзотизмлар жуда кам ўрганилган ва кўпчиликка нотаниш бўлган тиллардан (хинд-европа тиллари оиласига мансуб бўлмаган) ўзлашган сўзлар ва сўз бирикмалари бўлиб, улар маҳаллий колорит яратиш мақсадида қўлланади [3.214]. Аммо кўпинча экзотизм термини ўрнида негадир варваризмлар ишлатилади. Ваваризмлар луғатларга киритилмайди. Бироқ одатда улар муайян тилнинг луғат хазинасидан жой оладилар. Реалиялар эса, экзотизимлар каби луғатларга киритилмасада, тилда фаол қўлланилаверади. Рус тилидаги адабиётларда ҳам экзотизм тушунчасини реалиялар тушунчасига нисбатан синоним сифатида қараб бўлмайди. Бу тўғри фикр. Сабаби, ушбу сўзнинг семантикасидан ҳам маълумки, экзотик деган сўз ўз маъносида, яъни – *бошқа юртлик, хорижий* каби маъноларида қўлланади. Кўчма маънода эса, *гаройиб, ёввойи, антиқа* каби маъноларда тушунилади. Ана шу жиҳатдан ҳам қараганда реалиялар - экзотизимлардан фарқ қиласидилар.

Реалия ва локализм. Локализм терминига келсак, унга яқин бўлган “маиший сўз”, “этнографизм”лардир. Чунки бу терминларнинг бир-бирига жуда яқинлиги бор. Айни пайтда локализмлар стилистик жиҳатдан реалияларга жуда яқин келадилар. “Локализимлар шундай сўз ва сўз бирикмаларки, улар адабиётларда аниқ кўрсатиб бўлмайдиган тарзда муайян ҳудуд билан чегараланадилар” [10. 44]. Бизнингча, локализмларнинг семантик жиҳатдан олганда реалияларга жуда ҳам яқинликлари бор. Чунки, ана шу “маҳаллийлик” тушунчаси ва уларни англатадиган предметлар айнан реалияларга ҳам тааллуқлидир. Аммо биз реалияларни янада кенгроқ тушунча сифатида қўллаймиз.

Реалия – лакун-неологизм. Айрим тадқиқотчилар *лакуна* терминини бир халқнинг урф-одатида ва маданиятида бўлган ва бошқасида кузатилмайдиган ҳолатларга нисбатан қўллайдилар.

Бошқача айтганда, *лакуна* деганда, бир тилда бўла туриб, бошқасида эквиваленти бўлмаган ҳолатлар назарда тутилади. Яна бир тоифа мутахассислар эса, *неологимларни реалия тушунчаси* сифатида лексикографик аснода туриб талқин қиласидилар.

Реалия ва коннотация. *Коннотациялар* – сўз ва сўз бирикмаларининг қўшимча эмоционал-экспрессив маъноларидан иборат бўлиб, уларнинг семантик-услубий ўзига хосликлари мавжуд бўлади. [3. 222]. Ана шу маънода қараганда, реалиялар ҳам нарсаларнинг коннотатив маънорларини ифодалайдилар.

Реалияларнинг муқобилсиз лексика доирасидаги ўрни. С.Влаховнинг фикрига кўра, *муқобилсиз лексика* ўзининг мазмун-моҳиятига кўра анчагина кенг қамровли ҳисобланади. Муқобилсиз лексика шундай тушунчаки, унинг муқобиллари таржима тилларида бўлмайди. [10. 44]. Муқобилсиз лексика *реалия* тушунчасидан кенгроқ маънода қўлланилади. Янада аникроқ айтадиган бўлсак, реалия - муқобилсиз лексика таркибиغا киради. Муқобилсиз лексикани рус тилида *безеквивалентная лексика* деб юритилади. Реалиялар, аслида лингвистик ҳодиса бўлмаслиги мумкин. Аммо муқобилсиз лексика ўз номи билан – лексика, яъни тилга албатта алоқадор ҳисобланади. Муқобилсиз лексика масаласи ҳам ҳеч бўлмагандан камида икки тил аро қиёсда кўзга ташланади. Айни пайтда шуни ҳам билиш лозимки, бир жуфт тилда муқобилсиз бўлган лексика бошқа тиллар жуфтлигига қиёслагандан, муқобилсиз бўлмаслиги ҳам мумкин. Демак, ҳар бир тилни бошқа тил билан қиёсланиши муҳим аҳамиятга эга бўлади. Муқобилсизлик ҳам айнан ана шу ўринда кўзга ташланади. Бу жихат ўз навбатида ана шу тиллараро луғатларда ҳам турлича акс эттирилади.

Реалия ва термин. Бир қараганда реалия терминларга жуда яқин туради. *Терминлар* аниқ белгиланган муайян предмет ҳодисанинг биргина маънода келишини ифодалайди. Терминларнинг синонимлари бўлмайди. Улар кўпинча чет

тилидан кириб келган сўз ёки сўз биримлари бўладилар. Улар тарихан чегаралангандирлар. Аммо ана шу жиҳатларнинг кўпчилиги реалияларга ҳам дахлдор. Бироқ реалиялар лексик жиҳатдан чегараланмаган бўладилар. Бир қатор лексик бирликлар мавжудки, уларни бир пайтнинг ўзида ҳам реалияларга, ҳам терминларга мансуб дейиш мумкин. Айрим олимларлар, жумладан, таржимашунос А.Д.Швейцар ўз тадқиқотларида ҳатто “термин-реалия” тушунчасини ҳам ишлатади [35. 253]. Лекин бу икки тушунчани бир-бири билан аралаштириб юбориш ярамайди. Чунки, терминларнинг таржима тилида аниқ эквивалентлари бўлади. Реалиялар муқобилсиз лексика таркибиغا киради. Терминлар эса, бундай эмас. Бундан ташқари, терминлар миллий колоритга эга бўлмай, маҳсус фан тушунчаларини ифодалайдилар. Реалиялар кўпинча бадиий адабиётда ва газета публицистикасида қўлланиллади. Реалиялар фақатгина илмий матнларда қўлланилганларида гина термин вазифасида келишлари мумкин. Реалиялар уларни яратган халқ тилига мансуб бўладилар. Терминлар эса, бутун инсоният мулки ҳисобланадилар. Реалиялар турли ахборот воситалари, адабий-бадиий асарлар воситасида нотаниш халқ ҳаётига кириб келишлари мумкин. Реалиялар ўзлашган сўзлар сифатида бошқа халқларнинг урф-одатлари, маданияти ва турмушига кириб кетишлиари кузатилади. Реалиялар бошқа халқлар турмуш тарзида мустаҳкам ўрин эгаллаб, терминлар каби кенг қўлланилиши ҳолатлари ҳам кузатилади. Аммо шундай тақдирда ҳам уларни терминлардан фарқлаш мумкин. Чунки улар миллий ва тарихий колоритга эга бўладилар. Терминларни сунъий яратса бўлади. Бироқ реалияларни фақатгина муайян халқ ўз тараққиёт даражаси давомида яратади. Реалиялар халқнинг дунёқарашига ҳам боғлиқ ҳолда пайдо бўлади. В.Черновнинг фикрига кўра, реалияларнинг муҳим хусусияти, уларнинг оммабоплиги, кўпчилик томонидан ишлатилиши, аслият тилидаги кўпчиликка маълумлиги ёки аксинча таржима тили ўқувчиларига нотанишлиги билан

характерланади. Г.В. Чернов [34. 223-224]. С.Влахов ва С.Флоринлар фикрларига кўра уруг, қабила ва ўсимликлар гуруҳига киравчи номлар терминларга яқин келадилар. Аммо улар қачонки узлуксиз ҳолат келганларида гина шундай бўлишлари мумкин. Масалан, "муллукурумба" реалия бўладиган бўлса, "французлар" ҳам шундай бўлиши керак ёки этник бирликларнинг бошқалари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Шу боис реалиялар билан терминларнинг ўртасидаги чегарани ишончли деб бўлмайди. Шу боис термин билан реалиялар чегараси ўртасида бузулишлар бўлиб турди ва уларни фарқлашда миллий, маҳаллий ва даврий бўёқларга аҳамият берилса, масала тезроқ ва осонроқ ечилиши мумкин. Бу ўринда контекстнинг ҳам назардан соқит қилиб бўлмайди [10. 52].

Реалия ва ксенизм. *Ксенизм* шундай сўз ва иборалардан ташкил топадики, улар чет тилида қандай ёзилган бўлса, таржима тилида ҳам ана шундай ўзгаришсиз ифодаланади. Бунда ҳеч қандай морфологик ўзгаришларга йўл қўйилмайди. Бошқа бир қатор олимлар эса, *ксенизмларни* чет тилидан кириб келишда ўзининг фонетик хусусиятини саклаб қолган сўзлар сифатида тушунадилар. Демак, айрим ксенизмлар реалиялар бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Францияда яшаётган рус ёки ўзбек кишиси у ерда она тилида сўзлашадиган бўлса, французларнинг ҳаётига оид сўзлар (*boutique*, *bistro* кабилар назарда тутилади) қўллашини кўрсатиш мумкин.

Реалиялар ва ўзлаштирма сўзлар. Реалияларнинг ўзлашма сўзларга яқинлиги бор. Бошқача айтганда, хорижий тиллардан ўзлашма реалиялар ҳам мавжуд. Улар турли йўллар билан пайдо бўлади. Масалан, ўзга муҳит, юртга улар учун номаълум, нотаниш бўлган нарса, масалан, *жинси шим* олиб кирилади, бошқа ҳолатларда эса, унинг кўчма маъноси ёки ўша нарса бажарадиган хусусиятнинг бир қисмигина кириб келади ва турли мақсадларда фойдалана бошланади. Бунга *небоскрёб* - *осмонўпарни* келтириш мумкин. Четдан кириб келган *рекет*,

пүтч ёки софтвере (англ.) –логисиел (фр.) каби реалиялар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Тилшуносларнинг айтишларича, хусусан, болгар олимлари С.Влахов ва С.Флоринларнинг фикрларига кўра, реалиялар ўзга тилга кириб, бир муддат фодаланилгандан сўнг ўша тилнинг луғатига кирадилар-да, аста секинлик билан реалиялик хусусиятини йўқотадилар. Айтиш керакки, реалиялар ўз мақомини тугатиши учун бошқа шунга яқин бўлган сўзлардан фарқланиб туриши керак. Жумладан, ўзининг миллий ёки даврий колоритини. Бундай хусусиятни улар нуқтаи назарига кўра, *интернационал (байнамилал) реалияларга* нисбатан қўллаш тўғри бўлади [10]. Масалан, *пул бирликлари, таомлар ёки давлат тузулиши билан боғлиқ сўзлар*. Аммо улар ўзлашма сўзлар кўринишига бўлсалар-да, ўзларининг миллий ўзига хослигини йўқотмайдилар. Жумладан, Европа Иттифоқи евроси, америка *доллари* ёки Швецария *франки* ўзларининг колоритини, келиб чиқиш юрти миллий хусусиятларини йўқотмасдан ҳам бутун дунё бўйлаб юраверадилар. Чунки биз доимо *доллар* АҚШники эканлигини биламиз. Собиқ иттифоқ парчаланиб кеттанидан кейин “брокер”, “менежер”, “айфон” каби сўзлар кенг миқёсда кириб кела бошлади. Биз барибир уларда Фарб колорити борлигини билиб турамиз.

Реалия ва исмлар. Бу категориядаги сўзларнинг ўхаш томонлари кўп. Айрим олимлар, жумладан, С.И.Виноградов [11. 77-80] исмларни реалиялар қаторига киритади. С. Влахов, С. Флоринлар эса (10), исмларни *муқобилсиз* лексика сирасига мансуб дейишади. Айрим мутахассислар байрамлар, эртак аллегорик қаҳрамонлари ҳам *реалия*, ҳам *исм* бўлиши мумкин дейдилар. Улар мазкур соҳадаги сўзларнинг орфографик кўринишига асосланиб у ёки бу гурӯхга мансуб бўлиши мумкинлигини таъкидлашади. Инглизларнинг *Санта Клауси*, русларнинг *Дед морозини* ҳам реалиялар сирасига киритса бўлади.

1.3. Реалияларни таснифлаш муаммолари

Бугунги кунда тадқотчилар у ёки бу манба ва муаммоларга асосланиб, реалияларни таснифлашни турли кўринишларини таклиф этмоқдалар. Мазкур масала С.Влахов ва С.Флоринларнинг биз юқорида кўрсатиб ўтган китобларида батафсил ифодаланган. Биз бу ўринда уни янада ихчамлашган ва конкретлашган ҳолда баён қилмоқчимиз холос. Маълумки, Е.М. Верешагин и В.Г. Костомаровлар рус тилидаги материаллар асосида реалияларни миллий-маданий жиҳатлари ва семантик хусусиятларига кўра 7 групга бўлишни таклиф қиласидилар [9. 60-64]:

Россия ижтимоий ҳаётида октябрь тўнтаришидан кейин пайдо бўлган советизмлар (*масалан, Верховний Совет, депутат*);

Собиқ совет даврида пайдо бўлган ва ана шу советизмларга яқин бўлган сўзлар: *парк культуры, субботник, загс, зачетка*;

Анъанавий майший ҳаётда пайдо бўлган сўзлар: *иши, бублик, валенки, гармошка*;

Муайян тарихий даврда пайдо бўлган ва ўша давргагина хослик касб етадиган историзмлар: *сажен, фут, верста, кафтан, уезд*;

Лексик-фразеологик бирималар: *бит челом, узнат всю подноготную*;

Фолклордан олинган сўзлар: *чудо-юдо; жар-птица, домовой*;

Рус тилига бошқа тиллардан (кўпроқ туркий тиллардан) кириб келган сўзлар: *тайга, базар, аркан, халат, изюм, плов*.

Е.М. Верешагин ва В.Г. Костомаровларнинг юқоридаги таклифлари асосида даврий хусусият ва ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий тузум мухим аҳамият касб этади. Бундан реалиялар муқобилсиз лексиканинг ўзига хос таркиби қисми эканлиги

намоён бўлади. Таниқли таржимашунос Л.С. Бархударов *реалия* деганда, асосан, муқобилсиз лексикани тушунади. Унингча, муқобилсиз лексиканинг қўйидаги турлари бор:

1. Бошқа тилларда бўлмаган исмлар, географик номлар, корхона-ташкилотларнинг номлари, газеталарнинг номлари.
2. Бошқа тилларда гаплашувчи халқларнинг қундалик ҳаётида бўлмаган предмет, тушунча ва ҳолатларни ифодаловчи *реалия-сўзлар*.
3. Тасодиф туфайли бошқа тилнинг луғат хазинаси эквиваленти бўлмаган лакуналар (6. 94).

Реалиялар таснифи бўйича нисбатан муфассал вариантни С.Влахов ва С.Флоринлар беришган. Қўйида уларнинг таснифларини келтирамиз.

I. Ашъёвий.

1. Географик реалиялар:

- 1.1. Географик объектларнинг номлари, жумладан метеорология ҳам;
- 1.2. Инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган географик объектлар номлари;
- 1.3. Андемиклар (ўсимлик ва ҳайвонларнинг номлари);

2. Этнографик реалиялар:

2.1. Маиший ҳаётда:

- а) овқат ва ичимликлар;
- б) кийим-кечак;
- с) уй-жой, мебел, идиш-товоқ;
- г) транспорт;
- д) шу соҳага оид бошқа нарсалар.

3. Мәхнат реалиялари:

- а) мәхнат қылувчилар;
- б) мәхнат қуроллари;
- в) мәхнат ташкилотлари;

4. Маданият ва санъатга оид реалиялар:

- а) мусиқа ва ракс;
- б) мусиқа асбоблари;
- в) фолклор;
- г) театр;
- д) бошқа санъат турлари ва анжомлари;
- е) ижрочилар;
- ж) урф-одатлар;
- з) байрамлар, ўйинлар;
- и) мифология;
- к) ирим-сирим ва унга сиғинувчилар;
- л) календар

5. Этник объектларга оид реалиялар:

- а) этнонимлар;
- б) лақаб, тахаллуслар;
- с) шазсларнинг яшаш жойлари бўйича номлари;

6. Ўлчов ва пул бирликлари реалиялари:

- а) Ўлчов бирликлари;
- б) Пул бирликлари;

6. Ижтимоий – сиёсий реалиялар.

Маъмурий-ҳудудий тузулиш:

- а) Маъмурий-ҳудудий бирликлар;
- б) Аҳоли яшаш жойлари;
- с) Аҳоли яшаш жойларининг қисмлари;

- а) хукумат органлари;
- б) ҳокимииятни ижро етувчилик;

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт;

- а) сиёсий ташкилотлар ва сиёсий арбоблар;
- б) ижтимоий ва ватанпарварлик ҳаракатлари;
- в) ижтимоий воқеълик ва ҳаракат;
- г) унвон, даража ва бошқалар;
- д) корхоналар;
- е) ўқув юртлари ва маданият ўчоқлари;
- ж) табака ва касталар;
- з) келиб чиқиши ифодалайдиган белги ва туморлар;

7. Ҳарбий реалиялар:

- а) Ҳарбий қисмлар;
- б) Ҳарбий қуроллар;
- в) Ҳарбий хизмат қилувчилар;

II. Ҳудудий бўлиниш

1. Бир тил доирасидаги реалиялар:

1.1. Муайян халқقا, миллаттагина тегишли бўлиб, бошқа мамлакатларга нотаниш бўлган – *миллий реалиялар*;

1.2. Муайян миллат ёки халқнинг фақат бир қисми, ҳудудий лаҳжасига ёки кичикроқ елатига, уруғига мансуб бўлган *локал (кичик ҳудудий) реалиялар*;

1.3. Фақатгина биргина шаҳар ёки қишлоққагина хос бўлган ва уларнинггина ижтимоий ва маданий хусусиятини ифодалайдиган *микролокал реалиялар*;

2. Нотаниш реалиялар – ўзлашма сўзлар ёхуд бошқа тиллардан транкрипция қилинган реалиялар:

2.1. Интернационал (байналмилал) реалиялар – кўпчилик тилларнинг лексикасида мавжуд ва муайяш луғатларга ҳам киритилган. Улар одатда ўзларининг миллий бўёқларини сақлаб турадилар;

2.2. Ҳудудий – бир ҳудуд, мамалакат чегарасидан чиқиб, бир неча мамалкатларга тарқаб кетган (қўшни мамлактларга бўлиши шарт емас) реалиялар. Улар бир неча халқларнинг ҳам луғат хазинасидан ўрин олиб улгурганлар;

3. Бир жуфт тиллар доирасидаги реалиялар – таржима нуқтаи назаридан қараганда:

Ташқи реалиялар – ҳар икки тилга ҳам бир хил равища ёт бўлган;

Ички реалиялар – ҳар икки тилнинг биригагина тааллуқли бўлган ва иккинчисига ёт бўлган;

Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, реалияларни турли қисмларга бўлиш нисбий ҳисобланиш ҳоллари назарда тутилади.

III. Даврий бўлиниш

A. Замонавий

B. Тарихий:

Таниш (луғатдаги);

Нотаниш (луғатдан ташқарида);

Реалияларни даврий жиҳатдан замонавий (модадаги) ва тарихий реалияларга бўлинади. Замонавий (модадаги) реалиялар эпизодик характерга эга бўлиб, улар тезда кенг омманинг эътиборини ўзига торта олади, айниқса, ёшларни. Аммо тез орада унутилади. Эпизодик реалиялар луғатдан ташқари реалиялардир. Асар муаллифлари ёки таржимонлар уларни турли контекст тақазоси билан матнларга бир ёки бир неча маротаба

киритадилар. Бир сўз билан айтганда, эпизодик реалиялар тилдан мустаҳкам ўрин эгалламайдилар.

Болгар олимлари С. Влахов ва С. Флоринларнинг реалияларга берган мазкур таснифлари бир қатор принципларга асосланади. Улар реалияларни таснифлашда нафақат мавзуй (тематик) ёндошадилар, балки ҳудудий (бир ёки бир неча тил доирасида) ҳамда даврий бўлинишларга ҳам алоҳида аҳамият берадилар. Шунингдек, улар даврий бўлиниш принципига ҳам амал қиласидилар.

1.4. Таржимашуносликда ҳолат (ситуатив) реалияларига муносабат

Агарда маълум бир халқнинг турли урф-одат, удум, иримсирим ва турқ-тароватларининг муайян матнда ифодаси ҳакида гап кетадиган бўлса, бундай хосликларга нисбатан С.Влахов ва С.Флоринлар *ситуатив реалия* терминини қўллашни тавсия этадилар [10.5]. *Ситуатив реалия* тушунчасини биз ўзбек тилига *ҳолат реалиялари* деб таржима қилишни маъкул кўрдик. Рус тажимашунослик мактабининг асосчиси А.В.Фёдоровнинг тўнғич шогирдларидан бири И.С.Алексеева ўзининг “Введение в переводоведение” (Таржимашуносликка кириш) номли китобида [33] болгар олимларининг ҳолат реалияларига қарашларини давом эттириб, рус таржимачилиги мисолида мазкур масалага ўз муносабатини билдиради. И.С. Алексеева бу ҳақда шундай дейди: “Англия кино усталари (режиссёр Марти Файнс, 1999 йил) томонидан суратга олинган А.С.Пушкиннинг “Евгений Онегин” романи асосидаги фильмнинг бир лавҳасида фильм персонажларидан Татьяна ва Ольгаларнинг рояль олдида туриб, “Эҳ қандай гўзал гуллайсан калина...” ашуласини айтишларини тасаввур қилиб кўринг” (1.86). Бу ерда ҳолат реалияларининг мавжудлигига шубҳа йўқ. Бўлиб ўтаётган воқелик XIX аср бошларига тааллукли, қўшиқ эса, XX аср ўрталарида ижод қилган

бастакор томонидан яратилган. Олиманинг таъкидлашича, ҳолат реалиялари кўпроқ публицистик ва бадиий матнларда учрайди. Шунисини ҳам айтиш лозимки, ҳолат реалиялари ифодаси матннинг нисбатан каттароқ қисмини эгаллаши мумкин. Бошқача айтганда, биргина гап билан буни қандай кўринишда эканлигини билиш қийин. И.С. Алексеева бу ҳақда қуйидаги мисолларни келтиради:

А. “Маша! Қарагин, ахир сен иккита Сашаларнинг ўртасида ўтирибсан. Дарров ният қил!” (таржима бизники, З.С.)

Тўғрисини айтганда, бундай ҳолат факат ҳақиқий рус китобхонигагинга тушунарли бўлиши мумкин.

Б. “Сундукова! – қани, бир рақсга тушинг-чи!”

Мазкур ҳолатни кўрган хорижий меҳмон мактуб олган кишига қўйилаётган талабдан таажжубга тушмасдан иложи йўқ.

В. “Ҳали қўлингда супурги ушлаганингдан ҳам ор қиласанми, безори!”

Бу ҳолатни ўқиган киши, супурги ушлаган безорининг камида ўн суткага қамалганини тасаввур ҳам қила олмаса керак.

Турли халқларда одатга кириб қолган кўплаб бирималарда халқ этикасига оид жиҳатларни учратамиз. Улар сирасида ҳолат реалиялари борлигини тасаввур қилиш мумкин:

Бурун қичияпти – ичиш вақти келди шекилли; қулоғим қизияпти – кимдир мен ҳақимда ғийбат қиласапти; ниманидир эсдан чиқариб қўйиб, орқага қайтиш – ахмоқона одат; оstonада туриб гапشاшиш яхши эмас; хонада шляпа кийиб ўтириш – одатга кирмаган (рус);

Уйга оёқ кийимида кириш одат тусига кирмаган (Шарқ халқларида);

Уйга оёқ кийимини ечиб кириш одат тусига кирмаган (немисларда);

Охиридаги иккита мисол бир одатнинг ўзи турли халқлар томонидан ўзига хос, ҳатто қарама-қарши тарзда талқин қилиниши ҳам мумкинлигини кўрсатади. Шу сабабдан ҳолат реалиялари таржимасида маҳсус тушунтиш, изоҳ ва шарҳларнинг ҳам берилиши лозим. Агар матн ичидан қисқароқ изоҳ берилса, публицистик матн учун янада яхшироқ ва қулайроқ бўлади. Бадиий матнларда эса, матндан ташқарида, китоб охирида батафсилроқ тушунтиришлар берилиши мақсадга мувофиқ. Бадиий таржиманинг асосий мақсадларидан бири таржима ўқувчисини аслият халқи урф-одатлари, маданиятининг ўзига хосликлари билан ҳам таништиришдан иборат.

Ҳолат реалияларида баъзан матн ичи сирасига кирувчи ўзига хос новербал, аниқроғи, ҳаракат, турқ-тароқат ва имо ишоралар билан боғлиқ бўлган турли хил тасвиirlарга дуч келамиз. Юқоридаги мисолда келтирилганидек, имо-ишора ва турли ҳаракатлардан иборат ҳолат реалиялари ҳам турли халқларда ҳар-хил, гоҳида акс маъно англатишлари мумкин. Жумладан, оддий саломлашишга мисол келтирадиган бўлсак, инглизлар бошларини қимирлатиш билан, испан ва лотин америкаликлар орқа куракларига уриб қўйиш, французлар ўпишиб, японлар энгашган ҳолда букилиб, руслар эса, ўзаро қўлларини сиқиб саломлашадилар. Бирор нарсанинг ижобий эканлигини тасдиқлаб, маъқулламоқчи бўлинса: руслар қарсак чалиш, америкаликлар хуштак чалиш ёки таппиллтиб уриш, европалик талабалар маъруза яхшилигига ишора сифатида ўтирган столларига муштлари билан тақиллатиш орқали ифодалайдилар. Таржимон ана шундай ҳолат реалиялари моҳиятини яхши билиши, уларни таржима ўқувчиси учун тушунрали тарзда изоҳлаши керак бўлади. Акс ҳолда таржимада жуда катта чалкашликлар, тушунмоқчиликларга йўл қўйилиши мумкин. И.С. Алексеева бу ҳақда қизиқарли мисол келтиради:

“Бу йигит, мана бунақа зўр! – деб бош бармоғини юқорига қилиб кўрсатди, Сонечка!”

Руслар учун бош бармоқни юқорига қаратиб кўтариш, маъқуллаш маъносини ифодалайди. Ғарбий Европада эса, бу пиёда йўловчининг машина тўхтатиши учун қўллайдиган белгидир. Қадимги Римда яна бошқа бир маъно ифодалаган. Яъни, бош бармоқни юқорига кўтариш – гладиатор чангалида турган рақибининг тирик қолиши кераклигига ишора бўлган. Ҳолат (ситуатив) реалияларнинг одий сўз реалиялардан фарқи, турли транскрипция ва транслитерацияларнинг қўллаш қийинчиликларидан ҳолилик хусусиятига эгалигидир. Уларни фақат тўғри тушуниш талаб этилади.

И.С.Алексеева тўғри таъкидлаганидек, печка устига чиқиб ётиш кўплаб рус халқ эртакларида учратилади. Аммо бундай ҳолат, на немис, на ҳолландларда йўқ. Инглиз каминларини айтмаса ҳам бўлади. Ўзбекларда эса, умуман бундай тушунча йўқ ҳисоби. Бундай жиҳатларни таржимада гоҳида қандай тарзда ифодалашга ҳам қийналади киши. Шунинг учун, айрим пайтларда ҳолат реалияларини махсус изоҳлаш билан ҳам мақсад эришиш қийин бўлади. Буларнинг барчаси одамларнинг глобал тафаккур тарзлари билан боғлиқ жиҳатларга боғлиқ. Жумладан, рус таржимашунос олимасининг шаҳодат беришича, бундай ҳолат Шекспир сонетларини араб тилига таржима қилишда юзага келган. Биз, дейди И.С.Алексеева, - Шекспир сонетларида мавжуд ҳаётий воқеликлар ва миллий қадриятларга европача тафаккур тарзи билан қаралишини кузатамиз [1.88]. Масалан, дейди у, - Шекспир учун ёз фасли кунлари – гўзаллик, ёруғлик, илиқлик, қуёш, ҳақиқий ҳаётда яшаш тимсоли, чинакам ҳаракат, меҳнат фаолияти сифатида гавдаланади. Тун эса, европаликлар тасаввуррида – ўлим жарчиси, қора ният, ҳаракатчизлик, совуқлик кабиларни ифодалайди. Шарқда, айниқса, арабларда эса, бунинг аксини кўришимиз мумкин. Улар учун ёз кунлари – жазирама иссиқ, кўзни оладиган офтоб, кишини куйдирадиган қуёш

ҳарорати, сувсизлик, чанг-тўзон, ишлаш учун жуда қийин бўлган шароит каби тимсолларга эга. Аммо тун унинг акси. Тунда bemalol ишлаш, осудалик, “Минг бир кеча”да акс этган осуда ҳайт пайти кабиларни англатади. Шу боис, Шекспирни араб воқеълигига таржима қилиш, бадиий акс эттириш таржимондан катта маҳоратни талаб қиласди. Бу эса, жуда катта когнитив ва информатив маълумотларга эга бўлишиликка боғлиқдир. Айни пайтда эстетик таъсир кучини ҳам салаб қолиш ҳамманинг ҳам кўлидан келавермайди [1.88].

1.5. Ўзбек таржимашунослигида реалия масаласининг ўрганилиши

Ўзбек таржимашунослигида реалия муаммоси алоҳида аҳамият касб этадиган мавзулар сирасига киради. Чунки, мамлакатимизда таржимашунослик бўйича ёқланган аксарият диссертацияларда ушбу масалага у ёки бу даражада муносабат билдирилган. Ҳатто, таржимашунос олим Раъно Файзуллаева бу борада “Миллий колорит ва бадиий таржима” (рус тилида) мавзусида маҳсус номзодлик диссертацияси ҳам ёқлаган [32]. Шунингдек, реалиялар таржимасини тарихий колорит таркибий қисми сифатида ўрганган Мавлон Жавбўриевнинг номзодлик диссертациясини таъкидлаб ўтиш лозим. Эътибор берилса, бизнинг таржимашуносликда реалия ва миллий ўзига хослик масаласи кўпроқ немис-рус-ўзбек таржимчилиги мисолида фаолроқ ўрганилганлиги кўзга ташланади.

Бизда ушбу масалага илк бор профессор Ғайбулла Саломов ўзининг “Таржима назариясига кириш” [22] номли дарслигида умумлаштирувчи илмий муносабат билдириган. Китобнинг “Лингвистика – таржима - экстралингвистика”, “Лисоний мамлакатшуносликнинг таржимага муносабати”, “Харакат, турктароват ва имо-ишоралар таржимаси” деб номланувчи фаслларида мазкур масалага дастлаб тилдан ташқари амал

қиладиган, аммо бадиий асарларда тасвирланадиган миллий ўзига хос хусусият сифатида қаралади. Ғайбулла Саломовнинг ўз дарслигидаги *реалия* терминига берган қўйидаги таърифи ва унинг ўзбекча атамаси тавсифидаги фикрлари кўп жиҳатдан болгар олимлари С. Влахов ва С.Флоринларнинг машҳур “Непереводимые в переводе” [10] китобларидаги қарашлар билан муштараклиги бор:

“Маълумки, ҳалқларнинг турмуш тахлити, тирикчилик шароитлари, урф-одат, расм-русл, ирим-чиirim, удумларида жуда катта фарқлар борки, мавжуд росмана луғатлардан уларнинг номларига муқобил сўз топиб бўлмайди. Башарти топилган тақдирда ҳам, улардан фойдаланиш қийин, негаки, бундай сўзлар асарда тасвирланган воқеага ўзгача миллий маъно бериши мумкин... Хуллас, бир тилнинг луғавий бойлиги бўлган бир нарсани бошқа тилларга ўғирганда, бир неча умумий ҳолларни назардан соқит қилганда, “реалий”, яъни ағдариш мушкул бўлган, қўшимча изоҳталаб “хос сўзлар”, миллий ва маҳаллий колорит “компонент”ларига айланиб қолади” [23. 54-55].

Ҳақиқатдан ҳам реалияларнинг муҳим хусусияти улар ифодалайдиган предмет хусусиятидан келиб чиқади. Муайян ҳалқнинг турли тарихий даврлардаги ҳаёт тарзи, ижтимоий-иқтисодий тараққиёти реалияларнинг моҳиятига албатта ўз таъсирини кўрсатади. Ана шунинг учун ҳам реалиялар тўғрисида гапирганда, албатта, миллий ўзига хослик ва тарихий колорит масаласини четлаб ўтиб бўлмайди. Шу ўринда Ғ.Саломов реалияларни миллий ўзига хослик “компонен”ти деганда, уларнинг миллий колоритнинг ажралмас қисми эканлигини айтмоқчи бўлади. Уларда даврий хосликнинг ҳам мавжудлиги, реалияларнинг ҳар қандай ҳолатларда ҳам бир вақтнинг ўзида ҳам миллий, ҳам тарихий бўёққа эга бўлишликларини кўрсатади.

Ғ.Саломовнинг реалияларга бўлган муносабатида кўпроқ қўйидаги жиҳатларга аҳамият қаратилади:

1. Реалиялар нафақат муайян халқ, балки унинг маълум бир табақасига ҳам мансуб бўлиши мумкин. Жумладан, буюк шоир Лев Толстой “Тирилиш” романининг персонажларини японларнинг маълум бир табақалари ўзларича талқин қиласидилар. Японларни Катюшанинг ахлоқи умуман қизиқтирумайди. Уларни таажжубга солган нарса Катюша Нехлюдовни севган ҳолда худди шу муҳаббати ҳаки шундай нуфузли киши билан турмуш қуришдан бош тортганлигидир.

2. Дунё халқлари танаввул қиласидиган таомларнинг улар эътиқод қиласидиган дин ёки бошқа нарсалар билан боғлиқлиги. Жумладан, мусулмонлар таомларни ҳалол ёки ҳаромга ажратадилар. Тўнғиз гўштини ейиш қатъий маън этилган. Аксинча, насроний ҳақларда бундай таом энг сара овқатлар сирасига киритилади. Ёки бўлмаса, заҳарли чинқироқ илон гўштидан тайёрланган хўрак АҚШ Оклахома штатидаги Окин деган жойда байрам дастурхонига тортиладиган энг лаззатли таом ҳисобланар экан. Шунингдек, қадимги форс ривояти бўйича одамлар шолғомдан тарқаган эмиш.

3. Муайян саналарнинг турли халқларда ҳар-хил талқин қилиниши: АҚШда биринчи апрель – “ахмоқлар куни”, Шотландияда - “какку куни”, Францияда – “балиқ куни”, Японияда – “қўғирчоқ куни”, Испанияда – “лақмалар куни” дейилади [23.56].

4. Кўришганда ўзаро саломлашиш тўғрисидаги ҳолат реалиялари. Танишини кўриши биланоқ, япон турган жойида дарҳол тўхтайди. У ҳар қандай ҳолатда турган жойида қотиши лозим. Сўнгра дарҳол бели икки букилиб, очиқ кафта оёғи узра тиззасига сирғалиб тушади. Бир неча сония ана шундай букилган ҳолатда таъзим қила туриб, фақат кўзларини юқорига тикади. Биринчи бўлиб қаддини ростлаш одобдан саналмайди, бинобарин, таъзим ҳолатида рўпарама-рўпара турганлар бир-бирларини жуда зийраклик билан кузатадилар. Ташқаридан кузатиб турган хорижлик сайёҳга бу манзара буда қизиқ: улар

тўсатдан бел оғриғи тутиб қолиб, белини ростлай олмаётган белангиғиа ўхшаб кўринадилар. Ғайбулла Саломовнинг реалиялар масаласида саломлашишнинг ҳам жамиятдаги турли табақалар ўртасида ҳар-хил намоён бўлишини кузатиши диққатга лойик. Жумладан, юқоридаги ҳолатни руслар мисолида қуидаги манзараси таҳлил қилинади. Русларда бир-бирлари билан дийдор кўришиш манзараси бўлакча. Бир ҳолатда, агар учрашганлар эркак киши ёки дўст бўлсалар-у, бирон расмий жойда дуч келиб қолсалар, бир-бирларининг елкаларига қоқиб кўйишади, бошқа ҳолатда, агар учрашганлар аёл киши бўлсалар, бир-бирларининг юзларидан ўпадилар, учинчи ҳолатда – учрашганлар қўл олишиб, бараварига бошларини эгадилар. Нихоят, учрашганлар жамиятда бошқа-бошқа мавқега эга ёки уларнинг тутган ижтимоий роли ўзгача (бири раҳбар, иккинчиси унга итоаткор) бўлса, бош кийимини ечиб (ёки ечмай) қўл олишмаган ҳолда бош эгилади, холос (23. 56).

Ғайбулла Саломовнинг ўзбекона саломлашиш ҳолат реалиясини кузатишлари диққатга сазовор: “Ўзбекларда иккита қадрдон эркак учрашганида қўлтиқлашиб кўришадилар ва галмагал елкаларини елкаларига теккизадилар. Агар учрашганлар жуда қадрдон бўлсалар, “оғиз-бурун” ўпишадилар. Бошқа вақтларда қадрдонлар такаллуф билан дучлашадилар: ўнг қўл кўкракка қўйилиб, таъзим билан ўтиб кетилади ёинки икки томон ҳам бараварига икки қўлини чўзиб, тўртала қўл бир оз силкишилади, бараварига ҳол-аҳвол сўралади. Ҳол-аҳвол сўрашнинг мундарижаси кенг: ҳар икки томон навбати билан: ота-она, болача, қавм-қариндошлар, уй-рўзғор, мол-ҳол, кайфият ва қарийб қозон-товоқ, бошқа узоқ-яқин таниш-билишлар, қўни-қўшниларнинг ҳол-аҳволигача бирма бир сўраб чиқилади. Башарти, вақт зиқлигиданми ёки бирон бошқа сабабга кўрами, муфассал кўришиб-сўрашилмаса, томонлар бир-бирларидан ранжийдилар” [23. 57].

5. Файбулла Саломов бадиий асарлардан ҳам ўзига хос ҳолат реалияларини топа билади. Жумладан, Абдулла Қаҳҳорнинг “Кўшчинор чироқлари” романидан қуидаги парчани келтиради: “Сиддиқжон ундан бундай гап чиқишини кутмаган бўлса керак, қаттиқ изза тортди, нима дейишини билмай, бошидан дўпписини олиб, у ёқ бу ёғига чертди, тиззасига қўйиб, жиягини тортди” [23. 58]. F.Саломовнинг кузатишича, дўппини олиб у ёқ, бу ёғига чертиш, тиззасига олиб, жиягини тортиш, қўл қовуштириш кабилар фақат ўзбекларнинг миллий қиёфасига мосдир.

6. Ҳаракат, турқ-тароват ва имо-ишоралар турли ҳалқларда ҳар хил талқин қилиниши. Масалан, ўзбек ўқувчиси ёки талабаси дарс пайтида эшикка чиқмоқчи ёки машғулотдаги мавзуга ўз муносабатини билдиromoқчи бўлса, қўлини юқорига кўтаради. Немислар бундай пайтда икки бармоқларини кўтарадилар. Хитой ёки япон бошига тушган кулфат бошқаларни ранжитмаслиги учун, жилмайишга ҳаракат қиласи. Руслар ёки ўзбеклар бармоғи билан “бир, икки, уч” деб санаганларида қўл бармоқларини бирма-бир бука бошлайдилар. Бир қатор Фарбий Европа мамлакатларида эса, аксинча, бармоқлар бирма бир ёзилади. Бизда саноқ чималоқдан бошланаса, Фарбий Европаликлар саноқни бош бармоқдан бошлайдилар. Шунингдек, китобда Н.Тихоновнинг “Вамбери”, Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар”, Ойбекнинг “Навоий” романлари таржимасидаги қизиқарли лавҳалар мисолида ушбу муаммога ойдинлик киритади.

II БОБ. “ҚУТАДҒУ БИЛИГ” АСАРИДАГИ РЕАЛИЯ СҮЗЛАР ТАРЖИМАСИ

2.1. “Қутадғу билиг”даги маданий-маиший реалиялар таржимаси

Асардаги миллий ўзига хосликнинг ташқи жиҳатлари билан боғлиқ бўлган майший хосликлар билан боғлиқ бўлган, аникроғи, С.Влахов ва С.Флоринлар таъбири билан айтгандаги *ашёвий кўринишидаги маданий-маиший реалияларнинг “Қутадғу билиг” асарида қўйидаги соҳаларга оид турлари мавжудлиги* кузатилади (10):

- Шахс, жой ва амал-мартаба номлари билан боғлиқ реалиялар;
- Озиқ-овқат, ичимлик ва овқатланиш анжомлари, кийим-кечак ҳамда дори-дармонга оид реалиялар;
- Касб-ҳунарга оид реалиялар.

2.1.1. Шахс, жой ва амал-мартаба номлари ва уларнинг таржимадаги талқинлари

А) Муайян географик, қабила билан боғлиқ бўлган амал-мартаба, унвон ҳамда шахс номлари таржимаси.

Асардаги амал-мартаба, шахс ва жой номларига: *Ыла атлығы* (*Ила номдори*), *Уч Орду хани* (*Уч Ўрдухони*), *Өтүкән бэги* (*Ўтукан беги*), *Йағма беги* (*Яғмо беги*), *Билиглиг чигил* (*Билимли чигил*) каби муайян жой номлари билан боғлиқ хос сўзлар.

Асарнинг “Ўгдулмиш Кунтуғди элигга лашкарбоши қандай бўлиши кераклигини айтади” деб номланувчи бобида шундай бир байт бор:

Нэку тэр эшиитгил Ыла атлығы

Туз этмэк кэнут эй киши қутлуғы

Маъноси:

Ила номдори нима дейди, эшитгин:

Туз, нонни мўл тутгил, эй киши қутлуғи.

В.Радлов таржимаси:

Höre, wie da spricht der durch Schlaueit Berühmte,

Der viel Salz und Brot gesehen hat, der Glückliche der Menschen.

(Эшитгил, айёрлик билан машҳур бўлган нима деганигини, кўп туз ва нонни кўрган ва одамлар орасида баҳти бўлганни.)

В.Радлов аслиятдаги *Ила атлығы* (Ила номдори)ни - *hilä atlyğı* [37. 206], деб янглиш транскрипция қилиши натижасида асардаги X1 асрга хос атоқли от – “Ила номдори” таржимада *durch Schlaueit Berühmte* (айёрлик билан машҳур бўлган киши)га айланади. Бу ўринда немисча таржимада қўлланилган *Schlaueit* (айёрлик) айни пайтда *донолик* маъносини ҳам ифодаланишини инобатга оладиган бўлсақ, таржимон аслиятда ифодалангандан шахс хусусиятларига тўғри ёндошган, дейиш мумкин. Асарнинг ҳозирги туркча нашрида аслиятга нисбатан янада яқин келинган. Унда ортиқча таржима матнига ортиқча қўшимчалар киритилмаган ҳолда юқоридаги байтни қуйидагича тавсифлаган:

2319. *negű tir eśitgil ila atligi*
tüz etmek kingüt ay kisi kutlugi

Р.Денкофф таржимаси:

2320. *The Chief of Ili Valley has said: If fame and life are your desire, feed bread and salt.* (Ила водийсининг бошлиги шундай дейди: Агар сен ном қозониш ва яшаши ниятида бўлсанг, нон ва туз тутгин). Америкалик таржимон аслиятдаги Ила номини тўғри талқин

қилган бўлса-да, уни *The Chief of Ili Valley*, яъни Ила водийсининг бошлиғи, деб беради. Аммо бу ерда бир муаммо бор. Яъни “Қутадғу билиг”да бундай водий тўғрисида ҳеч нарса дейилмайди. Мутаржим тарихий манбалардан ана шу ном билан аталувчи водий тўғрисида маҳсус маълумот олади ва буни асарнинг инглизча нашрига ёзган сўзбошисида шундай изоҳлайди: “*Қутадғу билиг*”да туркий ҳоқонлар: *турклар ҳоқони, Турклар буйруги, Ўга буйруги, Ўтикон беги, Яғмо беги, Уч Ўрду хони, Или хони, Бўка ябгуси, Кўк Айуқ, Алт Эр тўнга тилга олинади.* Ушбу номларнинг барчаси ҳам реал ҳаётда бўлган, деб бўлмайди. Аммо бадиий адабиётнинг образлилик тамойтилига кўра уларнинг кўпчилиги рамзий қаҳрамонлар бўлиб, асосан географик номлардан олинган. Масалан, *Или* – водий дарёси, *Ўтикон* – тоғ тизмаси, *Чигил ва Яғмо* – уруғларнинг номи...” [46.52]. “Ила”нинг бирор бир водий номига ёки дарёга алоқаси бўлиши мумкиндир. Жумладан, Маҳмуд Кошғарий бу тўғрисида шундай дейдилар:

Кема ичра ўлтириб,

Ила сувин кечдик биз.

Уйғур томон юзланиб,

Минглоқ элин очдик биз (18).

Демак, “Ила” бу ўринда дарё номини ифодалаган. Ҳаёт ҳақиқати бошқа, бадиий адабиётдаги образли воқеълик бўлак. Буни америкалик таржимон маҳсус таъкидлайди-ю, унга ўзи риоя қилмайди. Бизнингча, бундай ҳолларда таржима нашри сўнгидা маҳсус изоҳ берилса тўғри бўлар эди. Энди *Ила номдори* айтган ўгитга келадиган бўлсак, бу ерда ҳам мунозарали жиҳат бор. Унда лашкарга доимо эътиборда бўлиш лозимлиги таъкидланиб, “*Туз этмэк кэнут эй киши құтлуғы*” (*Яъни туз, нонни мўл тутгил, эй киши құтлуғи*), - деган ўгит берилади. Аслиятда *етмэк*

(нон) ва тузга нисбатан “кэнүт” сўзи ишлатилади. «Древнетюркский словарь»да бу сўз шундай изоҳланади: “*Kenű, kejűt* – распространяться, расширяться, увеличиться (*тарқатиши, кенгайтириши, кўпайтириши*)” [12.299]. Демак, ўзбек ва ҳозирги туркча нашрни амалга оширган таржимонлар бу ўринда тўғри йўлдан боришган. Аммо асарнинг инглизча таржимаси ҳақида бундай деб бўлмайди. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, Р.Денкофф буни “*If fame and life are your desire, feed bread and salt*” (Яъни, агар сен ном қозониши ва яшаши ниятида бўлсанг, нон ва туз тутгин), - деб беради. Эътибор қилинган бўлса, инглизча талқин меъёридан ортиқча европалашиб кетган. Яъни аслиятдаги жангчиларга ғамхўрлик қилиш учун нон ва тузни кўпайтириш тўғрисидаги ўгит, таржимада Европача нон ва туз билан қарши олиш маросимига айлантириб юборилган. Тўғри, аслият матни ва ҳатто унинг услуби таржимада бир қадар “ўзгариши”, “силжиши” мумкин. Аммо бундай тамойил ҳар қандай меъёрни бузади. Шунинг учун ҳам ўзида ислом маданияти хусусиятларини бадиий акс эттирган асарнинг Европа тилларига қилинадиган таржималарда жуда эҳтиёт бўлиб иш тутиш талаб қилинади. Акс ҳолда бу ўз-ўзидан аслиятда акс этган воқеъликни нотўғри ифодалашга олиб келиши муқаррар.

“Кутадғу билиг”даги амал-мартаба ва жой номлари таржималари билан боғлиқ яна *Уч ўрду хони* ҳақида байт келтирилади:

Нэку тэр эшитгил *Уч орду ханы*

ТУЗУ элкэ тэгруб сөз ыдмыш муны [37. 3733]

Қаюм Каримов таржимаси:

Уч ўрду хони нима дейди, эшитгин,

Буни бутун элга етказиб сўз (хабар) қилиб юборибди.

Мазкур хон номини немис мутаржими В.Радлов *der Fuerst der drei Ordu* [43. 146.] (*Уч Үрда подиоси*) тарзида бериб, сўзмасўз таржима қилиб қўяди. Бундан ташқари “хон”ни таржимада “подшо” билан алмаштиради. Афсуски, инглизча таржимада ҳам худди шундай йўл тутилиб, Р.Данкофф томонидан *The Khan of the Three Camps* (*Учта ўрду хони*) тарзида ўтирилган [46. 164.]. Бу тўғри эмас. Чунки жой номлари бу муайян ҳудудий, миллий, қолаверса, тарихий хусусиятларни ўзида мужассамлаштиради. Масалан, тожиклардаги *Панжикентни* ўзбеклар *Бешкент* ёки туркийлардаги *Еттисувни* немислар *Siebenwasser* деб атамасликлари табиий. Ваҳоланки ушбу ном остида қорахонийлар давридаги аниқ бир жой ёки хон номи ётганлиги ҳақиқат. Буни Маҳмуд Кошғарий ўзининг “Девони луғотит турк”ида қарлуклар шахрига ишора қилган ўринлари бор [12. 71]. Шунинг учун ҳам жой ва атоқли отлар таржимасида транскрипция тамойилидан фойдаланиш ҳамда маҳсус изоҳлаш мақсадга мувофиқдир. Бу жиҳатдан русча таржимада тўғри йўлдан борилган: *Внемли, что сказал властелин Уч Орду* [36.143]. Баъзан немис мутаржими аслиятдаги бек ва хонлар номини транскрипция орқали ҳам беради. Жумладан, *Өтүкән бэги* (*Ўтукан беги*)ни - *Der Trefflichste aus Odügän* [43.170], деб ўтиради. Аммо бу ерда Ўтиканнинг беклиги таржимада “*Der Trefflichste*” (*энг сараси*)га айлантириб қўйилганлиги мақсадга мувофиқ бўлмаган.

Маълумки, чигил қабиласи туркий қавмлар ичидағи энг қадимги ва катта қабила ҳисобланган. Айни пайтда чигиллар ўзбек халқи, жумладан, Фарғона водийси ўзбекларининг таркиб топишида жуда катта рол ўйнаганлиги исботланган. Айнан Юсуф Хос Ҳожиб яшаган даврда ушбу жараён жуда ҳам жадаллашиб борганлигини мутахассислар эътироф этидилар. Муллиф “Қутадғу билиг”да ушбу қавмга ишора қилиб, улардан кўплаб донишмандлар етишиб чиққанлигини айтади. Юсуф Хос Ҳожиб ўз асари қаҳрамони, ақл тимсоли бўлмиш Ўгдўлмиш воситасида

подшо элигнинг амри билан Ўзғурмишни саройга қайтармоқчи бўлади ва узок тадбирлардан сўнг Ўзғурмиш ниҳоят элиг хузурига боради. Асарда Ўздўлмиш тилидан қуйидаги байт келтирилади:

*Нэку тэр эшиштгил билиглиг чигил
Билигсиз эшиштгил бойун бер эгил [37.540]*

Қ.Каримов табдили:

*Билиглиг чигил нима дейди, эшиштгин,
Билигсиз (сен) эшиштгин, бўйин бер, эгил.*

В.Радлов таржимаси:

*Höre, wie da der Wissende spricht, richte dich darnach,
Du Unwissender, höre, biete den Hals dar, beuge dich. [43.300]*

Маъноси:

*Эшиштгин, билимли киши нима дейди, бунга амал қилгин,
Сен, билимсиз, эшиштгин, таъзим қил, эгилгин.*

Немисча таржимада “чигил”ни “чägil” тарзида транскрипция қилиниши натижасида таржима матнида муҳим бир этноним, айни пайтда реалия тушириб қолдирилади. Аникрофи: *Hoere, wie da der Wissende spricht* (эшиштгин, билимли киши нима дейди) деб қўяқолган. Бизнингча, бу ўринда қуйидаги тарзда таржима қилинса, мақсадга мувофик бўларди: *Hoere, wie da der wissende Tschigil spricht, richte dich darnach* (яъни, эшиштгин, **билимли чигил** нима дейди, бунга амал қилгин). Аммо инглизча таржимада бу хато тузатилган. Роберт Данкофф буни қуйидагича таржима қиласди:

But—as the wise Chigel used to say—you do not consult with one who seeks his own benefit [46. 3482].

Маъноси:

Агар, доно Чигил ўгитларига қулоқ солсангиз, фақат ўз манфаатини кўзловчи билан маслаҳат қилмайсиз.

Данкофф аслиятдаги байтни бир қадар қисқартирган бўлсада, чигил қабиласи номини тўғри транскрипция қилган ва таржима ўқувчисига етказган.

Академик В.В. Бартольдинг шаҳодат беришича, Қорахонийлар салтанати даврида истиқомат қилган қарлуқларнинг шарқий бўғини чигил номи билан юритилган [5. 71-72]. Қарлуқларнинг ғарбий бўғини бўлмиш яғмо таржимасида эса, тўғри транскрипция қилиниши билан бирга янада аниқлаштирувчи воситалар ҳам киритилади. Жумладан, немисча матнда “*Der treffliche Yagta-beg*”. Яъни асл Яғмо беги [43.419], русчада “Бек из рода Ягма”[36.4946] тарзида берилган. Аммо аслиятда Яғмонинг бирор бир ижобий сифати ёки муайян уруғ ёки қабиладан эканлигига ишора қилинмаган. Демак, қадимги туркий обидадаги миллий-тариҳий ўзига хосликка эга бўлган шахс, туарар жой ёки лавозимни ифодалайдиган реалияларни Европа тилларига ўгиришда транскрипциялаш билан биргаликда маълум бир аниқлаштирувчи воситаларни ҳам киритиш эҳтиёжи бор.

Асарнинг “Ойтўлди Ўгдўлмишга насиҳат қилишини айтади” деб номланувчи фаслида салтанат юритиш учун бег қандай бўлиши кераклиги тўғрисида фикр юритилади. Бу ҳақда, жумладан, қуйидагича байт келтирилади:

Өзун бэг болыйн тэсә бэлгулуг,

Кенилик ичиндэ бу болды үлуг. [37.1277]

Қаюм Каримов таржимаси:

Ўзинг албатта бег бўлайн десанг,

Бу сенга тўғрилик туфайли насиб бўлади.

В.Радлов таржимасида аслиятни нтүғри транскрипциялаш натижасида бир қатор муаммолари келиб чиққан. Мана унинг транскрипцияси ва таржимаси:

Озун *nai* полајын тәзә пәдгулук,

Көніліктә пулды пу пайлар улук.

Таржимаси:

Wenn du *reich* zu sein wünschest, so ist es offenbar,

Dass die Reichen von der Gerechtigkeit ihren Anteil erhalten.

Маъноси:

Агар сен *бой* бўлмоқчи бўлсанг, буни очиқ айтай,

Бойлар ўз фойдалариниadolat воситасида оладилар.

Аслиятдаги биргина *бег* сўзининг нотүғри транскрипциялаш, яъни *nai* (*бой*) тарзида тушунилиши натижасида амал-мартаба билан боғлиқ давлат аҳамиятига эга бўлган сўз бутундай бошқа нарсага, бойликка айлантириб қўйилган. Бойликка тўғрилик билан етишишadolatli тушунча, аммо бу ўринда бошқа нарса ҳакида гап кетаётганлигини англаш лозим эди.

Асада Корахонийлар империяси хукмдори томонидан бериладиган турли давлат унвонлари тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар бор. Жумладан, “Бегларга хизмат қилмоқлик булардан иборатдир” деб номланадиган фаслда Юсуф Хос Ҳожиб мамлакат бегларига бериладиган бир қатор унвонларни келтиради:

Қайусы алур хайл болур хайл баши

Қайусы ат адғыр узә эл иши

Маъноси:

Баъзиси хаёл олади, хайл боши бўлади,

Баъзиси от, айғир узра (миниб) эл ишини олади [37. 3967].

“Древнетюркский словарь”да “Кутадғу билиг”даги *хайл* сўзини – отлик отряд деб берилган [12.635]. Аммо негадир Қаюмхон Каримов ҳозирги ўзбекча таржима матнида ушбу сўзни фақат транскрипциясинигина беради холос. Бизнингча, унинг англатадиган маъносига сахифанинг ўзида қавс ичида бўлса ҳам маҳсус изоҳ берилганда, мақсадга мувофиқ иш бўларди.

В.Радлов таржимаси:

Einer wirbt Schaaren an und wird ihrer Anführer,

Ein andere wird auf Pferd und Hengst ein Volksanführer [43.347]

Маъноси:

Бири қўлдаги чизиқларни ўқийдиган фолбин ва уларга етакчилик қилувчи,

Бошқаси от ва айғирга миниб халқни ортидан бошлайди.

Немис таржимони мазкур байт таржимаси келтирилган сахифада ундаги қадимги туркий сўзлардан *хайл* сўзига изоҳ берар экан, унинг қўл ёки *хайл* эканлигини тахмин қиласди ва янглишиб, биринчи вариантни танлайди. Натижада аслиятдаги қадимги туркий *хайл* (*отлик отряд ёки эскадрон*) немисчада *Schaaren anwerben* фолбинлик қилмоққа айлантирилади. Байтнинг кейинги банди тўғри ўгирилган. Роберт Данкофф буни инглиз тилига қўйидаги тарзда тўрилайди:

Some will be assigned to *head the cavalry or the royal stud* [46.172],

яъни баъзилар *отлик қўшинга ёки сарой айғирларига* бош бўлади. Бу ўринда америкалик таржимон байтнинг дастлабки қисминигина ўгириб, бир қадар қисқартирган бўлсада, асар муаллифи айтмоқчи бўлган фикрни таржима ўқувчисига етказа

олган. Мұхими, у үзидан аввалги таржимада йўл қўйилган қўпол хатоларни тузатган.

Юсуф Хос Ҳожиб кейинроқ чна бошқа бир қатор унвонлар тўғрисида ҳам байт келтиради:

Қаюсы ынанч бэг қайу чағры бэг

Қайу кур тэгин бэг қайу жавлы бэг

Маъноси:

Баъзими инонч бег, баъзиси чағри бег,

Баъзиси ботир тегин бег, баъзиси жавли бег.

Мазкур байтда келтирилган бегларга бериладиган лавозим-унвонлар аслида қандай маъно англатишини асарни ҳозирги ўзбек тилига ўтирган Қаюмхон Каримов қуийдагича изоҳлайди: *инонч бег – Ишончи бег, чағри бег – Лочин бег, ботир тегин – Кул бег, жавли бег – Шуҳратли бег* [37. 961б.]. Буларнинг барчаси подшо томонидан бегларга бериладиган турли унвонлар ҳисобланган. Энди бу унвонларнинг немисча таржимасига аҳамият берайлик:

Mancher wird Inantsch-Beg, mancher Tschagri-Beg,

Mancher Kül Koni-Ärhan, mancher Tschavli-Beg.

Маъноси:

Баъзилари Илонч-Бег, баъзилари Чагри-Бег,

Баъзилари Кюл Кони-Архан, баъзилари Чавли-Бег.

В.Радлов таржима матни саҳифаси остида аслиятдаги ёзувни қандай тушунганилигига берган махсус изоҳида Tschagri-Beg ва Tschavli-Beg кабилар ўша пайтда юқори лавозим номлари бўлиши керак [43.347 б.], - деган хulosасини айтади. Айни пайтда қадимги туркий ҳоқонлик даврида бегларга бериладиган

муҳим унвонлардан бири бўлмиш тэгин бэг – ботир тегин (Қул бег)ни Kül Koni-Ärhan тарзида нотўғри транскрипция қиласди. Натижада тўғри ноаник унвон “яратиб” қўяди. Одатдагидек, инглизча таржимада бундай хато-камчиликлар имкон қадар тузатилганлигини кўришимиз мумкин. Роберт Данкофф бу байтни қуидагича ўгиради:

Some may be awarded such titles as Kok Ayuk, Inane Beg, Chagn Beg, Kiil Erkin, or Chavli Beg, others may become Yavgu or Yugrus, or El Begi,.or gain the unequaled title of Er begi [46.4068].

Маъноси:

Баъзилар Кўк Айуқ, Инон Бег, Чагин Бег, Киил Эркин ёки Чавли Бег, бошқалар Явғу ёки Яғрус ёки Эл Бег ва шунга мувофиқ келадиган Эр Бег унвонларини оладилар.

Р.Данкофф таржима матнида пайдо бўлган Кўк-Айуқ бегини Қ.Каримов китоб табдилига берган иловалар рўйхатида Туркман қабилаларида бошлиқларга бериладиган маҳсус унвон тарзида тушунириш бериб ўтган [37. 961-б.]. Аммо, Киил Эркин, Явғу бег ва Эр бег каби унвонлар мазкун бобда берилмаган. Бизнингча, бу Р.Данкофф мурожаат қилган нусха асарнинг ҳар уччала нусхасининг ўзаро солиштирилган варианти асосидаги А. Арат нашри бўлганлигидир.

Асадаги амал-мартаба, лавозим-унвон, қабила, элат номлари билан боғлиқ бўлган реалиялар таржималари қиёсий таҳлилиниң кўрсатишича, бундай реалияларни хорижий тилларга ўгиришда энг аввало аслият матнини тўғри ўқиш, тўғри тушуниш ва ўз навбатида тўғри транскрипция қилиш муҳим аҳамият касб этади. Аслиятниң кўп нусхалилиги, айни пайтда мавжуд нусхаларниң бир-биридан ўзаро фарқ қилиши ҳам бунга салбий таъсир кўрсатиши табиий. “Қутадғу билиг”ниң учта нусхада бўлиши ва улар ўртасидаги жиддий фарқ ҳам бунга сабаб

бўлиши турган гап. Аммо узоқ тиллардан таржимада, хусусан, узоқ ўтмишга оид асар таржимасида ушбу асарнинг бошқа мавжуд таржималаридан ҳам фойдаланиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

2.1.2. Озиқ-овқат, ичимлик, овқатланиш, уй-рўзғор анжомлари, кийим-кечак ҳамда тўй маросим номлари таржимаси

Бунга:

А) Ичимлик ва озиқ-овқат номларидан фуқаъ (фуқо), мизаб (мизоб), жуланбин (гуланбин), жулаб (гулоб), шараб (шароб), шира (шарбат), қымыз (қимиз), йузгрут (сузма), қурут (қурут) каби ичимлик ва сут маҳсулотлари номлари, ҳалва каби турли шириналарниң номлари ҳамда тўй маросимлари номлари билан боғлиқ бўлган реалиялардан - суннат аши (суннат оши), түгурса ўгул (ўғил түғилса бериладиган оши), йуз аши (аза оши), ат болур аши (унвон олганда бериладиган оши) каби кабилар киритилади;

Б) Айақ (идии-оёқ), тэрги (дастурхон), эв (уй-жой), тон - төшиқ (кийим-кечак ва кўрпа-тўшак) каби овқатланиш, тұтышук (чилим) каби уй анжомлари ҳамда кийим-кечак номларини киритиш мумкин.

Асарнинг “Ўгдулмиш Ўзғурмишни зиёфатга таклиф қилмоқлик қоидасини ўргатади” деб номланувчи бобида ўша давр туркий ҳалқлари ичимликлари тўғрисида қимматли маълумотлар мавжуд:

Тиләсә фуқаъ бэр тиләсә мизаб

Тиләсә жулаңбин тиләсә жулаб

Маъноси:

Истаса фуқо бер, истаса мийзоб,

Истаса гуланбин, истаса гулоб.

В.Радлов таржимаси:

4671. Gib daher Gerstenbier nach Wunsch oder Misab,

Gib Honigbier oder Rosenwasser.

(Истагига қараб Арна пивоси бер ёки Мизоб,

Асал пивоси ёки Атиргул суви бер.)

В.Радлов шарқона ичимликларни таржимада Германиядаги пивохўрликка айлантириб юборган кўринади. Фуқаъ (фуқо)ни – Gerstenbier (*Арна пивоси*)га, жулаңбин (гуланбин)ни эса, Honigbier (*Асал пивоси*) деб тушунади. Билмаганларини эса, транскрипция ёки сўзма-сўз таржима қилиб, уларга маҳсус изоҳ бериб ўтирамайди. Мутаржимга ўзга халқ адабиётини ўз халқига танишириар экан, хорижий тилда яратилган оригинал асарни ва унинг муаллифини ўз юртига олиб келиб, унга ўзи хоҳлаган нарсасини бера олиш ҳуқуқи берилмаган. Таржимон аслият матнида ифодалангандан воқеъликдан ташқарига чиқиши мумкин эмас. У ўз ўқувчиларини аслиятга мумкин қадар яқинлаштириши, аслият муаллифи оламига олиб кириши лозим. Бошқача айтганда у фақат таржима қилиши мумкин. Агар бадиий таржимада санъат билан биргаликда филологик таҳлил, интуиция ёнма-ён юрса, “Қутадғу билиг” каби қадимги бадиий достонларни ҳозирги замон тилларига ўгиришда юқоридаги талаблардан ташқари яна илмий (тариҳий, этнографик ҳамда фалсафий) таҳлил ҳамда тадқиқот ҳам талаб қилинади. Бу жиҳатнинг муҳимлиги айниқса, асардаги миллий хосликни қайта яратиш жараёнида янада ортиб бораверади. Асарнинг Р.Арат нашридан инглиз тилига ўгирган америкалик мутаржим Р.Денкофф ана шу қоиадаларга бир қадар

риоя қилган. Бунда у Р.Арат нашридаги транскрипция қандай бўлса шундайлигича келтирадида, уни инглиз тилида маҳсус шарҳлайди: *fuķa (a sweet bewerage)*. Яъни *ширин ичимлик* тарзида бериб, унга яна А. Асҳаннинг “Аббосийлар даврида ижтимоий хаёт” номли рисоласи асосида қўйидагича шарҳ ҳам беради: “*The special drink recommended after meals was called fuqqa’ . It was made from with sugar, honey or treacle, mixed with rosewater and musk and was cooled with ice*” (Яъни Овқат тановул қилинганидан сўнг бериладиган маҳсус ичимликни фуқо дейилади. У оқ қанд, асал ёки қиёмни атиргулли сув ҳамда мушк билан аралаштириб тайёрланади ва муз билан совутилади). Ундан кейин **mizab** (table water – стол суви), **jūlanbin** (conserve of roses – атиргул суви), **jūlab** (rose-water – атиргулли сув), [46. 192] тарзида изоҳланади. Бу ўринда америкалик мутаржимнинг фуқога берган шарҳи таҳсинга лойик. Бундай маълумотларни ҳатто биздаги қадимги туркий тиллар лугатлардан ҳам топиб бўлмайди. Афсуски *мийзоб* ва *гуланбин* тўғрисида бундай дейиш қийин.

“Қутадғу билиг”нинг “Чорвадорлар билан аралашмоқликни айтади” деб номланувчи фаслида мазкур қасб эгалари томонидан тайёрланадиган, турмушда керак бўладиган бир қатор маҳсулотлар номи айтилкадики, улар озиқ-овқат ва кийим-кечак, умуман, уй-рўзғор буюмлари сифатида кўпчилиги айнан Марказий Осиё туркий халқларигина тегишли ҳисобланадиган реалиялар ҳисобланадилар. Юсуф Хос Ҳожиб Ўгдўлмиш тилидан, жумладан, шундай дейди:

Қымыз сут йа йун ѹаф йа йуғрут қурут

Йадым йа кидиз ҳам эзэр эвқә тут [37.4338]

Қаюм Каримов табдили:

Қимиз, сут ё юнг, ѹаф ё сузма, қурут,

Намат ё кигиз ҳамда уйга тутиладиган пардалар.

Херман Вамбери таржимаси:

Kumis, Milch, Wolle, Schmalz, saure Milch und Käse,
Speise und Kleider, sowohl als grobe Wolle für Stricke [45.138]

Маъноси:

Қимиз, сут, юнг, ёғ, чучук қатиқ ва пишлок,
Овқатлар ва кийимлар, шунингдек, тўқиши учун юнгли ип
ҳам.

Херман Вамбери туркий халқларгагина хос бўлган озиқовқат махсулотлари умумий моҳиятини тушунади. Айниқса, қимизни – *Kumis* тарзида транскрипция қиласи. Бироқ, унинг қандай ичимлик эканлигига ҳеч бир изоҳ берилмайди. Бизнингча, бу ерда *Getränke aus Pferden Milch*, яъни от сутидан тайёрланадиган ичимлик деб ифодаланса тўғри бўларди. Шунингдек, фақат бизнинг Марказий Осиёгагина хос бўлган *йуғрут* (қатиқ)ни оддийгина русларнинг *простоквашаси* ёки немисларнинг *Sauermilch* (чучук қатиқ)и билан ўтириб бўлмайди. Чунки бу махсулотлар бир-бирига ўхшагани билан, туркийларнинг қатиги европаликларнидан ўзгача мазаси билан фарқ қиласи. Нихоят, Вамбери яна бир туркий реалия бўлмиш *қурутни* немисларнинг *Käse* (пишлок)си билан алмаштирганлигига гувоҳ бўламиз. Бу ҳам туркий аслиятга унчалик мос эмас. Чунки, *қурут* билан пишлок бошқа-бошқа нарсалар. Бизнингча, уни ҳам қимиз каби транскрипция қилиб, *die sauere Klappmilch* (суви чиқариб, қурутилган сут) тарзида изоҳланган ҳолда таржима қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқоридаги байтнинг В.Радлов таржимасида эса, анчагина чалкашлиқ ва мавхумликлар кўзга ташланади:

Kumiss, Milch, Haare, Fett, Quark und Käse,

Verwende als Nahrung, Kleidung und Zierrat (?) für das Haus [43.379]

Маъноси:

Қимиз, сут, жунлар, ёғ, творогларни озиқ-овқат сифатида фойдалан, кийим ва тақинчоқларни уй учун ишлат.

В.Радлов ҳам аслиятдаги қимизни транскрипция қилади. Изоҳ йўқ. Қатиқни эса, у бира-тўла немисларнинг *Quark* (*творог*)гига айлантириб қўяди. Шунингдек, қадимги туркий *йадым* *йа* *кидиз* (*кизиз* *ва* *намат*) реалиялари ҳам ҳар иккала немича таржималарда ноаниқ ўгирилган. Агар, Вамбери *тўқиши* учун юнгли *ип* деб тушунса, Радлов умумий *кийим* *ва* *безак* учун *тақинчоқлар* томонга буриб юборган. Демак, ҳар икки немисча таржимада сут махсулотлари ва бошқа уй-рўзгор реалиялари муқобил таржима қилинмаганлиги кўриниб турибди.

Энди Роберт Данкоффнинг инглизча таржимасига эътибор қаратсак:

Koumiss and milk, wool and butter, yoghurt and cheese; also carpets and felts—take a little of each for your home [46.185].

Маъноси:

Қимиз ва сут, юнг ва ёғ, ёгурт ва пишлок, шунингдек, ипдан тўқилган гилам, буларнинг барчаси сенинг уйинг учун.

Америкалик таржимон Роберт Данкофф ҳам немис ҳамкаслари каби аслиялраги қимизни – *Koumiss* тарзида транскрипция қилиш билан кифояланади. Аммо реалия сўзларни транскрипция қилиш тўғри бўлсада, уларга махсус изоҳ ҳам бериш керак эди. Бизнингча, мавжуд луғатлардан фойдаланилган ҳолда буни инглизчага *Koumiss -ermented drink an alcoholic beverage made from fermented mare's milk; made originally by nomads of central Asia* (<https://ru.glosbe.com/en/ru/koumiss>),

яъни, Марказий Осиё кўчманчилари томонидан илк бор қўлланган от сутидан тайёрланадиган, ферментли, таркибида алкоголь бўлган ичимлик деб изоҳ берилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, юқоридаги байтда келтирилган яна сут махсулотларидан тайёрланадиган туркий реалия бўлмиш сузма ва қурутни Р.Данкофф *yoghurt and cheese (ёгурт ва пишлок)* тарзида таржима қилган. Бу немисча таржимага нисбатан аслиятга яқин келсада, американкларнинг *йогурти* – туркий халқлар *сузмаси ёки қатиғига тўлиқ* мос деб бўлмайди.

“Кутадғу билиг”да Юсуф Хос Ҳожиб Ўгдўлмиш билан Ўзғурмиш мунозараларига оид қисмида туркий халқлар ширинликлари номларига оид ҳолва реалияси тўғрисида байт келтиради:

Шакар ҳалва йэгли бар эрсә айур

Тодуб йатса таңда йана ач туур [37.3555]

Қаюм Каримов таржимаси:

Шакар, ҳолва еган бор бўлса айтади,

Тўйиб ётса, тонгда яна оч туради.

“Древнетюркский словарь”да ҳолвага қуйидагича изоҳни кўрамиз: Halva – сладость, халва: qarin toqsa arpa ja halva bir – если желудок насытиться, всё равно что ячмень или халва [12.198]. Ҳолва, туркий халқларга хос бўлган озиқ-овқат, ширинлик реалияси. Шу сабаб унинг таржимасида транскрипция талаб қилинади.

В.Радлов таржимаси:

Ob man Zucker, *Halwa* oder Gerstenbrei isst,

Isst man am Abend satt, am Morgen ist man doch wieder hungrig [43.310].

Маъноси:

Шакар ва ҳолва ейдими ёки арпали шириналик,

Кечкурун тўқ ётгани билан, яна эрталаб қорни оч туради.

В.Радлов озиқ-овқат номларини имкон қадар таржима қилиб ҳолва ширинлигини транскрипция билан берганлиги жуда ҳам тўғри. Аммо, афсуски, унинг маъносига изоҳ бермай кетганлиги яхши бўлмаган. Шунингдек, аслиятдаги ҳолва иштироқида берилган ҳикмат маъносини ҳам тўлақонли етказа олмаган. Чунки аслиятда “Корин тўйса, арпа ёки ҳолва бирдир” деган ўгит ифодаланганди. Р.Данкофф таржимаси:

Whether a man eats *sugar and sweets*, or barley and millet, if he goes to sleep full, he will be hungry again in the morning [46.3615].

Маъноси:

Инсон қанд ейдими ёки шириналик, ёхуд арпами ёки тарик, кечкурун тўқ ётгани билан эрталаб қорни яна оч уйғонади.

Денкофф аслиятдаги ҳолва реалиясини умумий маъно англатувчи ширинлик билан таржима қилган. Аммо шунга қарамай, аслиятдаги ҳикмат маъносини таржима ўқувчисига етказа олган.

Демак, “Қутадғу билиг”даги озиқ-овқат, ичимлик номлари билан биргаликда овқатланиш, уй-рўзғор анжомлари, кийим-кечак ҳамда тўй маросим номларини ифодаловчи ўзига хосликларни Европа тилларига таржима қилишда, асосан, аслиятдаги хос сўзларни транскрипция қилиш билан бирга унга маҳсус изоҳлар бериб бориш ижобий натижаларга олиб келади. Аксинча, фақатгина транскрипция қилиш билан кифояланиш қадимги туркий обидада акс этган маҳаллий ўзига хослик тўғрисида мавҳум бир таассурот туғилишига сабаб бўлади, холос. Бундан ташқари, “Қутадғу билиг”нинг инглизча таржимасида

берилган махсус изоҳлардан унинг бошқа тилларга, жумладан, унинг янги немисча, қолаверса, ўзбекча нашрларини тайёрлашда фойдаланиш тавсия этилади.

2.1.3. Касб-хунарга оид хос сўзлар таржимаси

Бунга асосан : *Қапуғ башлар* (*дарвозабонлар*), *йарағчы* (*яроғдор*), *йатгақ* (*соқчи*), *эгәт* (*сарбоз*), *ыдышичи башы* (*шаробдорлар бошлиги*), *ыдышичи* (*соқий*), *төшикчи* (*тўшакчи*), *аиччи* (*ошпаз*), *туғчи* (*туғчи*), *қушчи* (*лочиндор*), *кәиччи* (*сувсар тутувчи*), *өқ* *йачи* (*ўқ-ёйчи*), *йалавач* (*элчи*), *ағыччи* (*хазиначи*), *әрәт* (*аскар*), *аши башчи* (*бош ошпаз*) кабиларни киритиш мумкин.

Асарнинг “Ўгдулмиш элигга лашкарбоши, сипоҳсолар қандай бўлиши кераклигини айтади” деб номланувчи бобида жумладан шундай дейилади:

2280. Йағыччи йарағчы киши-ул тучы

Йағы санчғучы ҳам йэтургэн өчи

Маъноси:

Ҳарбий (жангчи), яроғдор киши доим ўшадирки,

(У) ёвими тор-мор қилувчи ҳамда ўчини оловчи бўлса (37).

Буни В.Радлов қуйидагича таржима қиласи:

Krieger und Entferner(?) sind alle tüchtigen Menschen,

Sie sind Besieger der Feinde und Rachenehmer.

(Жангчи ва узоқлаштирувчиларнинг барчаси абжир кишилардир,

Улар душманини енгувчи ва ундан ўч оловчилардир). [43.206.]

В.Радлов аслиятдаги “йарағчы” (*яроғдор*)ни янглиш тушуниб, “јыракчы” деб транскрипция қиласи ва немис тилига

“Қутадғу билиг”нинг “Ўгдўлмиш элигга улуғ Ҳожибликка қандай киши (бўлиши) кераклигини айтади” деб номланувчи бобда яна қуйидаги касб номлари келтирилади:

Ағычы битигчи йа иш тутғучы

Йа тончы этүгчи ъамил болғучы [37. 2456].

Қаюм Каримов таржимаси:

(Ё) хазиначи, (ё) котиб, ё (бошқа) иш юритувчи (аёнлар),

Ё тўнчи, (ё) этикчи, (ё) мол-мулк ишларини бошқарувчи саркорлар.

В.Радлов таржимаси:

Er ist Zahlmeister, Schreiber oder Verwalter,

Einer, der alles ausführt, ein Friedenstifter [43.2464].

Маъноси:

У бир ҳисоб-китоб устаси ёки бошқарувчи,

Барча ишларни олиб борувчи, тинчликни таъминловчи.

Биринчидан, В.Радлов таржимасида аслиятдаги *ағычы (хазинаси)* – *Zahlmeister (ҳисоб-китоб устаси)*га айлантириб қўйилган. Ваҳоланки, немис тилида бундай ўринда *Zahlmeister* сўзи ишатилади. Йиккинчидан, немисча таржимада аслиятдаги *тончы этугчи (тўнчи ва этикчи)* тушуриб қолдирилган. Бу хато асарнинг инглизча таржимасидагина тузатилган. Роберт Данкофф буни қуидагича ўтирган:

He deals with the treasurer and secretary and other ministers;
with tailor and cobbler and other craftsmen [46.120];

Маъноси:

У *хазиначи ва котиб* билан ишлайди ҳамда унга *бошқа вазирлар* ҳам керак бўлади;

Шунингдек, унга *тикувчи ва косиб* ва бошқа хизматчилар керак бўлади. Данкофф таржимасида аслиятдаги *ъамил болгучы* (мол-мулк ишларини бошқарувчи)ини умулаштириш тамойили билан *other craftsmen* (бошқа уста, хизматчилар) тарзида таржима қилинган. Шунинг билан биргалиқда инглизча таржимада бир қадар замонавийлаштириш ҳам кўзга ташланади. Яъни, *иши тутгучы (иши юритувчи (аёнлар)ни other ministers (бошқа министрлар)* деб ўгирилишини кўришимиз мумкин. Бу қадимги туркий асар таржимасида унчалик мос келмайди. Чунки, аслиятдаги тарихий колоритга путур етказиши мумкин. Шуни унутмаслик ҳам керакки, ҳозирги замон инглиз тилида *ministry* сўзи бошқа касб эгалари маъноларини ҳам англатади. Жумладан, Инглизча-русча луғатда шундай изоҳни учратамиз:

a) министерство the Ministry of Justice — Министерство юстиции the Agriculture Ministry — Министерство сельского хозяйства Syn: department б) (= Ministry) кабинет министров, правительство Their existence as a Ministry was only a question of

days. — Их пребывание в должности министров было вопросом лишь нескольких дней. • Gram: ministry 2) а) духовенство; пастырство So what prompted him to enter the ministry? — Что же его побудило принять духовный сан? Syn: clergy , priesthood б) функции священника; отправление обязанностей священника His ministry is among the poor. — Он выполняет свои обязанности среди бедных.

Демак, бу билан таржимон Юсуф Хос Ҳожиб замонада буюк Ҳожиб учун *роҳиб* касбидаги киши кераклигига ҳам ишора қилган бўлиб қолаяпти.

Қорахонийлар даврида салтанат бош дарвозасини қўриқлаш дарвозабонларга юклатилган. Буни қадимги туркий тилда *қапуғ башилар* [37.2490] дейилган. Бу касб ҳозирда эскирган, истеъмолда йўқ. Бугунги ғукумат тизимида бундай касб йўқ. Тўгрироғи, айнан ана шундай касбни учратмаймиз. Юсуф Хос Ҳожибнинг таъкидлашича, бу касб эгаларининг асосий вазифлари – пойтахт, шаҳар дарвозаси қўриқчиларига раҳбарлик қилишдан иборат. Шаҳарга кириб келган, адашган, ёт мусофиirlарга қўмак бериш, уларни тўғри йўлга йўналтириш, дарвозада турган сарбозлар ҳолидан хабар олиш, мамлакат пойтахти, саройга киритилаётган турли озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларни назорат қилиш ва ниҳоят, соқий, ётоқ бошлиғи, ошпазлар, лочиндор, сувсар тутувчи ва ўқ-ёйчиларни узлуксиз назорат қилиш каби вазифларни бажарган. Дарвозабон мамлакат бевосита Лашкарбоши ва Буюк Ҳожибига бўй сунган [37. 2489-2523].

В.Радлов таржимаси:

Der Anführer des Thores (Hofmarschall) [43.2498]

Маъноси:

Дарвозани қўриқловчи (Хофмаршал).

В.Радлов таржима ўқувчисига тушунарли бўлиши учун аслиятдаги дарвозабоннинг Ғарбда, жумладан, немис тилли мамлакатлар тарихидаги вариантини ҳам қавс ичидаги келтиради. Бу жуда тўғри тамойил. Данкоффнинг инглизча таржимасидан факат унинг *The gatekeeper* (дарвоза қўриқловчиси) эканлигинигина билиб оламиз холос [46.32].

“Қутадғу билиг”да яна *oipaz* тўғрисида ҳам маълумот бор. Буни ўша пайтда *aichы* (37.2518) дейилган. Қаюмхон Каримов буни ҳозирги ўзбек тилига *oichi* тарзида табдил қилган. В.Радлов таржимасига эътибор қиласидан бўлсақ, қўйидаги манзарани кўрамиз,

Küchenmeister (бош ошпаз) [43.226]

Бизнингча, бу бир оз мунозарали таржима. Яъни, тахминий таржима, деса ҳам бўлади. Чунки бундай касб бугунги кунда йўқ. Шу сабабдан қараганда немисча таржимада тўғри йўл тутилган. В.Радлов *Küchenmeister* (бош ошпаз) тарзида ўгириб, масалани тўғри ҳал қилган. Роберт Данкофф аслиятдаги *бош ошпазни* инглиз тилига *cook* тарзида ўгиради. Бизнингча, бу ўринда бугунги кунда инглиз тилли мамлакатларда қўлланиладиган *chef-cook* (бош ошпаз) вариантини қўллаган маъқулроқ кўринади. Аммо, бошқа томондан қараганда, таржимонни ҳам айблаб бўлмайди. Чунки, Юсуф Хос Ҳожиб асарда бу касб эгаси номини келтирганда уни *бош ошпаз* эмас, балки шунчаки, *aichы* (*ошпаз*) тарзида берган. Ҳамма гап масалага қайси томондан қарашда. Бизнингча, дарвозабон сарой ошхонасининг, аввало, бош ошпазини назорат қилиши мантиқан тўғрироқ бўлади [37.2552].

Ўша пайтда салтанат дарвозабони назорат қиласидан кабдагилар сирасига кэшчи (сувсар тутувчи) ҳам кирган [37.2519]. Аслиятдаги *кэшчи* (*сувсар тутувчи*)ни В.Радлов нотўғри талқин қилиши натижасида *söscî* тарзида транскрипция қилиши натижасида немис тилига ҳам *Wortführer*, яъни сўз

юритувчи, олиб борувчи деб таржима қилиб қўйган. Инглизча таржимада Р.Данкофф аслиятдаги кэшичи, яъни *сувсар тутувчини* унчалик тушунмаган кўринади. Шунинг учун уни мазкур сўздан кейин келган *оқ йачы* (*ўқ-ёйчи*)га даҳлдор деб билган кўринади. Ана шу сабабдан таржимада у *quiver-bearer* (*ўқ-ёй ташувчи*) деб қўя қолган. Ўқ-ёйчини эса, *archers* деб, тўғри ўгирган [46.2554].

2.2. “Қутадғу билиг”даги тарихий шахслар ҳамда асар қаҳрамонлари номлари билан боғлиқ реалиялар таржимаси

“Қутадғу билиг”да кўплаб тарихий шахсларнинг номлари акс эттирилган. Бу ҳақда таникли олим Қ.Каримовнинг “Қутадғу билиг”да учрайдиган шахс номлари” номли мақоласи [43. 42-47] эътиборга лойик. Унда олим “Қутадғу билиг”даги шахс номлари ишлатилишининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида таҳлилий фикрлар айтган. Аммо уларнинг ўзга тиллардаги таржимавий талқинлари масаласи ҳали жиддий ўрганилганича йўқ. Илк туркий бадиий достоннинг таржималарида тарихий шахсларга муносабат масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Асадаги тарихий ҳамда туркий ўзига хосликни таъминлашга хизмат қиласиган жиҳатлардан бири унда ўша давргача бўлган тарихий ҳамда афсонавий шахсларга мурожаат қилиниб, уларга муносабат ҳам билдирилганлигига кўринади. Ана шундай номлардан бири бу *Искандар Зулқарнайн* (Александр Македонский)дир. Аввало ушбу тарихий шахс Куръони Каримда ҳам Зулқарнайн тарзида тилга олинганлигини эслаб ўтиш лозим. Куръоннинг 18 “*Қаҳф*” (*Fop*) сураси 83 оядидан то ушбу суранинг охиригача бўлган 110 оятигагача [42. 206-207] Зулқарнайн ҳақида ҳикоя қилинади. Унда Аллоҳ Искандар Зулқарнайнни Ер юзининг Фарбу Шарқидаги золим, бузғунчи кимсаларни жазолаш учун юборганлиги айтилади. Шунингдек Куръонда Зулқарнайннинг бу

дунёдаги мол-дунёдан Парвардигор ато этган куч-қудрат афзал билғанлиги таъкидланади.

Мазкур ҳукмронга мурожаат этиш жағон адабиётида бир анаъанага айланган. Ҳурматли олимларимиз А.Қаюмовнинг Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонига [41.210] ҳамда Ф.Сулаймонованинг Шарқ адабиётида Искандар талқини [26]га бағишиланган тадқиқотлари эътиборга лойик. Аммо “Қутадғу билиг”таржималарида Искандар Зулқарнайнга муносабат масаласи ҳали маҳсус ўрганилганича йўқ.

Асарда *Искандар* Зулқарнайндан ташқари пайғамбарлар *Одам Ато, Нуҳ, Мусо, Исо ва Мұхаммад*, туркий халқларнинг халқ оғзаки ижодига алоқадор бўлган *Шаддод, Од, Рустам*, қардош форс тожик адабиёти қаҳрамонлари *Кисро ва Нўширавон* ҳамда араб адабиёти воситасида қадимги юнонлардан кириб келган *Қайса* каби афсонавий ҳамда тарихий шахсларнинг образли талқинини кўришимиз мумкин. Уларнинг поэтик хусусиятлари тўғрисида таниқли адабиётшунос олим, профессор Б.Тўхлиев чуқур илмий таҳлилларга асосланган тадқиқот яратган [30. 426-429]. Унда Юсуф Хос Ҳожиб туркий ёзма адабиётда илк бор асос солган анъаналарни кейинчалик Атоий, Саккокий, Навоий, Бобур, Огаҳий давом эттирганликлари таъкидланади. Биз ана шу тадқиқотлардан келиб чиқиб, ушбу жиҳатларнинг сарчашмалари, жағон адабиётида ўрганилиши масалалари бугунги кун қиёсий адабиётшунослиги ҳамда таржима назарияси фанининг ёритилиши лозим бўлган долзарб муаммолари сирасига киришини ҳам алоҳида таъкидламоқчи эдик. “Қутадғу билиг”да айниқса, қадимги юнон императори Искандар (Александр Македонский) га бўлган муносабат дикқат эътиборни тортади. Юсуф Хос Ҳожиб ушбу шахсга дастлаб асарнинг “Ўзғурмиш Ўгдулмишга бу дунёдан юз ўгириб, у дунёга мойил бўлмоқликни айтади” деб номланувчи бобида ва кейинчалик “Йигитликка ачиниб, қарилик ҳақида айтади” деб аталувчи қасидасида тўхталиб ўтади. Дастлаб, муаллиф *Искандар* номини

бевосита тилга олмай, унинг хислатларини топишмоқ тариқасида ўқувчига ҳавола қиласи:

4610. Қаны ул Туғардын Батарқа тэги

Йуруб эл тутуғлы бу дунйа йэги.

Маъноси:

Қани у (кун) чиқардан (кун) ботарга қадар

Кезиб, элларни олган бу дунё яхиси (яъни Зулқарнайн)

В.Радлов буни қўйидагича таржима қилган:

Wo ist der welcher vom Osten bis Westen

Gezogen ist? Der Reich regiert hat? Der Volksfürst [43. 401]

Қани у Шарқдан Гарбгача кезиб чиққан?

Салтанатни юргузган? Халқ подшоси?

Ўзбек олими Қаюм Каримов ўқувчига бир савол тариқасида ташланган байтни немис таржимони янада аниқлаштириб ўгиради. Яъни, асар муаллифи айтмоқчи бўлган шахс айнан Искандар Зулқарнайн эканлигини байт сўнгига қавс ичида беради.

Юсуф Хос Ҳожиб машҳур тарихий шахс, император Искандар Зулқарнайнга (Александр Македонский) муносабат билдирар экан, унга берган хислатлар қаторида *бу дунйа йэги (бу дунё яхиси)* деган сифатни қўллади. Аммо бу жиҳат немисча таржимада *Der Volksfuerst (Халқ подшоси)* тарзида ўгирилган. Бунга сабаб, В.Радловнинг транскрипциялаш жараёнида аслият матнидаги *бу дунйа йэгини – пудунда järi* тарзида талқин қилиши бўлган. Яъни, араб имлосида битилган ёзувдаги сўзларни бир-бирига нотўғри боғлаб қўйган. Юқоридаги қиёсдан буни билиб олиш қийин эмас. Аммо, энг муҳими машҳур саркарда ва ҳукмрон Искандар Зулқарнайнга бўлган туркий халқларнинг

муносабати – аслият матнида ишлатилган йэг сўзи умуман тушириб қолдирилган. Ваҳоланки, Древнетюркский словарь (қадимги туркий лугат)да *Jeg* – хороший, яъни яхши [12. 253] тарзида изоҳланади. Мазкур байтни ҳозирги туркча таржимада Р.Арат томонидан қуидаги транскрипция қилган:

4714. *ḳani ol togardin batarḳa tegi
yorip il tutugli bu dūnya begi* [44.189]

Достоннинг Қаюм Каримов мурожаат қилган Наманган нусхасидаги *йэги (яхшиси)* асарнинг ҳар учала нусхалари асосида тайёрланган, ҳозирги туркча транскрипциясидаги нашрида – *begi* (хукмрони)га ўзгартирилган. Ушбу манба асосида америкалик олим-таржимон Р.Денкофф қуидаги инглизча матнни яратган:

4714. *Where is one who went from east to west, the realm-destroyer and prince of the world (Alexander)?* [46. 194]

Яъни, қани у шарқдан гарбгача кезиб чиққан, салтанатларни вайрон қилувчи ва дунё шоҳи (Александр)?

Ҳозирги туркча нашрда Искандар Зулқарнайнинг дунё *бегига ўзгарганлиги* аслият матни моҳиятига сезиларли таъсир этмаган бўлиши мумкин. Аммо “Кутадғу билиг”нинг Наманган нусхасида мазкур шахсга нисбатан қўлланилган *йэги (яхшиси)*нинг Америкада нашр этилган инглизча таржимада *the realm-destroyer (салтанатларни вайрон қилувчи)*га айлантирилганлиги билан муроса қилиш қийин.

Тўғри, Искандар Зулқарнайнинг босқинчилик даврида вайронагарчиликлар қилганлиги ҳам рост. Аммо гап бу ерда туркий мусулмон халқлари, қолаверса, ижод аҳлининг қадимги юонон ҳукмронига бўлган муносабати, унинг бадиий адабиётдаги талқини хусусида бормоқда. Ана шу жиҳатдан қараганда америкалик мутаржим қўллаган тамойилга қўшилиб бўлмайди. Умуман олганда туркий адабиётда Искандар образига асосан

ижобий муносабатда бўлинган. Бунга Алишер Навоийнинг “Хамса”сига кирган достонлардан бири “Садди Искандарий” деб номланиши ва унда адолатли шоҳ гояси тараннум этилганлигини айтиб ўтиш ўринли. Бундан ташқари, қадимги давр, хусусан Александр Македонскийга нисбатан биздаги тарихчи олимларнинг муносабатлари ҳам ижобий. Жумладан, олий ўқув юртлари учун шу соҳадаги дарслик муаллифларидан бири, таниқли олим Ф.А.Бойназаровнинг “Қадимги дунё тарихи” деб номланувчи китобида бу ҳақда шундай дейилади: “Ўрта Осиёликлар Александрнинг бошқа босқинчилардан фарқли равишда ижобий томонларини аввало қадимий маданиятимизни йўқ қилишга урунмаганлигига, қадимий урф-одатларимизни тиклаб, уни қабул қилганигига кўринади... У ўз жангчиларини Ўрта Осиёликлар тилини, урф-оадатларини, маданиятини ўрганишга даъват этади. Бунинг учун у ҳатто маҳсус буйруқ ҳам чиқаради... Тарихга оид тадқиқотларда айтилишича, Александрга шарқона либос жуда ярашарди...” [7. 428-429]. Айни пайтда тарихчи олимларимиз Европадаги айрим искандаршуносарнинг унинг шахси ва олиб борган ишларига фақат қора бўёқ билан ёндошганликларини танқид қиласадилар. Масалан, тарихчи Курций Руфнинг шу борадаги тадқиқотида [21] Александр Македонский фақат босқинчи ва бузғунчи бўлган, деган қарашлари бир томонлама эканлиги алоҳида таъкидланади. Демак, Шарқ мумтоз адабиётида, жумладан қадимги туркий обидаларда жаҳон тамаддунида из қолдирган буюк шахслар талқини муҳим ўрин эгаллайди. Бу нафақат бадиий адабиётдаги талқин, балки турли ижтимоий давр ва халқларнинг муносабати ҳамdir. Ана шундай хусусиятларни ўзида мужассам этган асарлар таржимасига маҳсус тайёргарлик, холис муносабат билан ёндошиш талаб қилинади. Акс ҳолда, таржимада жиддий муаммоларга дуч келиш муқаррардир.

Асар етакчи қаҳрамонлари номлари таржимаси хақида қуидагиларни айтиш лозим:

Достонда Ўзгурмии номи англатган рамзий маъно ва унинг таржимадаги талқинлари ҳам қадимги обидадаги миллий колоритни қайта яратиш муаммоларига тааллуқли. “Қутадғу билиг”нинг “Китобга ном берилиши ва ўз қарилигини айтади” деб номланувчи бобида асар етакчи қаҳрамонларидан бири Ўзғурмиш түғрисида шундай дейилади:

351. Анында басасы бу Өдғурмыш-ул

Муны ъафийат тэб өзум йормыш-ул

Қ. Каримовда:

Ундан сўнгиси бу Ўзғурмишидир,

Буни мен ўзим оғиятга йўрдим. [37. 113]

В.Радлов таржимаси:

322. Nach diesen, sieh, ist noch einer da, dies ist Otkurmisch,

Diesen habe ich als die Zufriedenheit gedeutet. [43. 39]

Бундан сўнг, кўргин, яна бири бор, у Ўткурмишидир,

Мен буни қаноат сифатида таърифладим.

Асарнинг ўзбек тилидаги болаларбоп насрий-назмий нашрини тайёрлаган Б.Тўхлиев ҳам Қ.Каримов изидан бориб, уни – *Оғият* деб ўгиради ва китоб охирида уни қуидагича изоҳлайди: “*Оғият – саломатлик, соглик, покланиш*” [33. 174]. Туркия олими Р.Арат эса, ҳар учала нусха асосида тайёрлаган нашрида Ўзғурмишни – *Odgurmis*, унинг рамзий маъносини эса, *akibet*, деб ёзади [29. 237]. Мазкур манба асосида инглизча таржимани амалга оширган америкалик олим Р.Денкофф эса, бу борада ўзига хос йўл тутади: *Finally I speak of Wide Awake – he*

represents the Last End (46.51). (*Ниҳоят, мен Тетик түгрисінде гапирдім, у оқибатни ифодалаійди*). Үзғурмиш номини таржима матнларидаги талқинларига эътибор беринг:

Қ. Каримовда – Үзғурмиш, В.Радловда – *Otkurmisch*, Р.Аратда – *Odgurmis*, Р.Денкоффда - *Wide Awake* (*тетик*) тарзида берилган. Бу ерда бизнингча, немис ҳамда инглизча таржималарда баҳсталаб жиҳатлар бор. Немис мутаржими Үзғурмиш номини транскрипция йўли билан ўғирган. Аммо аслиятдаги “*d*” ни “*t*” ҳамда, “*g*”ни “*k*” билан алмаштирганлиги мақсадга мувофиқ иш бўлмаган. Чунки “*Odgur*”ни “*Otkur*” деб талқин қилиниши билан *уйғоқ* ёки *тетик* маънолари – қандайдир *ўткир* бўлиб қолмаслиги лозим. Қадимги туркий обидадаги жарангли ундошларни жарангизлантириш бу В.Радлов тамойилига хос бўлган хусусият. Шу боис у ўз вақтида кўплаб туркшунослар томонидан танқид қилинган эди. Бу аслида В.Радловнинг “Кутадгу билиг” ёзув хусусиятларини транскрипциялашда уни ортиқча олтойлаштириш натижасида келиб чиқсан. Ушбу хатосини у кейинроқ тан олган эди [43. 555-560]. Афсуски, бу жиҳат асардаги шахс номлари таржимасига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Энди унинг инглизча талқинига келсак, Р.Денкофф таржимада шахс номларнинг фақат англатган рамзий маъноларинигина беради. Яъни Үзғурмишни – *Wide Awake* (*тетик*) тарзида таржима қиласи [46. 51]. “Древнетюркский словарь” да ушбу сўз ўзагини *Odyur* – *будить* (*уйғотмок*) [12.124] феъли асосида ясалганлигини инобатга оладиган бўлсак, американлик мутаржим Үзғурмиш англатадиган маънони тўғри таржима қилган. Р.Денкофф бундай тамойилни бутун асар қаҳрамонларининг исмлари таржимасига нисбатан қўллайди:

Кунтуғди – Rising Sun (*чиқсан, порлоқ қуёши*);

Ойтўлди – Full Moon (*ой тўлди, тўлишиди*);

Ўгдулмииш – *Intellect (or Wisdom)* – (интеллект, ақл-идрок);

Ўзғурмииш – *Wide Awake* (уйғонған, тетик).

Инглизча таржима қўлланган тамойилни маъқуллаб бўлмайди. Чунки, ҳар қандай исм бирор бир маънони англатади. Шарқу Ғарб адабий таржимачигида исмларни ўтириш ўзига хос қизиқарли муаммолардан ҳисобланади. Асар борки, унда албатта исм бўлади. Исм бўлгандан кейин у ўзида муайян даражада миллий, махаллий хусусиятларни мужассамлаштирган бўлади. Таниқли болгар таржимашунос олимлари С.Влахов ва С.Флоринлар исмларни махсус реалий (хос сўзлар)га киритиб, уларни *транскрипция қилиши керакми ёки таржима қилган маъқулми?* - деган саволга жавоб излар эканлар, бадиий асарлардаги исмларни таржимада миллий ўзига хослигини саклаш учун нима керак бўлса, шуни қилиш лозим деган хulosага келганликлари [10. 87] ҳам бежиз эмас.

Юсуф Хос Ҳожиб қўллаган исмларни фанда этнограф олима А.В. Суперанская “*гапирадиган исмлар*” [27.208] деб атайди. Бироқ бадиий адабиётдаги шахс номларини таржима қилишнинг умумий тамойилларидан келиб чиқадиган бўлсак, исмни фақат англатган маъносинигина ўтириш бу аслият моҳиятини тўлақонли акс эттиришга олиб бормайди. Чунки шарқона асардаги миллий ўзига хослик, қолаверса туркий колорит таржимада лат ейди. Табиийки, “Кутадғу билиг”даги исмларларда акс этган рамзий, қолаверса, миллий ўзига хослигини саклаган ҳолда ҳозирги ўзбекчага ўтириш ҳар ҳолда уларни инглиз тилига таржима қилишга нисбатан мураккаб эмас. Яъни исмнинг миллий хослиги (туркийлиги)ни қайта тиклаш масаласи унчалик қийинчилик туғдирмайди. Аммо шундай бўлса ҳам Қ.Каримов, ундан кейинги ўзбек таржимонлари ҳам исм аслида қандай бўлса, шундайлигини кирил имлосига асосланган ўзбек алифбоси имкониятлари доирасида транскрипция қилишга ҳаракат қиласидилар. Аслини олганда ўзбек таржимонлари

Кунтуғдини – Чикқан Кун ёки Ойтұлдини – Тұлған Ой тарзida беришга ҳақлари күпроқ әди. Аммо улар таржима асари үқувчиси олдида ҳозирги ўзбек исмини эмас, балки қадимги туркий адабиётда акс эттирилған исмни гавдалантиришни мақсад қылғанлар ва аслиятта содиқ қолғанлар. Шунинг учун ҳам бундай ҳолларда ўзбек ва турк таржимонлари тутган йўл мақсадга мувофиқ.

А.В.Суперанская «Имя через века и страны» китобида кишиларга исм қўйилиши тўғрисида фикр юритиб, бу борада ҳар бир даврнинг ўз анъаналари мавжуд бўлғанлигига эътибор қаратади [27]. Жумладан, қадимги Юноистонда жарангдор, дабдабали исмлар русум бўлғанлигини мисол келтирас экан, уларни рус тилида қўйидагича талқин қиласди: “Ипатий (греч. хипатос 'высочайший'), Ириней (иринеос 'мирный'), Кир (кирос 'владыка'), Василий (баселейос 'царственный')» [27. 10-11]. А.В.Суперанская қўллаган тамойилни қадимги даврдаги исмларни ҳозирги тилларга ўғирилишига нисбатан ҳам тадбиқ этса бўлади. Жумладан, ундан “Қутадғу билиг”даги исмларни немис ва инглиз тилларига таржима қилишда ҳам ижодий фойдаланилса фойдадан ҳоли бўлмайди.

Ўзғурмиш образини асар муаллифи нимага йўйганлиги масаласига келсак, бунда ҳам айрим чалкашликлар мавжуд. Жумладан, ўзбекча нашрда – ъафийат(офијат), немисчада - *die Zufriedenheit* (қаноат), ҳозирги туркчада- *akibet*, инглизчада - *the Last End*(оқибат) тарзida таржима қилинган. Бир маънонинг уч хил талқини - *офијат*, *қаноат*, *оқибат*. Юқоридаги қиёста эътибор қилинган бўлса, охириги уч таржимада бир хил тамойил қўлланилган. Р.Арат нашридан бошлаб бу сўз “қаноат” тарзida берилғанлигини кўриш мумкин. Мазкур ўзига хос талқинларнинг ҳеч бирини (В.Радлов транскрипциясидан ташқари) нотўғри таржима сифатида баҳолашдан йироқмиз. Чунки улар асарнинг турли нусхаларида ҳар хил ёзилғанлигидан келиб чиқкан. Ҳар

бир таржима аслиятда қандай берилган бўлса, шунга асосан ўгирилган.

XI асрда яшаб ижод этган бобокалонимиз Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг “Қутадғу билиг” асарида бир қатор тарихий саркардалар тўғрисида қимматли маълумотлар келтиради. Жумладан, Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский), Алп Эр Тўнга (Афросиёб), қолаверса, муаллиф ўз китобини бағишилаган ҳукмдори Арслон Қораҳоқон Буғрахон ҳам давлат раҳбари бўлиши билан бирга таникли саркарда ҳам бўлган. “Қутадғу билиг” ана шу саркардалар қилган ишларини мадҳ қилас экан, баҳтга эришишда факат эзгу ишларгина ёрдам бериши мумкинлигини ҳар томонлама асослашга ҳаракат қиласди.

Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарида туркий халқлар тарихи давлатчилигига улкан из қолдирган, ҳатто илк турк давлатига асос солган Алп Эр Тўнга номини келтириб, унга алоҳида ижобий сифат берар экан, асарнинг “Эзгу кишиларга араласиш эзгуликларини айтади” деб номланувчи бобида, жумладан, шундай дейди:

Бу түрк бәглариндә аты бәлгүлүт

Ту-а Алп эр эрди қуты бәлгүлүт [37.74]

Маъноси:

Турк беглари орасида оти белгилик,

Тўнга Алп Эр эди, қути белгилик.

Юсуф Хос Ҳожиб Алп Эр Тўнгани турк бегларининг “*тақы йэг*”(янада яхиси) деб атаб, унинг қўп хунарларни эгаллаган, билимли, заковатли ва энг муҳими халқ орасида сараси сифатида таърифлайди.

Ўша даврда яшаб ижод этган яна бир буюк олимимиз Маҳмуд Кошғарий ўзининг “Девону луғотит турк” [18. 1071-1072] китобида *Алп* сўзини қуидагича изоҳлайди: “Алп – ботир,

Туркий халқлардаги баҳодир, саркарда ва давлат арбобларининг йўлбарсга ўхшатилиши кейин ҳам давом этганлигини Бобурнинг “йўлбарс” эканлигидан ҳам билиш мумкин. Тарихчи олим Қаҳрамон Ражабов ўзининг “Алп Эр Тўнга” номли мўъжазгина китобчасида биз билган Афросиёб, аслида Алп Эр Тўнга эканлиги ва у дастлабки Турон давлатининг асосчиси бўлганлигини кўрсатишга ҳаракат қиласиди [47]. Олим мазкур номнинг туркий тилда фаол қўлланилмай, унинг фақат форсий асосларигагина мурожаат килиниши унчалик тўғри эмаслигини таъкидлайди. Бунинг сабабини у собиқ иттифоқ давридаги айrim тарихчи ва археологларнинг нохолис муносабатларидан деб билади. Унинг ҳаққоний тарзда танқид қилишича, бугунги кунда Ўзбекистонда кўплаб тарихчи олимларимиз (археологлар, манбашунослар, шарқшунослар, этнологлар Афросиёбни тарихий шахс сифатида тан олгилари келмайди. Аслида, масаланинг илдизи рус шарқшунослари В.В.Григорьев (1816-1881) ва В.В.Бартольд (1869-1930) асарларига бориб тақалади [5.7]. В.В.Бартольдинг ёзишича, “Кораҳонийлар Эрон таъсири остида қолганлари учун ўзларини афсонавий Турон подшоҳига нисбат бериб, отини Афросиёб деб юритадилар. Ҳолбуки, бу термин тамоман туркча эмасдир”. Тўғри, Қ.Ражабовнинг рус шарқшунослари ўз фаолиятлари билан Россия империясининг босқинчилик ва мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишда ўз ҳукumatларига муайян даражада

хизмат қилишган, деган муроҳазасида мантиқ бор. Бундан ташқари, шарқшунос олим Ашраф Аҳмедовнинг ёзишича, “Бартольд Ўрта Осиё халқлари тарихи, этнографияси ва психологиясини чуқур ўрганган олим бўлса-да, Туркистон халқи маданиятини объектив ва ҳаққоний баҳолай олмади, маълум даражада уни камситди... Чунки Бартольд чор Россияси мустамлакачилигининг идеологи эди, у европаликларнинг осиёликлардан устунлиги ғоясини олға сурди ва шу устунликни илмий ва мафкуравий жиҳатдан асослашга хизмат қилди” [5].

Бизнингча, “Кутадғу билиг”ни немис тилига ўтирган Вамбери ва Радловлар ҳам кўпроқ ана шу рус шарқшунослари тадқиқотларига суюнганликлари улар амалга оширган таржималардан ҳам кўриниб турибди. Чунки, немисча таржималарнинг ҳар иккаласида ҳам *Афросиёб* номи келтирилсада, унинг қадимги туркчадаги *Алп Эр Тўнга* варианти тушуриб қолдирилганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Қуйидаги икки таржимавий талқинга мурожаат қиласлий: Транскрипцияда Вамбери [45.83] *tonga alp er* тарзида берсада, асарнинг немисча таржимасида унинг қадимги турк тилидаги номи негадир тушуриб қолдирилган. Фақатгина *Bei den Turk-Fürsten ist sein Name bekannt* (*Турк шоҳлари орасида унинг номи машҳур*) дейиш билан кифояланилган. Худди шундай ҳолатни В.Радловда ҳам учратамиз:

В. Радлов *Toṇa alp äṛ* тазида [43] транскрипция қилиш билан ўтиргсада, исм таржимасида қўлланиладиган транскрипция тамойилини негадир у ҳам ишлатмай, мазкур исм англатган маънонигина беради холос. Яъни, *ein grosser Held* (*буюк қаҳрамон*) тарзида тавсифлайди. Холбуки уни айнан транскрипция кўринишида қолдирса тўғри иш қилган бўларди. Шунингдек, *sein Name ist Wohlbekannt* тарзида унинг номи ҳалқ ичida машҳур эканлигини таъкидлашдан у ёқقا ўтмайди. Ҳар ҳолда Вамберига нисбатан Радлов Афросиёбнинг *Алп эр тонганинг* буюк қаҳрамон эканлигига урғу берган.

And among these Turkish princes the one of outstanding fame and glory was Tonga Alp Er [46.271].

Яъни, Турк шаҳзодалари ичида энг машҳурларидан бири Тўпга Алп Эр эди, - деб ўгиради. Мана бу түғри ечим.

Маълумки, Қаюмхон Каримов “Кутадғу билиг”ни унинг Наманган нусхаси асосида транскрипция қилган ва ҳозирги ўзбек тилида тавсифлаган. Демак, асарнинг Наманган нусхасида пайғамбаримиз чоҳорёrlаридан бири бўлмиш *Сиддиқни қадимги туркий* тилида Атиқ деб аталган экан. Буни ўзбек таржимони ҳозирги тилимизда *Otik* тарзида берган. Яъни, қадимги туркий тилдаги исмдаги “A” ҳозирги ўзбекча талқинда “O”га ўзгарган холос. Наманган нусхасидан фарқли равишда немис таржимони Ҳерман Вамбери асарнинг Ҳирот-Вена нусхаси асосида транскрипциялагани ҳамда немис тилига таржима қилганлиги боис, унда пайғамбаримиз чоҳорёrlарининг дастлабки иккитасини ҳам аниқ исми келтирилади, яъни, *Sidiq* тарзида. Уни немис тилига транскрипциялаш орқали *Sidik* (*Abubakr*) тарзида таржима қиласи. Асарнинг иккинчи маротаба, унинг мукаммалроқ нусхасидан таржима қилган В.Радлов ҳам Ҳ. Вамбери таржимасидан хабардор эди. У Қоҳира нусхаси билан солиширган ҳолда *Сыддық* тарзида транскрипция қиласи ва немис тилида *Siddik* тарзида аслиятга анча яқин ўгиради. Яъни, ушбу исмнинг туркий тилда иккита “д” ҳарқи билан ифодаланиши ва талаффуз қилинишини биламиз.

Ҳазрати Умарни асарнинг Наманган нусхасида *Фаруқ* тарзида берилган [37. 52]. Буни ҳозирги ўзбек тилига Қ.Каримов *Форуқ* тарзида табдил қиласи. Асарнинг Вена нусхасида ҳам

ушбу ном *Faruk* тарзида берилган. Аммо таржимон буни транскрипция қилиш билан билга қавс ичида (*Omar*) деб изоҳлаб ҳам қўйғанлиги мақсадга мувофиқ. В. Радлов мурожаат қилган Қоҳира вариантида ҳам фақат *Faruk* кўринишида берилганлиги боис, у фақат транскрипциянинг ўзи билан кифояланади. Ҳар ҳолда, тушунтириш берилганда яхшироқ бўларди.

Демак, таржима ҳам, қадимги тарихимиз саҳифаларидан жой олган таниқли саркардаларимиз, халқ қаҳрамонлари номлари, уларнинг фазилатлари тўғрисида ҳам тарихий, ҳам илмий ҳақиқатни рўёбга чиқаришда муҳим воситалардан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин экан.

2.3. “Қутадғу билиг”даги давлат рамзлари ва ёрлиқларига оид хос сўзлар таржимаси

Таржима нафақат бир тилдаги матнни иккинчи бир тил ўқувчиларига етказувчи восита, балки янги маданият, тарих ҳамда миллий ўзига хосликлар ранг- бараглигини бошқа халқларга ҳам кўрсата оловчи, миллий адабиётни жаҳон саҳнига олиб чиқувчи улкан бир имконият ҳамдир. Таржиманинг яна бир муҳим хусусияти унинг муайян халқ қадимги обидаларини ўрганиш, унинг минг йиллик тарихи қаъридаги сирларини очишда бошқа фанларга ҳам ёрдам бера оловчилик жиҳатининг борлигидир. Бугунги кунда тарих, археология, туркология, тил тарихи каби фанлар қадимги обидаларимиз моҳиятини очишда фаоллик кўрсатаётган бўлсалар, энди таржима ҳам ёрдамга келиши мумкин экан. Ушбу мақолада Қорахонийлар салтанати давридаги давлат рамз ва ёрлиқлари таржималари билан боғлиқ бир жиҳатга эътибор қаратамиз.

Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадғу билиг” асари қадимги турк тилида битилган илк ёзма сўз санъати обидаси бўлиши билан биргаликда ўша давр ижтимоий-сиёсий ва маданий ўзига хослиги тўғрисида маълумотларга бойлиги билан ҳам ноёб манба

саналади. Агарда Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғотит турк”ини ҳам инобатга оладиган бўлсак, фақат шу иккила асаргина XI аср Қорахонийлар салтанати ҳудудидаги ҳаётга оид асосий манбалардир.

Маълумки, “Қутадғу билиг” дидактик асар, панднома. Бу жанр Ўрта асрлар жаҳон адабиётида кенг тарқалган. Жумладан, инглизларда *Mirror for princes* [46.3], немисларда *Fürstenspiegel* [43] каби номлар билан аталиб келинган. “Қутадғу билиг” эса, шарқона *панднома*, яъни *панд* – насиҳат, маслаҳат, *нома* – хат, ёзув, асар каби маъноларни англатади. Аниқроғи, ушбу асарда вазир Ойдўлди, кейин унинг ўрнига қолган ўғли Ўгдўлмиш ва унинг қариндоши Ўзғурмишлар подшо Кунтуғдига панд айтадилар.

Асарда Қорахонийлар империяси даври сийсий тузуми, давлат тузулиши, сарой аъёнларининг турли унвон ва вазифалари, давлат рамз ҳамда хизматчиларга бериладиган турли ёрликлар тўғрисида анчагина маълумотлар бор. Кунтуғди подшо ўзига вазирликка олаётган Ойтўлидан рози. Уни синаб кўрди, унга ишонч билдириди. Юсуф Хос Ҳожиб “Ойтўлди Кунтуғди элиг хизматига киришини айтади” деб номланувчи бобни айнан ана шу масалага бағишлигани. Ўз вазирига давлат аҳамиятига эга бўлган вазифани топшириш учун ўша давр сиёсий тузумида қабул қилинган анъаналарга амал қилган ҳолда ижро этиладиган ўзига хос маросимни Юсуф Хос Ҳожиб жуда ҳам чиройли, юксак поэтик маҳорат билан тасвирлайди:

Вазирлығ анар бэрди *тамға айағ*

Туги күвруги бирлэ бэрди қыйяғ [37. 1022]

Маъноси:

Унга вазирликни (ва унинг белгиси) тамға, идиш берди,

Туғи, ноғораси билан жигасини берди.

Аслиятдаги *тамға* сўзини ҳозирги ўзбек тилида ҳам *тамға* тарзида берилган. Қадимги туркий тамғани ҳозирги ўзбек тилида *муҳр*, рус тилида *печать* дейилади. Балки Қоюмхон Каримов бу ўринда асаринг қадимилигидан келиб чиқиб, архаиклашган *тамға* вариантини қўллагандир. Чунки *тамға* тушунчаси ҳозирда *муҳр* вазифасини ифодаламайди. Аммо Юсуф Хос Ҳожиб томонидан кейинги ўринда ишлатилган *айағ* сўзининг ҳозирги тилларга таржимаси бўйича айрим баҳсталаб жиҳатлар бор. Яъни, қадимги туркий *айағ* сўзини *идиши* маъносида қўлланилиб, янглиш таржима қилинган. Афсуски, бу ҳолат унинг немисча таржималарида ҳам шундай такрорланган:

Вамбери таржимаси:

Das Vezirat gab er ihm mit Siegel und Becher,
Auch sammt ... den Panzer [45.37]

Маъноси:

Вазирлик унга муҳр ва идиш берди,
Яна унга зирҳ берди (?)

В.Радлов таржимаси:

Er gab ihm die Wezirwürde, Siegel und Becher,
Seinen Banner mit dem Köbrük gab er ihm und den Panzer
[43.21].

Маъноси:

У унга вазирлик ёрлигини, муҳр ва идишни берди,
Ўз байроғи, барабани билан бирга унга зирҳ берди.

Бу ерда зирҳ деганда *совут* (метал симдан тўқилган кийим) назарда тутилган бўлса керак. Эътибор берилган бўлса, ҳар иккала немисча таржималарда ҳам аслиятдаги тамға *Siegel* (*муҳр*)

тарзида ифодаланган. Агар аслиятдаги *туғ – байроқ* сўзи ҳозирги ўзбекча нашрда ҳам *туғ* тарзида ўгирилганлигига эътибор қаратадиган бўлсак, бу ўринда *байроғ* тарзида беравериш тўғри бўларди. В. Радлов дастлабки немисча таржимадаги камчиликни тузатиб, *Banner* – байроғ тарзида ўгирган. Бироқ у ҳам аслиятдаги *кувруг* (ноғора, барабан) таржимасида хато қилган. Аникрофи, унинг нима эканлигини тушунмаганлигидан, факатгина транскрипциясинигина келтириб қўяқолган. Аммо, айтиш керакки, В.Радловда ҳам “Қутадғу билиг”даги қадимги туркий *айағ* яна *идишилигича* қолаверган.

Энди ушбу қадимги сўз маъносини аниқлаштирамиз. “Древнетюрский словарь”да қуйидагича тавсифланади: “Ajay I 1. Благоговение, почитание, почести; 2. Почетное звание кому-л.: ajay berdi tamya at üstäm kedüt – пожаловал ему почётное звание, печать, коня, сбрую и халат, имя. (QBN 136); väzirliq anar berdi tamya ajay дал ему пост везиря, печать и почётное звание» [12.26].

Демак, “Қутадғу билиг”даги *айағ* сўзи бу оддий *идиши* эмас, балки давлат ишларида бериладиган муайян амал-мартаба маъносида, бу ўринда *фаҳрли унвон, вазифани ифодаловчи ёрлиқ* сифатида тушунилиши лозим. Худди шундай ҳолатни Кунтуғди Ойтўлди ўғли Ўгдўлмишга вазир масъул лавозими тақдим қилайётганида ҳам қўлланилган:

Айағ бэрди тамға ат устам кэдүт

Ағырлады өтру аңар болды қут

Қаюм Каримов тавсифи:

Аёғ (махсус идиш), тамға, от, зийнат (асбоблари), либос берди,

Хурматлади, сўнг унга баҳи келтирди [37.1734].

В.Радлов таржимаси:

Er gab ihm den Becher, das Segel und ausreichendes Gefolge,
Ehrte ihn über Alles, sein Glück war vollkommen. [43.161]

Маъноси:

У (подшо) унга (Ўгдўлмишга) идиш, муҳр ва етарлича
қўшин берди,

Уни ҳамада ҳам ардоқлади, унинг баҳти кулиб бокди.

Немисча таржимада ҳам ҳозирги ўзбекчадаги каби *идиши* берилади, аммо тамға эмас, балки *муҳр* тақдим қилинади. Аммо таржимон аслиятдаги *кәдүт* (кийим)ни *Gefolge* (қўшин) деб нотўғри тушунган. Қаюмхон Каримов аслиятдаги *айағ* сўзини даставвал идиш тарзида тавсиф қилган бўлса, бу ерда энди негадир *аёғ* деб бериш билан биргаликжа қавс ичида *маҳсус идиши* дейишга ҳам қарор қиласди. Ҳар икки ҳолатда ҳам таржимонлар *адағ* сўзини ҳозирги *идиши-оёқ* билан чалкаштириб, алдоқчи муқобилликка тушиб қолганликлари кўриниб турибди.

2.4. “Қутадғу билиг”да ранг рамзи ва унинг таржимадаги талқинлари

Юсуф Ҳос Ҳожиб ўзининг “Қутадғу билиг” асарида ранглардан моҳирона фойдаланиш орқали асарга ўзига хос туркий колорит бера оладиган гўзал тасвир воситалари яратган. Таниқли адабиётшунос олим Б.Тўхлиев ўзининг “Қутадғу билиг”да ранг рамзига доир” деб аталувчи мақоласида асарда турли ранглар воситасида яратилган тимсоллар тўғрисида эътиборга лойиқ кузатишларини баён қилган [31.34-38]. Бироқ “Қутадғу билиг”даги ана шу жиҳатларнинг таржима тилларидаги талқинлари масаласи ҳали маҳсус ўрганилмай келинмоқда. Қадимги обидадаги ранг рамзли тимсолларни уларнинг ҳозирги замон тилларидаги таржималари билан қиёсий таҳлил қилиш таржимашуносликнинг шу соҳадаги муаммоларига бир қадар

ойдинлик киритишга хизмат қиласы. Профессор Г.Саломов ўзининг “Таржима ташвишлари” номли рисоласида бу ҳақда шундай дегандилар: “Ҳар бир сўз ўзи истифода этиладиган тилда шундай маъноларни англатадики, бўлак тилдаги шунга муқобил қалима ўша маъноларни қисман, бир қадар ёки бир тарафлама қопласа-да, кўпинча жиддий фарқ қиласы” [22. 39].

Демак, буни Европа тилларига айнан ўгиришнинг имкони йўқ. Таржима эса аслиятга мос бўлиши керак. “Кутадғу билиг”да турли туман ранглардан гоҳ газаб, гоҳ нафрат, гоҳида яхшилик ва эзгулик, ўрни келганда табиат ҳодисалари тасвирларида фойдаланилган. Юсуф Хос Ҳожиб айниқса, қора рангни маҳорат билан ишлатади. Биз ушбу қисмда ана шу жиҳатни таҳлил этишга ҳаракат қилдик. Асарда қуёшнинг ботиши ва оламга қоронғулик тушишини қуидагича тасвирланади:

Йашык бады йузку қара юз бағы

Ажун болды бутру қара ер туғы

Гужэк бурды руми қызы отру юз

Қара сач будуғи ажун толды туз

Маъноси:

Қуёш юзига қора юз боғи боғлади,

Бутун олам қора ер ёпиғи (яъни қоронғулик) билан қопланди.

Румий қизи юзига кокилини туширди,

Бутун олам қора соч ранги билан тўлди. [37. 726]

Ҳақиқатан ҳам гўзал манзара яратилган. Қуёш ботиб, ер юзига қоронғу тушишига нисбатан “қора банд боғлаган қуёш” ҳамда “қора ер ёпиғи ёпинган ер” каби гўзал ташбеҳ ва сифатлашлар қўлланилади. Кейинги байтда бу тасвир янада кучайтирилади. Оламга қоронғулик тушишини “Румий қизи”нинг

кокилини ёзишига ўхшатилади. Эътибор берган бўлсангиз, юқоридаги байтларда тасвир воситалари қора ранг орқали берилади. Бунинг америкалик туркшунос олим Роберт Дэнкофф талқини бўлмиш инглизча таржимасига эътибор қаратайлик:

“Sol tied a lack veil over his face, Earth was filled with the dust of dusk, the Roman maid let her locks flow loose on her face and covered the world with the blackness of her hair” [46. 199]

(*Куёш юзига қора чойшаб ташлади. Дунё оқшом тўзони билан қопланди. Италиялик қиз юзига кокилини тушириди ва олам унинг сочи рангига чўмди.*)

Инглизча таржимада “қора юз боғи” – “чойшаб”га, “ер ёпифи” эса, “оқшомнинг чанг-тўзони”га айланган. “Румий қизи”ни “Roman”(Яъни италиялик қиз) деб ўгирилган. Ўзига хос америкача оқшом тасвири. Бунинг ҳам ўз сабаблари бор, албатта. Чунки биринчидан, аслида ҳозирги замон инглиз тилида италияликни – Italian [2.409] (италиялик, италянча) сўз билан юритилади. Иккинчидан, шунга қарамай мутаржим асосан ўрта асрларга мансуб дин пешволарига нисбатан қўлланиб келинадиган архаик сўз бўлмиш “Roman”дан фойдаланган. Бу мақсадга мувофиқ. В.Радлов ўзининг немисча таржимасида янада бошқачароқ йўлдан борган:

Die Sonne band vor ihr Antlitz den schwarzen Schleier,

Die Welt umhuellte sich ganz mit seiner Kohlen Farbe.

Das griechische Maedchen loeste ihr Haar, bedeckte ihr Antlitz,

Die Farbe des schwarzen Haares verbreitete sich ueber die Welt.

[43. 144].

Маъноси:

(*Куёш юзига қора юз боғи боғлади.*

Дунё бутунлай күмир рангига кирди.

Грек қизи сочини ёзди ва у юзини қоплади.

Қора соч ранги бутун дунёга ёйилди.)

Юқоридаги таржималардан фарқли ўлароқ В.Радлов талқинида икки жиҳат кўзга ташланади. Биринчиси, қоронғу тушгач, дунёнинг бутунлай күмир рангига кириши ҳамда “Румий қизи”нинг “Грек қизи”га айланиб қолиши. Дастраси тушунса бўлади. Чунки тим қора ранг ҳақида гапирганда “кўмир ранги” тарзидаги ўзига хос немисча ташбеҳ ишлатилган. Аммо “Грек қизи” ҳақида бундай деб бўлмайди. Шу ўринда *Рум* тушунчасига изоҳ берайлик. Унга биздаги қомусларда қўйидагича таъриф берилади: “Рум – Рим, Рим империясининг ўтмишда Шарқ, жумладан, Марказий Осиёда кенг тарқалган номи. Мелодий 4-асрда Рим империяси парчалангач, “Рум” номи факат шарқий Рим империяси – Византияга нисбатан қўлланиладиган бўлди. Кичик Осиё Салжуқийлар томонидан босиб олингандан сўнг “Рум” номи Кичик Осиёни англата бошлади. Туркий туркчасилар 15-асрда Византияни забт этгач, Болқон ярим оролини ҳам шу ном асосидаги Румелия деб атай бошланди” [14.382]. Демак, Рум бу Византияning шарқона номи. Уни “Рим”, “Италия” деб аташ ҳақиқатга яқинроқ. Аммо “Греция” деб бўлмайди. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Қуёш ботиб, Қоронғу тушиши тасвирида хилма-хил ташбеҳлардан маҳорат билан фойдаланилган. Бунда ҳам қора ранг фаол қўлланилганлигини кўришимиз мумкин. Энди “Кутадғу билиг”да зулмат кетиб, тонг отиши тасвирига ҳам эътибор берайлик:

Бэлинглэб удунды котурди башын

Қара занги қылмыш йузини эшин [37.3247]

Маъноси:

Чўчиб уйғонди, бошини кўтарди,

Қора ҳабаш юзини пардалабди (яъни зулмат кетиб, тонг ёриша бошлабди).

Қора ҳабашнинг юзига парда тортишини тонг отишига қиёс қилинган. “Қутадғу билиг”да ҳабаш образи бир неча маротаба ишлатилган. Чунки дунёга ислом тарқалишининг дастлабки пайтларида қора танли ҳабашлар ҳам фаоллик кўрсатган эдилар. Хусусан, “Билоли ҳабаш” Мұхаммад пайғамбарнинг замондоши, сафдоши бўлган. [14. 552] Ушбу байтнинг немисча таржимаси анчагина бахсталаб:

Er kam zu sich, erwachte, erhob sein Haupt,

Das schwarze Mohrenmaedchen hatte ihr Antlitz hell gemacht.
[43.284]

(У ўзига келди, уйғонди, бошини кўтарди. Қора ҳабаш қиз юзини ёритиштириди).

Юсуф Ҳос Ҳожиб қўллаган “ҳабаш йигит” немисча таржимада “ҳабаш қиз”га айланган. Бизнингча, мутаржимнинг аслиятдаги жинсни таржима матнида ўзгартиришига қуйидаги сабаблар асос бўлган: 1) Таржимон турк-исломий адабиётда анъана тусига кирган ҳабаш йигит ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаган. 2) Ушбу байтда бевосита берилмаган бўлса-да, ҳабаш юзини ёритиши билан “дунё” юзи ҳақида гап бораётганлиги боисидан аёл жинсини қўллашга мажбур бўлган. Чунки немис тилида *дунё - die Welt* женский род (аёл жинси)да ишлатилади. Шунингдек, ҳам русча, ҳам немисча таржималарда қўлланилган “Эфиоп” ва “ҳабаш қиз”лар юзларини қандай қилиб ёритганликлари айтилмайди. Аслиятда муаллиф аниқ қилиб, унинг юзига парда тортиши ҳақида маълумот беради.

Таржималардан эса бунга жавоб топиб бўлмайди. Қора ранг “Кутадғу билиг”да нафақат табиат ҳодисалари тасвирида, балки қаҳрамонлар руҳий ҳолатини, уларнинг шодлик-қувончи ҳамда ғазаб-нафратини ҳам ифодалашда фаол ишлатилган. Асарнинг “Ойтўлди ўзи давлат эканлигини айтади” бобида шундай дейилади:

Элиг бушты артуқ қараптты менгиз,

Айур эй эвэклик кишикэ эсиз. [37. 615]

Қ.Каримов табдили:

Элиг жуда қаҳрга келди, юзидан газаб ёғди,

Деди: эй, шошқалоқлик киши учун ярамасдир. [37.615]

Ўзбек олими Қ. Каримов аслиятдаги “қараптты менгиз”ни – ҳозирги ўзбек тилида “юзидан газаб ёғди” тарзида ўгириб тўғри йўл тутган. Аммо кейинги бандда шошқалоқликнинг ярамаслиги тўғрисида гапириб, унинг “ярамас одат” деб ҳам қўйилганида қойилмақом иш бўлган бўларди. «Древнетюрский словарь» да: *Qarart* – қораймоқ, қорайтирмоқ, ғазабланмоқ каби маъноларда берилган [12.425]. Лекин ҳозирги замон адабий анъаналарида ғазабланишга нисбатан “юзни қорайтирмоқ” ишлатилмайди. Аксинча, юзнинг қорайиши “юзи қора”, “юзи шувит” каби иборалар уят, номусга қолганлик маъноларида қўлланилади. Бу ўринда юқорида таъкидланганидек, ғазабланмоқ, нафратланмоқ каби сўзлар ёки қизил ранг қўлланилган сифатлашлар ишлатилади. Буни тўғри тушунган мутаржим В.Радлов: Da wurde Elik noch zoerniger, sein Antlitz roetete sich [43.58] (*Элигнинг янада газаби кучайиб, юзи қизариб кетди*) тарзида ўигран. Америкалик таржимон эса, сўзма-сўз таржима тамойилини қўллаган: Now the king went black with rage. He said “What an evil thing is haste!” Яъни шунда подшо газабдан юзи қорайиб кетди ва деди: ”Бу қандай ахмоқона шошқалоқлик!. Таржима аслига мос. Чунки

инглизлардаги “**Black**” (*қора*) – сердитый, злой; **black looks** – газабли қараш маңноларига эга.

“Кутадғу билиг”даги ранг билан боғлиқ тасвир воситалари таржимасидаги муаммолардан яна бири бу аслият ёзувини транскрипциялашда күзга ташланади. Буни айниңса, асарнинг Қоҳира нусхаси асосида В.Радлов амалга оширган транскрипцияси ва таржимасида кўришимиз мумкин. Қадимги обиданинг (Намангандеги нусхаси) табиат тасвирига оид бобида шундай байт бор:

Унинг утти кэклик кулэр қатқура

Қызыл ағзы қан тэг қаши қап-қара [37.72]

Қ.Каримов табдили:

Каклик ёқимли овоз билан сайради, қаҳ-қаҳлаб кулмоқда,

(Унинг) қизил оғзи қон каби, қоши эса қоп-қора.

В.Радлов транскрипцияси:

Унун атти kaeklik kyela katkura,

Қызыл Қазы kan taek кажы kan kara. [43.18]

Немисча таржимаси:

Laechelnd und klagend stoesst das Ruhbhahn seine Stimme hervor,

Das schwarze braune hat, wie Kysyl-Gasy-Chan.

(Каклик кулиб, нола билан сайрамоқда,

Унинг Қизил Гози Хонникидек қора қоши бор.)

Бир қараганда бу транскрипция натижасида келиб чиқкан шунчаки камчиликка ўхшайди. Аслида мутаржим бу ўринда жиддий хатога йўл қўйган. Чунки “Кутадғу билиг”дек қомусда ҳеч қандай Қизил Гози Хон ҳақида гап йўқ. Таржимон бу билан

янги хон “кашф қилиб” қўйган. Транскрипциядаги хатолик натижасида бу ном таржимага ҳам ўтган. Афсуски В.Радловдан сўнг “Қутадғу билиг”нинг бошқа янги немисча таржимасига қўл урилмади. Демак, ўқувчилар ушбу чалкаш талқинни яқин юз йилдан бери мутолаа қилиб келишмоқда.

Юқоридаги таржимавий талқинлардан куйидаги хулосаларга келиш мумкин:

“Қутадғу билиг”да таркибида ранг қўлланилган бадий тасвир воситалари заминида XI асрдаги туркий халқлар тарихи, дини, адабий анъаналари, қолаверса табиати билан боғлиқ хусусиятлар акс этган. Улар ўзининг адабий-услубий, лисоний жиҳатлари ҳамда уларнинг ўша даврдаги анъаналарда қўлланилиши билан бугунги кунга айнан мос келмайди. Бу эса, таржима жараёнида жиддий қийинчиликлар туғдиради. Асардаги таркибида ранг қўлланилган тасвир воситаларини ҳозирги замон тилларига, хусусан Европа тилларига ўгиришда сўзма-сўз таржима тамойилини қўллаш баъзан тўғри бўлса-да, аммо бу доим ҳам муқобилликка олиб келавермайди. Бунда тез-тез сохта эквивалентлар домига тушиб қолиш ҳоллари кузатилади. Қадимги туркий обидани ҳозирги замон тилларига таржима қилишнинг энг муҳим жиҳатларидан бири - уни тўғри транскрипция қилишdir. Бу соҳада кўплаб ишлар қилинган бўлса-да, асарнинг иккинчи немисча нашри ҳақида бундай деб бўлмайди. “Қутадғу билиг”ни ҳам лисоний ҳам худудий жиҳатдан йироқ бўлган Европа тилларига муваффақиятли таржима қилишнинг гарови бу асарнинг замонавий туркий тиллардаги (ўзбек, қирғиз, қозоқ, ҳозирги туркча, уйғур) нашрларидан фойдаланишdir. Қадимги туркий обидада акс этган бадий тасвир воситалари таркибида қўлланилган ранг рамзли сўзларни Европа тилларига ўгиришда таржима матнида рангларнинг ўзгариши адабий-лисоний ва худудий ҳамда вақт масофаларини ҳисобга олганда табиий ҳодисадир.

2.5. “Қутадғу билиг”даги диний-мифологик реалиялар таржимаси

ХI аср Марказий Осиёда ислом дини кенг тарқалған даврға түғри келади. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари Қорахонийлар салтанати мазкур ҳудудда ҳукмронлик қилған пайтда яратылған бўлиб, ушбу асар мусулмон маданияти ва мағкурасини тарғиб қилувчи илк адабий достон эканлиги билан ҳам қимматлидир. Асарнинг ҳозирги ўзбек тилидаги тўлиқ табдили илк маротаба 1971 йилда таниқли туркшунос олим Қаюмхон Каримов томонидан амалга оширилган. Айтиш керакки, ушбу пайтда собиқ иттифоқ томонидан қатъий равишда атеистик сиёsat олиб борилғанлиги сабабли диний-мистик асарлар нашри устидан ҳам қаттиқ назорат ўрнатилған эди. Бу жиҳат унинг ҳозирги ўзбекча нашрига ҳам таъсир қилмай қолмаган. Жумладан, асардаги дин ва ислом билан боғлиқ хосликларни четлаб ўтиш ёки қисқартиришга ҳам түғри келған ўринлар бор. Масалан, “Қутадғу билиг”нинг “Ўгдўлмиш элигга улуғ ҳожибликка қандай киши (бўлиши) кераклигини айтади” деб номланувчи бобида шундай дейилади:

Улуғ ҳажиб артуқ бутун чын кэрәк

Бу чынлық билә кәд бутун дин кэрәк

Қаюмхон Каримов таржимаси:

Улуғ Ҳожиб ниҳоятда рост ва чин (бўлиши) керак,

Бундай чинлик билан (бирга) жуда соф, *диёнатли* (бўлиши) керак (43.397).

Эътибор берилған бўлса, аслиятдаги *дин* сўзи табдилда *диёнатлига* айлантирилған. Кўриниб турибдики, бу ерда Қаюмхон Каримовни эътиборсизликда айблаб бўлмайди. У ҳамма нарсани тушунган. Бунинг бир асоси шундаки, асарнинг аслияти

транскрипциясида бўлса ҳам, ўша дин сўзини қолдирган. В. Радловнинг немисча таржимасида ҳам чалкашликлар бор. Бу биринчидан, таржимоннинг аслият аслияти транскрипциясига тўғри ёндошмаганлиги, иккинчидан, унинг ўзи ҳам ислом динидан чуқурроқ хабардор эмаслигидир. Немис таржимони аслиятдаги *бутун дин* бирикмасини қўшиб ўқиши натижасида *пудундін* деб талқин қилган ва ўз-ўзидан таржимада ҳам *vollkommener* (*диёнатлироқ*) тарзида ўгириб қўяқолган (43.217). Асарнинг инглизча таржимасида бу хато тузатилган. Америкалик Роберт Данкофф қуйидагича таржима қилган:

The grand chamberlain must first of all be truthful and sincere.

Along with this, he must be of *sound religious faith* (46.120).

Маъноси:

Сарой ишларини бош бошқарувчиси энг аввало ростгўй ва содик бўлиши керак,

Шунинг билан биргаликда у *динга чин эътиқодли* ҳам бўлиши керак.

“Қутадғу билиг”да Аллоҳнинг муқаддас исмлари, пайғамбаримиз Мұхаммад Саллолоҳу Алайҳи васаллам, у кишининг тўрт чоҳорёлари, қолаверса, исломнинг фарз ва суннат амалларини ифода этувчи кўплам исломий калималар акс эттирилган. Уларнинг ҳозирги ўзбек ва Ғарбий Европа (немис ва инглиз) тилларидаги таржимавий талқинларини ўрганиш таржимашуносликда диний-мифологик реалияларни қайта яратиш муаммоларини ойдинлаштиришга хизмат қиласи. Иккинчи томондан бундай йўналишдаги тадқиқотлар қадимги ёзма обидаларда акс этган маданиятимизни жаҳон миқёсида ўрганилиши ва талқин этилиши билан боғлиқ айrim муаммоларни ҳал қилишда ҳам қўл келади.

Маълумки, Қуръонда Аллоҳнинг муқаддас 99 номлари (арабчада ал-Асмо ал-Хусно, яъни гўзал исмлар, деган маънони англатади) (42. 23-25) келтирилади. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида Аллоҳнинг ана шу муқаддас номларидан кўпчилигини кўришимиз мумкин. Мухими, асарда уларнинг арабча номлари билан биргаликда аксарият ҳолларда соф туркий муқобиллари ҳам берилган. Ҳ.Караматов ўзининг “Ўзбек адабиётида Куръон мавзулари” (16.31-38) номли рисоласида мазкур масалага муносабат билдириб, “Қутадғу билиг” асарининг “Марҳаматли ва меҳрибон тангрининг номи билан” деб бошланувчи боби ҳамда Ойтўлдининг ўлими олдидан қилган васиятининг Куръондаги Фотиҳа ва Ихлос сураларига ҳамоҳанг жиҳатлари мавжудлигини таъкидлайди. Мазкур рисолада шунингдек, Аллоҳ гўзал исмларининг Юсуф Хос Ҳожиб томонидан соф туркий тилда тавсифланиши алоҳида аҳамиятга сазовор эканлигини ҳам айтиб ўтилар экан, мазкур тамойилнинг Куръон тафсирларида муҳим рол ўйнаши ва буни келажакда маҳсус тадқиқ этиш лозимлиги ҳам уқтирилади. Куйида ана шу исмларнинг “Қутадғу билиг”да акс эттирилиши ҳамда уларни ҳозирги ўзбек тилига табдил, немис ва инглиз тилларига таржима қилиш муаммолари тўғрисида фикр юритамиз.

Қутадғу билиг”нинг “Марҳаматли меҳрибон тангрининг номи билан” деб аталувчи бобида Аллоҳнинг муқаддас 23 номи ифодаланган бўлиб (37. 65-68), уларнинг фақат 2 тасинигина арабчаси келтирилади холос. Қолганлари соф туркий тилда тавсифланади: **ар-Рахмон** (ўта меҳрибон), **ар-Рахим** (марҳаматли, раҳмдил), **уған** (ал-Қодир - Қудратли), **бир** (ал-Воҳид - ягона), **байат** (Аллоҳ - маъбуди бар ҳақ), **зулжалал** (зулжалол - шараф эгаси), **яратқан** (ал-Ҳолик, - яратувчи), **сақышсыз бэригли қамуғқа рози** (ар-Раззоқ - барча тирик мавжудот ризқини етказиб бергувчи), **төруткән** – (ал – Бадиъ - бино қилувчи), **иди** (ал-Малик - подшоҳ), **улуғ** – (ал-АЗим - улуғ),

бэдуг – (ал-Алий - буюк), Қамуғ ашнудэ (ал-Аввал - ҳамма нарсаларнинг аввали), өндүн кэдин (ал-Охир - ҳамма нарсадан боқий, охири ва чексиз), ич таш билигли (ал-Хабир - ҳамма махфий ва ошкора сирлардан хабардор), барын белгулуг (аз-Зохир, ал-Нур - борлиги ҳамма томонлама баён бўлмиш зот, ўз-ўзидан борлиги аён), көзумдэ йырақ-сэн, көңулдэ йақын (ал-Ботин - ўзи мавжуд, лекин сезги воситаларимиздан махфий зот), мену (ал-Боқий - доимий, абадий мавжуд), ҳаққул йақын (ал-Адл, ал-Ҳақ - энгadolатli, ҳакиқатдан мавжуд зот), тануқ ул сэнэ барча суврат бедиз (ал-Мусаввир - маҳлуқот ва мавжудодларга сурат ва шакл бергувчи), тирилгу сэниндин булуб йэр ичэ (ал-Босит - кимларгadir кенг ризқ бергувчи), кечургэн (ал-Ғаффор - кечирувчи) (37. 23-25).

Энди мазкур гўзал исмларнинг Европа тилларидағи таржимавий талқинларига эътибор берайлик. “Кутадғу билиг”нинг В.Радлов амалга оширган немисча нашрида (43. 560) мазкур муқаддас исмлардан фақат 17 таси, инглизчасида (46) эса, фақатгина 16 таси акс этган холос. Мавжуд таржималар сифати ҳам баҳсталаб. Жумладан, Юсуф Хос Ҳожиб қадимги туркий тилда Аллоҳнинг эгалик хусусиятини иди (37.4-байт), маъбуди бар ҳақлигини байат (1-байт), құдратли эканлигини үған (1-байт) сўzlари билан тасвирласа, немисча таржимада буларнинг барчасини *der Gott – худо* (19.1-4) сўzlари билан бериб анча умумлаштириб, мавхумлаштириб юборилган. Буни америкалик мутаржим Р.Денкофф бир қадар тўғрилашга муваффақ бўлган. Яъни у аслиятдаги *идим* (эгам) ни *My Lord!* (46.4) – менинг эгам тарзида таржима қила билган. Аммо мазкур таржимада асар дастлабки бобининг номи ҳамда исломда ҳар бир ният, ибодат ва амалий ҳаракат олдидан айтиладиган оят (42.51) бўлмиш “Билсмиллаҳи-р-раҳмани-р-раҳим” (*Марҳаматли меҳрибон тангрининг номи билан*)ни тушириб қолдирган. Бу билан Аллоҳнинг муқаддас исмларидан бўлмиш **ар-Раҳмон** (марҳаматли) ва **ар-Раҳим** (марҳаматли, раҳмдил) кабилар

мазкур бобнинг бошланишида келтирилмай қўйилган. Ушбу оят таржимаси фақатгина асарнинг дастлабки саҳифасидагина “*In the name of God the merciful the compassionate*” (46. 8) (Марҳаматли ва раҳмдил худонинг номи билан) тарзида бериб кетилган. Бундан ташқари Аллоҳнинг шарафга бойлигини ҳозирги турк тилида *zű'l- çelal* (44) тарзида транскрипция қилган. Афсуски инглизча таржимада бу исм ҳам акс этмай қолган. Бу камчиликлар Р.Денкоффнинг “Қутадғу билиг”га ёзилган дастлабки муқаддима (аввал насрый, кейинчалик шеърий) лардан бирини таржима матнида тушириб қолдирғанлиги боис келиб чиқкан бўлиши керак. Асарнинг инглизчага ўгирилган муқаддимаси ҳам камчиликлардан ҳоли эмас. Бунда Аллоҳнинг муқаддас исмларидан “**Ал-Адл, ал-Ҳақ**”ни (“Қутадғу билиг”да *haķķu 'l – yaķin* (37) – ал-Адл, ал-Ҳақ - энг адолатли, ҳақиқатдан мавжуд зот) ҳам таржима қилинмай кетилган. Бизнингча, буни инглизчада “**The constant truth**”(доимо ҳақгўй) билан бериш мумкин эди. Таржимадаги бундай қусурлар “Қутадғу билиг”даги қуидаги муҳим жиҳатлар ўқувчига етказилмай қолишига сабаб бўлган:

Аллоҳнинг муқаддас исмларининг хусусиятлари;

Араб тилидаги муқаддас исмларнинг соф туркий талқинлари;

“Қутадғу билиг”даги исломий ўзига хосликни таъминлашдаги муҳим жиҳатлар;

Асарнинг тил бойлиги, гўзаллиги.

“Қутадғу билиг”да пайғамбаримиз чоҳорёrlари ҳақида ҳам маълумотлар бор. Асар муқаддимасида муаллиф Аллоҳга ҳамд ва унинг пайғамбариға сано айтиш билан биргаликда унинг чоҳорёrlарига ҳам таъриф бериб ўтишни унутмайди. Зоро, мусулмон анъаналарида худди шундай қилинади. Қадимги туркий тилда чоҳорёrlарни *төрт эш* (*tўri эш*) тарзида

берилади. Уни немис тилига ўгиришда дастлаб Вамбери Seinen vier Genossen (унинг тўрт ўртоқлари) тарзида ғализроқ ўгиради. Чунки ҷоҳорёrlар пайғамбаримизнинг шунчаки ўртоқлари бўлишмаган. Аммо, таржимон кейинги ўринларда бошқачароқ, яъни vier Gefährten (*тўрт ҳамроҳлари*) тарзида ифодлайди. Ушбу усул Радлов ва Р.Данкофф *four companions* (*тўрт ҳамроҳ*). Кейинги таржималарни аслиятга муқобил деб ҳисобласа бўлади. Чунки, ҳақиқатдан ҳам немис тилидаги *Gefährte -n, -n спутник, ..ница; товарищ; соучастник, ..ница; соратник, ..ница*, яъни ҳамроқ, йўлдош, иштирокчи, сафдош, фикрдош каби маъноларни англатади. Ушбу сўзлар ичидаги айнан сафдош, фикрдошлари пайҳамбаримиз ҷоҳорёrlари хусусиятларига айнан мос келади.

Маълумки, Қаюмхон Каримов “Қутадғу билиг”ни унинг Наманган нусхаси асосида транскрипция қилган ва ҳозирги ўзбек тилида тавсифлаган. Демак, асарнинг Наманган нусхасида пайғамбаримиз ҷоҳорёrlаридан бири бўлмиш *Сиддиқни қадимги туркий тилида Атиқ* (18. 50) деб аталган экан. Буни ўзбек таржимони ҳозирги тилимизда *Отиқ* тарзида берган. Наманган нусхасидан фарқли равишда немис таржимони Ҳерман Вамбери асарнинг Ҳирот-Вена нусхаси асосида транскрипциялагани ҳамда немис тилига таржима қилганлиги боис, унда пайғамбаримиз ҷоҳорёrlарининг дастлабки иккитасини ҳам аниқ исми келтирилади, яъни, *Sidiq* тарзида. Уни немис тилига транскрипциялаш орқали *Sidik* (*Abubakr*) тарзида таржима қиласи. Асарнинг иккинчи маротаба, унинг мукаммалроқ нусхасидан таржима қилган В.Радлов ҳам X. Вамбери таржимасидан хабардор эди. У Қоҳира нусхаси билан солиширган ҳолда *Сыддық* тарзида транскрипция қиласи ва немис тилида *Siddik* тарзида аслиятга анча яқин ўгиради. Яъни, ушбу исмнинг туркий тилда иккита “д” ҳарфи билан ифодаланиши ва талаффуз қилинишини биламиз. Америкалик таржимон Роберт Данкофф эса, Вамбери усулини маъқул кўриб, *Atik* (*Abu Bakr*) тарзида ўгиради (46. 49). Ҳазрати Умарни

асарнинг Наманган нусхасида *Фаруқ* тарзида берилган (37.52). Буни ҳозирги ўзбек тилига Қ.Каримов *Форуқ* тарзида табдил қиласди. Асарнинг Вена нусхасида ҳам ушбу ном *Faruk* тарзида берилган. Аммо таржимон буни транскрипция қилиш билан билга қавс ичида (*Omar*) деб изоҳлаб ҳам қўйганлиги мақсадга мувофиқ. В. Радлов мурожаат қилган Қоҳира вариантида ҳам факат *Faruk* кўринишида берилганлиги боис, у факат транскрипциянинг ўзи билан кифояланади. Ҳар ҳолда, тушунтириш берилганда яхшироқ бўларди. Бизнингча, таржималар ичида транскрипцияси билан ҳам, унинг асл маъноси билан ҳам инглизча таржима *Faruq* (*Umar*) тарзида (46.49) маъқулроқ берилган. “Қутадғу билиг”да Одам ато ва момо ҳаво тўғрисида ҳам ҳикмат келтирилган. Асарнинг “Ўзғурмиш Ўгдўлмиш билан мунозара қилишини айтади” деб номланувчи бобда шу ҳақда гап боради.

Ana ўғланы барча йалнуз умас,

Өзун мунда йалнуз қалы игламас (37. 3287).

Буни Қаюмхон Каримов ҳозирги ўзбек тилига

Одам боласи барчаси (ҳам) ёлғиз (ҳеч нарсага) қудрати етмайди,

Ўзинг бу ерда ёлғиз қанақасига дардга дучор бўлмайсан.

тарзида ўгирган. Аниқроғи, аслиятдаги *Ana ўғланы* ҳозирги ўзбекчага *Одам боласи* тарзидаги муқобил билан ўгирилган.

Аммо, немисча таржимада В.Радлов аниқ таржима усулини қўллади:

Der Evasohn kann nicht allein in Altem sich zurecht finden,

Wie wirst du hier allein nicht krank? (43.288)

Маъноси:

Момо ҳавонинг ўғли қадимдан ҳаммасини ўзи ёлғиз бажара олмаган,

Сен қандай қилиб бу ерда касал бўлмай юрибсан?

Айни пайтда В.Радлов таржимасини ҳам нотўғри деб баҳолаб бўлмайди. Чунки, “Древнетюркский словарь” (12.49)да *Ara* сўзининг биринчи маъноси катта сингил бўлса, иккинчиси *онадир*.

Инглизча таржимада Роберт Данкофф Каюм Каримов қўллаганттамойилга амал қилган ва қуидагича қайта яратган:

No son of Adam can manage by himself. I am afraid that, living alone here as you do, you will become sick. (46.149)

Маъноси:

Одам ўғли барчасини ўзи қила олмайди. Мен бу ерда ёлғиз ўзинг яшайтганлигиндан таажжубдаман, ахир сен касал бўлишинг мумкин-ку?

Асарда яна *tamu*, яъни *дўзах* сўзини ҳам учратамиз. Ҳозирги ўзбекчада, табиийки *дўзах*, Вамбери таржимасида аслиятда ўйқлиги учун тушиб қолган бўлса, В.Радлов *Талу тän – ein erstarkter Körper* (янада кучлироқ тана) тарзида ўгиради. Кўриниб турибдики, Радлов бу ўринда аслиятдаги қадиги туркий таму сўзидаги “м” ҳарфини “л” тарзида тушунади ва ундан кейинги яна бир қадимги туркий *тэб* (деб) ни эса, тän тарзида талқин қилиши натижасида *янада кучлироқ тана* ҳақида гап бораётган бўлса керак, деб таржима қилиб қўяқолади. Натижада, исломий мафкурани тарғиб қиласиган қадимги туркий асардаги муҳим бир диний сўз бўлмиш “таму” (дўзах) сўзи нотўғри талқин қилинади. Шунингдек, “Қутадғу билиг”да айнан ислом динигагина хос бўлган кафанлик тўғрисида ҳам маълумотларни

күрамиз. Муаллиф бу сўзни “Тэгир дунйа үлги сэнә экки бөз” (37.1222) тарзида беради. Қаюмхон Каримов буни “Сенга бу дунёдан икки энлик бўз насиб бўлади”, - деб ифодалайди. Вамбери амалга оширган таржимада яна ўша асл нусха сабабли йўқ. Радлов мазкур исломий ўзига хосликни тўғри тушунмаганлигидан яна хатога йўл қўяди. Bleibt sie doch zurück, das Weltanteil ist höchstens zwei Stück Leinewand (кўпи билан икки дона деворга тортадиган арқон). В.Радлов бу ўринда мусулмонлар вафот этганидан сўнг қабрга қўйишида аввал кафанланиши лозимлигини тушунмаган кўринади. Шу сабабли аслиятдаги икки энлик бўз деган диний реалия нима эканлигини билмаган. Яна “Ойтўлидининг элигга панд айтиши” деб аталувчи бобда Ойтўлди ўлим ҳақида гапирап экан, яна кафанликни тилга олади. Буни энди немис таржимони *zwei Stück Baumwollzeug, яъни икки бўлак пахта материали* (43.131) деб таржима қиласди. Бу билан у аслиятга аввалги ҳолатдагига нисбатан анча яқинлашган. Аммо, барибир, кафанлик деганда икки бўлак эмас, балки икки газ, метр мато тушунилади. Ана шу ерда таржимон хато қиласди. Тўғри, В.Радловни ҳам тушуниш керак. У мусулмон одатлари ичига Вамбери сингари кириб боролмаган ва ислом дини тўғрисида маҳсус тадқиқот ҳам яратмаган. Ўзи эса, насроний динга мансуб бўлган. Христианларда эса, кафанлаш одати йўқ албатта.

“Қутадғу билиг”да исломий хос сўз бўлмиш *Лавҳ ал-маҳфуз* ҳақида ҳам маълумот бор. Юсуф Хос Ҳожиб буни қуйидагича ифодалайди:

Төрутмәстә ашну байат бу ъалам

Төрутти йурытты бу лавҳта қалам (37.2193)

Қаюм Каримов таржимаси:

Худо бу оламни яратмасдан аввал,

Лавҳ яратди ва у узра қалам юритди.

В. Радлов таржимаси:

Bevor der Gott dieser Welt geschaffen hatte,

Hat er geschaffen und gemacht die *Schicksalstafeln* und die Feder. (43. 187)

Маъноси:

Худо бу дунёни яратмасидан аввал,

У *тақдир тахтаси ва пат* (қалам)ни яратди ва амалга ошириди.

Бу ўринда немис таржимони ўзига хос йўл тутган. Яъни, аслиятдаги реалияга мос, унга ўхшаш, керак бўлса, муқобил востани топа билган. Чунки, исломий Лавҳ ал маҳфуз билан насроний, немис тилидаги *Schicksaltafel* (тақдир тахтаси) кўриниши ва пайдо бўлиши жиҳатидан турлича кўринишда бўлсаларда, вазифаларида ўхшашлик, муқобллик бор. Қуйида уларнинг ана шу хусусиятларига тўхталамиз.

Die Schicksalstafeln (қадимги Месопотамия тилида *ṭuppi šimāti*) ўзбек тилига сўзма-сўз таржима қилганда *тақдир тахтаси* деган маънони англатади. Қадимги Месопотамия мифологиясига кўра, у бутун оламга ҳукмронлик рамзи ҳисобланади. У афсонавий маъбуллар бўлмиш Мамидан Энҳилга, Тиаматдан унинг ўғли Кунгуга меърос қолган. Кейинроқ бобиллик Мардук ва ассирий Ассир ҳам тақдир тахтасига эга бўлганлар. Энҳил тақдир тахтасини доимо орқасига осиб юрар, фақатгина эрталабки ювенишида ечиб қўярди холос. Маъбуллар томонидан мазкур тахта эгасига қудратли куч, шунингдек, мислсиз қобилият берилардики, уларнинг қўлида нима бўлса, қанча вақт ўтса ҳам асли ҳолига қайтиши мумкин бўлган.

Яратган тақдир тахтаси эгасида туришини кафолатлаш мақсадида кейинчалик уни мухрлаб қўйишга қарор қилган.

Насроний дин муқаддас китобида айнан тақдир тахтаси деган атама қўлланилмаган бўлсада, у ерда ўзгачароқ қўринишида, яъни *тақдир китоби* тушунчасини учратилади. Бу китобни Худо инсонлар тақдирини фаришталар (айрим манбаларда фаришта Фея номи келтирилади) томонидан ёздириб боради.

Лавҳ ал-Маҳфуз. *Ал-Лавҳ* – арабча тахта, тоштахта (плита); *маҳфуз* эса, сакланадиган, эслаб қолинадиган каби маъноларни англатади. Демак, ислом манбаларида лавҳнинг асосида *тахта* ёки *вароқ* ётади. Фақат уни орақага осиб юрилмайди. У ҳам барча бўлган ва бўладиган нарсалар тўғрисидаги ёзувлар сарчашмаси ҳисобланади. Ким ана шу Лавҳга кирса, ундаги барча нарсалардан боҳбар бўлиши мумкин. Насроний диндагиндан фарқли равища Лавҳ кейинчалик ҳар қандай китобларни қўйиб ўқишига мўлжалланган мослама номига ҳам ўтган (4.45).

Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадғу билиг”да мол-дунёни ҳалол йўл билан орттириш лозимлиги (Қуръондаги талаб ал-ҳалал) масаласига алоҳида аҳамият қаратилган. Ана шу жиҳатнинг Ғарб тилларидаги талқини ўзига хослиги билан ажралиб туради. Асарда муаллиф бевосита Қуръон ва Ҳадисларга мурожаат этмасада, ана шу муқаддас манбаларга ишора қиласи. Бошқача қилиб айтганда, асар исломий ғоя билан суғорилган. Асарнинг “Элигнинг Ўгдулмишга панди” деб номланувчи бобида исломий мавзулардан (*талаб ал-ҳалал, яъни луқмай ҳалол*) бўлмиш мол-дунёни ҳалол йўл билан орттириш лозимлиги ва камбағалларга эҳсон қилиб туриш кераклиги тўғрисида гўзал байт бор:

Ҳалал дунйа қазған чығайқа улэ

Киши элги тутғыл йанут қыл йолэ (37.3201)

Қ.Каримов табдили:

Ҳалол мол-дунё қўлга кирит, камбағалларга улаш,

Одамлар құlinи тутгил, жавоб қил, йўл кўрсат.

Мазкур байтдаги ҳалал (ҳалол)нинг таржимадаги талқинлари масаласига ўтишдан аввал исломий ҳалал – ҳалол ва ҳаром – ҳаром (37. 2712) тушунчаларига тўхталиб ўтсак. Исломда бу жиҳатларга жиддий муносабатда бўлинади. “Ислом энциклопедияси”да бу ҳақда шундай дейилади: “Ҳалол (араб. Эркин, боғланмаган, тугунни ечиши маъноларини англатади.) Рухсат бериш; фарз, мандуб, мубоҳ тушунчаларига киувчи ҳатти-ҳаракатлар; ... Ҳадиси шарифда Ҳалол очиқ-ойдиндур, дейилади; сув, мева сувлари каби ичимликлар, нон, мева, полиз экинлари, Аллоҳнинг исми айтиб сўйилган ҳайвон гўштлари каби таомлар, рухсат берилган кийим ва никоҳга олинган шахслар кабилар ҳалолдир” (14.306).

Ҳаром (араб. Ман қилинган, таъқиқланган) – шариатда ҳеч қандай шубҳасиз, очиқ-ойдин равишда ман қилинган нарсалар. Ароқ, нажосат тушган сув каби ичимликлар, чўчқа гўшти, Аллоҳнинг исми атилмай сўйилган ҳайвонлар, эркак кишиларга ипак кийимлар ва никоҳда бўлмаган шахс билан жинсий алоқада бўлиш кабилар. Шунинг билан бирга ўзи ҳалол бўлмаган нарсаларга шариатда ман этилган ҳаром йўл билан (зулм, ўғирлик, пора олиш, алдамчилик каби) эришилса, у ҳам ҳаромга айланиб қолади” (14.306-308.]. Энди ана шундай хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган хосликни Европа тилларидаги таржималарига дикқат қиласиган бўлсак, уларни немис тилига *das Reine – тоза, das Unreine - тоза* эмас (43. 241) тарзида, инглизчада эса, *forbidden – таъқиқланган* ҳамда *suitable – яроқли* (46. 130) деб бериб қўя қолинган. Афсуски, бундай таржималардан аслиятдаги сўзларнинг умумий маъноларинигина билиб олса бўлади холос. Аммо исломдаги ҳалол ва ҳаром тушунчаларига бўлган муносабатни билишнинг иложи йўқ. Бизнингча, бу жиҳатни инглиз тилида шу соҳага оид манбалар асосида қуйидаги тарзда бериш мақсадга мувофиқдир:

- “*Halal – is a Quranic Term, which means ‘Lawful’ or ‘Permitted’. Sometimes it is translated as ‘Acceptable’ or ‘Not forbidden’. Halal foods and drinks are permitted for consumption by Allah – the supreme lawgiver. In the Holy Quran, Allah commands Muslims and all of mankind to eat of the Halal things. The opposite of Halal is Haram, which means ‘Unlawful’ or ‘Prohibited’. The other words used for Haram is ‘Unacceptable’ or ‘Forbidden’. Haram foods and drinks are absolutely prohibited for consumption by Allah. Eating Haram is forbidden for every muslim”* (46.212).
- Маъноси:
- Ҳалол – қуръоний амаллардан бири бўлиб, “қонуний” ёки “руҳсат этилган” каби маъноларни англатади. Ҳалол таом ёки ичимликлар олий ҳакам бўлмиш Аллоҳ томонидан истеъмол қилишга руҳсат берилган. Муқаддас Қуръонда Аллоҳ муслимларга ва бутун инсониятга ҳалол таом ейишни буюради. Ҳалолнинг акси Ҳаром бўлиб, у “қонунга зид” ёки “руҳсат этилмаган” каби маъноларни билдиради. Ҳаром сўзи ўрнида “мувоғик бўлмаган” ёки “таъқиқланган” кабилар ҳам ишлатилади. Ҳаром таом ва ичимликлар Аллоҳ томонидан мутлақо таъқиқланган. Ҳаром қилинган таомларни истеъмол қилиш ҳар бир мусулмон учун гуноҳ ҳисобланади.
- Инглиз тилидаги ҳаром ва ҳалол тўғрисидаги маълумотлардан фақат таом ва ичимликка нисбатан айтилган муносабатларнигина билиб олинади холос. Бу жиҳатдан қараганда Ўзбек Ислом Энциклопедиясидаги маълумотлар ўзининг чуқур илмийлиги билан фарқланиб туришини таъкидлаш керак.

Маълумки, Юсуф Ҳос Ҳожибининг “Қутадғу билиг” асари Ўрта аср Марказий Осиё туркий халқлари диний эътиқодлари, мусулмон дини хусусиятларини ўзида бадиий акс эттирган асар. Ҳусусан, “Қутадғу билиг”да тасаввуф фалсафаси ҳам ўзининг бадиий инъикосини топган. Бу борада Б.Тўхлиев ҳамда А.Ёқубовларнинг тадқиқотларида айтилган фикрлар алоҳида аҳамиятга эга (13;31). Шунинг билан биргаликда мазкур

масаланинг таржимадаги талқинларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга молик. Муаллиф ўша даврдаги тасаввуфий дунёқарашни ўз асари қаҳрамонлари характеристига маҳорат билан сингдира билган. Асарнинг дастлабки бобларида берилган мусулмон Шарқ китоб анъаналарига хос бўлган Аллоҳга ҳамд, Пайғамбар ва унинг ҳалифаларига сано айтилган қисмларида ҳамда китобнинг етакчи қаҳрамонларидан бири бўлмиш Ўзғурмишнинг бошқа персонажлар билан бўлган муносабатларида диний-тасаввуфий ғояга кўпроқ урғу берилади. Ўзғурмиш бу дунё ишларидан юз ўгириб, охират йўлида факат тоат-ибодатнигина ихтиёр қилган, тоғу тошларга чиқиб кетиб, зоҳидлик ридосини кийган шахс. Подшо Кунтуғди (адолат), Ойтўлди (давлат), Ўзғурмиш (ақл) ларнинг берган маслаҳатлари натижасида мамлакатда барқарорлик ва адолат ўрнатади. Аммо у ҳали шариат, охират, абадий ҳаёт масалаларида яна бир маслаҳатчига муҳтоҷ эди. Унга Ўгдулмиш қариндоши Ўзғурмиш (қаноат) ёрдам бериши мумкинлигини айтади. Шундан сўнг улар Ўзғурмишни саройга келтириш тараддудини кўрадилар. Бу иш анча қийинчилик ва баҳс-мунозаралар натижасида рўёбга чиқади. Ўзғурмишга йўллаган Кунтуғди элиг ўзининг иккинчи мактубида жумладан шундай дейди:

3842. *Сэни мэн мусулман тосусы учун*

Оқыр-мен бу йэркә э заҳид күчүн

Маъноси:

Сени мен мусулмон (лар) манфаати учун

Бу ерга зўрлаб чорлайман, эй зоҳид. [37. 595]

В.Радлов таржимаси:

Zum Nutzen der Muselmane

Rufe ich dich mit Gewalt hierher, o Einsiedler! [43. 335]

Маъноси:

Мусулмонлар манфаати учун

Мен сени зўрлаб бу ерга чақирайман, эй таркидунёчи!

Таржима таҳлилига ўтишдан аввал заҳид (зоҳид) сўзининг маъносига эътибор берайлик. Ж.Лапасовнинг “Мумтоз адабий асарлар ўқув луғути”да уни – тоат-ибодат билан шуғулланиб, дунёвий ишлардан воз кечган, тарки дунё қилган киши [37.86], - дейилади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да эса: зоҳид – таркидунёчи, аскетик ҳамда зоҳидлик - зоҳидлик ридосини кийган киши [40.310], тарзида изоҳланади. “Древнетюркский словарь” (қадимги туркий луғат)да мазкур сўзнинг айнан асар яратилган даврдаги маъноси қўйидагича шарҳланади: *zahid* – благочестивый, набожный, отшельник (*тақводор, мўмин, таркидунёчи*): *qadasiya zahid alin tägdi qas* [12.638]. “Қутадғу билиг”даги заҳид (зоҳид)ни В.Радлов немис тилига *der Einsiedler* (таркидунёчи) тарзида ўғирган. Аммо бу ерда бир муаммо бор. Зоҳид сўзига юқоридаги луғатларда берилган тавсифлардан маълум бўляяптики, хар қандай таркидунёчи ҳам зоҳид бўлавермайди. Немисча таржимада эса, у “оддий таркидунёчи” бўлиб қолган. Бу билан мутаржим ўқувчиларда Марказий Осиё мусулмон туркий халқларининг тасаввуфий ўзига хосликлари тўғрисида мавхум, умумлаштирувчи тасаввур ҳосил қилдирган. Ваҳоланки буни ҳозирги немис тилидаги *der Asket* (таркидунёчи художсўй) сўзи билан бериш мумкин эди. Ушбу номувофиқлик асарнинг ҳозирги туркча нашрида [44.16] *zahid* ҳамда америкалик таржимон Р.Денкоффнинг инглизча таржимасида *asketic* [46.168] тарзида бериш билан бартараф этилган. Демак бундай ҳолларда сўзма-сўз таржимага нисбатан, аслиятдаги сўзнинг замонавий муқобили билан бериш мақсадга мувофиқ экан.

“Қутадғу билиг”да яна бир муҳим диний реалияни учратамиз. У ҳам бўлса, Алавийлар реалиясидир. Асарнинг

Ҷалавилар бирлә қатылмаңы өгрәтур деб аталувчи фаслдаги Ҷалавилар ана шундай реалиядир [37. 647-бет]. Мусулмон динидан махсус маълумоти бўлмаган киши Алавийлар ким эканлигини билмаслиги табиий. Асадаги алавийлар нинг реалия эканлигини факт унинг ўзига хос маъносини билгандагина тушуниши мумкин. Каюмхон Каримовнинг ҳозирги ўзбекча табдилида факт унинг транскрипциясинигина берилади холос. Бу билан уларнинг кимлигини Ғарб дунёси ўқувчилари, хусусан, насоний динга эътиқод қилувчилар фарқлай олмайдилар. Ҳерман Вамбери ҳам буни *Alävi* тарзида транскрипция қилиб, немисча таржимада—*Abkömmlingen des Profeten* [43.130], яъни, пайғамбар авлодларии тарзида таржима қиласди. Вилхельм Радлов эса, *Алавылар* тарзида транскиция қилиш билан биргаилкда—*Nachkommen des Propheten* [43.369] - пайғамбарнинг давомчилари дейиш билан кифояланади. Америкалик таржимон Роберт Данкофф одатда бундай реалияларни тушнган бўларди. Аммо бу ўринда унингн таржимасидан ҳам Алавийларнинг ким эканлигини аниқ билиб олиб бўлмайди. У ҳам таржимада немис ҳамкаслари каби *descendants of the Prophet* [46.180] - *пайғамбар авлодлари* – тарзида ифодалайди. Факатгина “Древнетюркский словарь”да бунга аниқ жавоб берилган: “*Alävi* – алид, потомок Али” [12.34].

Қадимги обидаларни ҳозирги замон тилларига ўгиришда икки тил, икки адабиёт, икки ижтимоий дунёқарашларда муайян даврий (вақт) тафовутининг мавжудлиги таржима ишида ўзига хос қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бунда таржима жараёнида *тарихийлик ва замонавийлик* тамойилини қўллаш ва унда меъёрни сақлай билиш мутаржимдан юксак маҳорат талаб қиласди. Хусусан, динлар ва маданиятлараро тафовут ҳамда анъаналардаги фарқ қанчалик катта бўлса, таржимада ҳам мураккабликлар шунчалик ортиб бораверади.

Таржима тамойиллари тўғрисида қўйидагиларни айтиш мумкин. “Кутадғу билиг”ни немис, инглиз, ҳозирги ўзбек

тиллариға үгиришда мутаржимлар асосан қуидаги тамойилларни қўллаганликларини кўришимиз мумкин:

1. Сўзма-сўз таржима. Қадимги туркий обидада акс эттирилган исломий хосликни ҳозирги замон тиллариға үгиришдаги тамойиллардан бири бу сўзма-сўз таржимадир. Юсуф Ҳожиб жума намозини ўқишини *чыгайлар ҳажы қыл адина намаз – камбагаллар ҳажи жума намозини ўқи* [37.3200], – дейди. Буни В.Радлов немис тилига *mit den Armen und Hadshi verrichte die Freitadsgebete* – *камбагаллар ва ҳожилар билан жума намозини адо эт* [43.3197] тарзида үгирган. Кўриниб турибдики, у мусулмонларнинг жума намози тўғрисида етарлича тасаввурга эга эмас. Бўлмаса у транскрипциялашнинг ўзидаёқ хатога йўл қўймас эди. Унинг бу камчилигини Р.Денкофф: *to perform the obligatory Friday prayer the pilgrimage of the poor* [46.3239] – *камбагаллар ҳажи бўлган мажбурий жума ибодатини қилгин*, - деб сўзма-сўз үгириш билан тузатган. Бу мақсадга мувофиқ. Аммо диний хосликларни қайта яратишда сўзма-сўз таржима тамойили доим ҳам ижобий натижа беравермайди. Асарда ана шундай сўзлардан *тапуғ – тоат-ибодат* [37.3187], *намаз - намоз* [37.3188], *роза - рўза* [37.3188], *йунди- таҳорат* [37.3216] каби исломий калималар учрайди. Буни немисча таржимада *die Dienste – хизмат* [43.3185], *Die Taggebete – кундалик ибодат* [21. 3185], *Das Fasten tragen – парҳез сақлаш* [43. 3185], *sich waschen – ювинмоқ* [43. 3243] тарзида үгирилган. Аммо ушбу таржималарнинг бирортасидан ҳам айнан мусулмон фарз амаллари тўғрисида аниқ бир маълумот олиб бўлмайди. Биргина таҳорат олиш тасвирини кузатадиган бўлсак, уни оддий бир юваниш билан алмаштириш мантиқа тўғри келмайди. Ёки рўзани ҳар қандай очлик парҳези билан тенглаштириш мумкин эмас. Бунда ўзбек-рус таржимачилигида орттирилган тажрибалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Насронийларнинг “Пасха”сини биз у англатадиган умумий ном билан *Исонинг тирилиши байрами* деб атамаслигимиз табиий. Уни ўзбек тилида аввал “Пасха” деб, кейин унга муайян изоҳ бериш

бизда таомилга кириб бўлган. Ўз ўрнида биздаги Рамазон ҳайитини руслар аввал *Рамадан* тарзида транскрипция қилиб, сўнгра унга маълум шарҳ берадилар. Афсуски немисча таржимадаги тамойил инглизчада ҳам давом эттирилган. Р.Денкофф намозни *prayer – ибодат* [46.146], *rўзани fasting – оч юриши* [46.146] деб кўя қолишган. Бизнингча, бундай ҳолларда таржима матнида ушбу ибодатларнинг исломий хусусиятлари тўғрисида ҳам маҳсус изоҳ бериш лозим. Бу ўринда таржимонлар аслият матнини умумий маъно англатувчи сўзлар билангина берганлар, халос. Натижада ислом мавзуларида ёзилган асардаги ўзига хос диний колорит таржима матнида меъёридан ортиқроқ замонавийлаштириб юборилган. Натижада таржима матнида аслият бир қадар мавҳумлашиб қолган.

2. Таржимада умумлаштириш. “Қутадғу билиг”ни замонавийлаштиришнинг яна бир кўриниши қадимги туркий сўзларни ҳозирда бир қадар умумлаштиришда намоён бўлади. Жумладан, аслиятдаги *дуаъ (дуо)* сўзини, немисча ва инглизча таржималарда умумлаштириб берилади. Бундай тамойил асосан, таржима тилида муқобил сўз топилмаган пайтлардаги ўзини оқлаши мумкин. *Дуаъ қылды* [37.3248]ни Қаюм Каримов - *дуо қилди*, В.Радлов *betete – ибодат қилди* [43.3245] тарзида таржима қилган. Р.Денкофф эса буни яна умумий *prayer - ибодат қилди* [46.3287] деб ўтирган. Бизнингча буни инглиз тилидаги *to bless – благославлять (дуо қилмоқ, маҳфират қилмоқ)* билан берилса, мақсадга мувофиқ бўларди [2.35].

3. Таржимада аниқлаштириш. Асарнинг “Ўзғурмиш бу дунёдан юз ўгириб у дунёга мойил бўлмоқни айтади” деб аталувчи бобида бу дунёдаги пайғамбарлар ҳамда энг буюк, ном чиқарган зотлар хислатлари тавсифланади. Биз уларнинг айримлари таржимларига тўхталамиз. Жумладан:

4607. *Қаны ул отун ыт бу дунйа булуб*

Йашыл көккә сунды қара қуши мунуб

Қ. Каримовда:

Қани (у) тубан ит , бу дунёни қўлга олиб,

Қора қуш миниб яшил кўкка (қўл) чўзган (киши) (яъни Намруд).

Аслият матнидан кўриниб турибдики, тарихий шахслардан бири бўлмиш Намруднинг номи бевосита келтирилмай, фақат унинг қилган ишлари тўғрисидаги маълумот ва қисмати қандай бўлганлиги тасвирланади. Ўзбекча табдил матнида қавс ичида уни янада *аниқлаштириб*, бевосита исмини ҳам берилади. Бу мақсадга мувофиқ. Ушбу байтни немис тилида В.Радлов қуидагича ўгиради:

4725. Wo ist der, welcher durch Suende Welthabe gefunden hat

Und zum blauen Himmel zog einen Adler besteigend?

Қани ўз гуноҳлари билан дунё орттирган,

Ва кўк осмонга бургут билан парвоз қилган?

Немисча таржимада аслиятдаги *отун ыт* (*тубан ит*) тушириб қолдирилиб, унинг ўрнига *durch Suende* (*гуноҳлари билан*) сўзлари киритилган. Аслиятдаги *ыт* (*ит*)ни В.Радлов *äit* [43.400] тарзида транскрипция қиласи. Бу билан ит ўзининг итлик хусусиятини йўқотиб, оддий бир эт (*гўшт*)га айланиб қолган. Натижада *Отун* (*тубанлик*)ни эт билан боғлай олмаган таржимон уни шунчаки гуноҳкорга чиқариб қўяқолган. Бундан шундай хulosा чиқариш мумкин. Таржимада хатонинг катта-кичиги бўлмайди. Баъзан биттагина ҳарфни нотўғри талқин қилиш билан бутун бошли тарихий шахс образи хусусиятлари ўзгариб кетиши ҳеч гап эмас.

“Қутадғу билиг”да Сулаймон пайғамбар хислатлари борасида ҳам маҳсус байт бор:

4612. Қаны йэк пари қүш бу налнук узэ

Улуглуқ қылышлы қылышинчи түз-ә

Қаюм Каримовда:

Қани дев, пари, қүш (ва) халқлар узра,

Улуғлик қилган феъл-атвори гўзал (киши) (Янни Сулаймон).

В.Радлов таржимаси:

4730. Wo ist jener Jary-Kusch, der ueber die menschen erhaben ist,

Der Gerechte im Naturell und Handeln?

(Қани у Йари-Күш, одамлар устидан улуғлик қилган,

Феъл-автори ва қилган иши адолатли киши?)

Аслиятдаги Сулаймон пайғамбарнинг энг муҳим хислатларидан бирини очиб берадиган йэк *pari қуши* (дев, пари, қуши)ни немисча таржимада *Jary-Kusch* тарзида транскрипциялаб қўйиш билан Сулаймоннинг ҳайвонлар, қушлар тилини билувчилиги ҳамда девлар устидан ҳам улуғворлик қилганлик хусусияти йўқолган. Сулаймон пайғамбарга “Ислом энциклопедиясида” жумладан шундай таъриф берилади: “Сулаймон (ас) – Куръонда зикри келган пайғамбарлардан бири, адолатли ва доно ҳукмдор, Довуднинг ўғли. Ривоятга кўра у жамики инсу жинс ва ҳайвонлару қушлар оламига подшохлик қилган. Жинларнинг Сулаймонга қасрлар бунёд этишгани нақл қилинади. Сулаймон қушлар тилини тушунган....” [14.214]. Афсуски ҳозирги туркча нашрида ҳам ушбу байт бир қадар нотўғри транскрипция қилинган:

ķani ol peri ķuş bu yalnguk öze

ulugluk kılıgli kılinci tüze (44).

Хозирги турк алифбоси асосида амалга оширилган мазкур байт транскрипциясида асарнинг Наманган нусхаси бўйича Қ. Каримов томонидан тайёрланган нашридаги *йек* (дев) сўзи тушириб қолдирилган. Натижада ушбу манба асосида ўгирилган инглизча таржимада ҳам бу хусусият такрорланган: *Where is he who once held sway over the fairies and the birds and over mankind (Solomon)? – (Яъни қани у барча сеҳгар, қушлар ва инсоният устидан ҳукмронлик қилган (Соломон)?)*

Р.Денкофф аслиятдаги *йек* (дев) ва *пари* ўрнига *the fairies* (сеҳгарлар) сўзи ишлатган. Шунингдек, Улуғлуқ қылығлы (улуглик қилган)ни - *held sway* (ҳукмронлик қилган) тарзида берганлиги ҳам унчалик тўғри эмас. Чунки улуғлик қилиш бу ҳукмронлик қилишга нисбатан бироз ўзгачароқ маъно англатади. Аммо мазкур таржимада байтдан англашилган саволга жавоб тариқасида аниқлаштириш ўрнида Соломон (Сулаймоннинг яҳудийча номи) сўзини қавс ичида берилганлиги мақсадга мувофиқ бўлган.

4. Транскрипция ва транслитерация ҳамда изохли таржима воситасида ўгириш. “Қутадғу билиг”даги диний-тасаввуфий моҳиятини ҳозирги ўзбек, немис ва инглиз тилларига ўгиришда транскрипциялаш тамойили унчалик кенг ишлатилмаган бўлса-да, унинг ўзига хос ўрни бор. Асадаги пайғамбарлар, дин билан боғлиқ тарихий ва афсонавий шахслар номларини ўгиришда кўпроқ ана шундай тамойиллардан фойдаланилган. Шу ўринда *транскрипция* ҳамда *транслитерация* илмий атамаларига аниқлик киритиш зарур кўринади. Маълумки, ўзбек таржимашунослигидаги замонавий илмий адабиётларда мазкур атамалар бир-бирига маънодош (синоним) сифатида ҳам қўлланиб келинмоқда. Баъзан уларни бир нарса деб қараш ёки ўзаро чалкаштириб юбориш ҳоллари ҳам мавжуд. Аммо улар ўртасида муайян фарқ борлигини ҳам унутмаслигимиз лозим. Бу саволга болгар таржимашунослари С.Влахов ва С.Флоринлар берган таърифлари бир қадар жавоб

бера олади. Уларнинг болгарчадан рус тилига таржима қилиниб, Москавада чоп этилган “Непереводимые в переводе» номли рисолаларида таъкидлашларича, *транслитерация* бу бир алифбодаги сўзни бошқа тил алифбосидаги ҳарфлар билан бериш бўлиб, бунда сўзни аслият тилидаги сўзга мумкин қадар яқинлаштириш майли кучли бўлади.

Транслитерация ҳам бир тил алифбосида битилган сўз бошқа тил алифбоси билан берилади, Аммо бунда асосий эътибор аслиятни таржима тилидаги алифбога мумкин қадар ўгиришга қаратилади. Бизнингча, С.Влахов ва С.Флоринлар берган таърифларда бир мунозарали жиҳат бор. Аслида транслитерация атамасининг ўзаги *литер* (лотинча *letter*) ҳарф маъносини англатади. Демак ушбу атамани бир тилдаги сўзни иккинчи бир тил алифбоси ҳарфлари билан алмаштириш маъносида тушунмоқ лозим.

“Қутадғу билиг”нинг “Мухтарам Тавғоч Улуғ Буғро Қорахон... шаънига” деб номланувчи бобида афсонавий шахс Луқмон номи келтирилади:

119. Сэвинчин авынчын күвәчин эли

Ашасу йашасуны Луқман йылы

Қаюм Каримовда:

Севинч, овинч, қувонч билан эли,

Луқмон ёшини яшасин (ва) ошасин.

В.Радлов таржимаси:

125. Mit Freude, Wohlbehagen und mit Vertrauen

Möge er (Alles) geniessen und Lokman's Jahre erreichen!

(Хурсандчилик ва яхши қониқиши ҳамда ишонч билан

*Барча нарсалардан баҳраманд бўлиб Луқмон ёшига
етишисин!)*

Таржима аслиятдаги байт маъно-моҳиятини муқобил акс эттиргандай кўринади. Ҳатто унга *mit Vertrauen* (*ишонч билан*)ни ҳам қўшиб қўйилади. Аммо немис ўқувчиси кўзи билан қараладиган бўлса, яна нимадир мавҳум эканлиги билиниб қолади. У ҳам бўлса аслиятдаги *Луқман йылы* (*Луқмон ёши*)ни немисча транскрипция билан *Lokman's Jahre* деб берилганлигидир. Энди тасаввур қилинг, ушбу номни умуман эшитмаган Европалик Луқмон неча ёшга кирганлигини қаердан билади. Бу ўринда асарнинг инглизча таржимасида тўғри йўл тутилган. Р.Денкофф буни : *May he enjoy a secure and prosperous reign, and live a life longs as Logman's* (У Луқмоннинг жонли, хотиржам, қувончили ҳамда боқий умридан баҳра олса) тарзида ўтириб, қуйидагича изоҳ ҳам беради: “*Logman: a pre-Islamic Arabian sage proverbial for longevity* [46.275]. Яъни Луқмон – исломгача даврда яшаган араб донишманди бўлиб, узоқ умр кўриш тимсоли бўлган”. Инглиз мутаржими ўз изоҳида Луқмоннинг узоқ умр кўриш тимсоли бўлган донишманд сифатида тавсифлайди. Ислом энциклопедиясида бунга янада аниқроқ жавоб бор. Унда жумладан шундай дейилади: “*Луқмон алаихиссалом (ас) – Қуръонда тилга олинган донишманд “Луқмон” сураси. Луқмоннинг пайгамбар эканлиги ҳақида ривоят мавжуд. Унга кўра луқмон минг йил умр кўрган. Накл қилишиларича Аллоҳ у зотга нарса ва воқеа-ҳодисаларнинг моҳият-ҳақиқатига бехато етиши ва энг тўғри ҳукм чиқара олиш ҳикматини ато этган экан... Арабистонда яшаган бир ҳалқ Аллоҳнинг ғазабига учраб қургоқчиликка дучор бўлади. Ҳалқ бу оғатдан қутулиши мақсадида ўз вакилларини Маккага ёмғир сўраб, дуо қилиши учун юборади. Уларга Луқмон (ас) бошлиқ бўлади, лекин у Аллоҳдан ўзига узоқ умр сўрайди. Аллоҳ Луқмонга еттита бургут умрига тенг келадиган умр ато этади. Ўрта Осиё ҳалқлари орасида Луқмон (ас) буюк ҳаким, доно, билимдон инсон тимсоли сифатида машҳур бўлган*” [14.143-144].

Юқоридаги қиёсий таҳлиллардан күриниб турибдики, ўзида ана шундай исломий-фалсафий хусусиятларни мужассамлаштирган асар таржимасига қўл уришдан аввал мутаржимдан мазкур соҳа бўйича муайян тайёргарлик талаб қилинади. Бунда нафақат изоҳли, таржима ва бошқа хилдаги луғатлар, балки маҳсус маълумотнома, ўша давр тарихига оид қўлланмалар, Ҳатто маҳсус энциклопедияларни ҳам вараклашга тўғри келади.

“Қутадғу билиг”даги диний-фалсафий хусусиятларни ҳозирги замон тилларига ўгириш бўйича юқорида келтирилган таҳлиллар натижасидан шундай хulosага келиш мумкин:

Аслият матни таржималарда вақт, масофа, дунёқарашиб, анъаналар ва ҳар бир тилнинг таржимавий имкониятлари сабабидан турли даражада ўзгаришга учраган. Булар асосан *аниқлаштириши, конкретлаштириши, транскрипция ва транслитерациялаш ҳамда изоҳлаш* таржима тамойилларидағи ўзига хосликлар натижасида содир бўлган. Натижада ҳар бир таржима нашри у ёки бу даражада аслиятга яқин келган. Лекин энг муҳими, мазкур таржималар ўзаро ворисийлик, узлуксизлик, бирини иккинчиси тадрижий тўлдириши натижасида мукаммаллашиб бораверган. Бу жиҳатдан Р.Денкоффнинг инглизча нашри ўзидан аввал гилларига нисбатан аслиятга яқинроқ эканлиги билан ажралиб туради. Таржимашунослик атамаси билан айтганда, аслият томон адекватлик содир бўлган. Табиийки бу тажрибалар келгуси нашрларда ўзига хос мактаб бўлиб хизмат қиласи.

III БОБ. “ҚУТАДҒУ БИЛИГ” АСАРИДАГИ ҲОЛАТ (СИТУАТИВ) РЕАЛИЯЛАР ТАРЖИМАСИ

3.1. “Қутадғу билиг”даги ҳолат реалиялари хусусиятлари

Хар бир халқнинг ўз урф-одати, удум, ирим-сирим ва имо-ишораларининг матндариги ифодаси ҳақида гап кетадиган бўлса, бундай хосликларга нисбатан таржимашуносликда *ҳолат* (*ситуатив*) реалия атамаси қўлланилади [10.5]. Бизда ўзбекларда ўзидан катта кишилар билан саломлашилганда халқимиз миллий одатига хос бўлган оддийгина ўнг қўлимизни кўксимизга қўйиб, бошимизни сал юқоридан пастга томон пасайтириш билан қанчалик гўзал манзара ва айни пайтда ўзига хос ҳурмат муҳитини яратилишини тасаввур қилиб кўринг. Энди ана шундай одатларимизнинг кўхна Ўрта асарлар даврида, қолаверса, ўз пайтида дунёдаги энг йирик империялардан бири бўлган Корахонийлар салтанати саройида амал қилиши тўғрисидаги бадиий лавҳалар яратилган илк туркий обида бўлмиш Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билг” асаридаги талқини масаласига эътибор қаратадиган бўлсак, янада табиийроқ ва чиройлироқ ҳолатларга дуч келамиз. Зеро, бундай гўзал одатлар айнан ўша даврлардан бизгача етиб келган. Асарда оддий хос сўзлар билан биргаликда ҳолат реалияларидан ҳам фаол фойдаланилган. Бундай реалиялар таржимашуносликда ҳали кам ўрганилганлигини таъкидлаш лозим. Асарнинг “Бегларга хизмат қилмоқ булардан иборатдир” деб номланувчи фаслида Ўгдўлмиш қариндоши Ўзғурмишга сарой қонун-қоидаларини тушунтириш давомида беглар олдида хизматкор ўзини қандай тутиши лозимлигини ўзига хос шарқона, исломий русумларга амал қилган ҳолда тасвирлайди. Маълумки, қадимдан Шарқ мамлакатларида, хусусан, ислом маданияти тараққий этган юртларда саройдаги русумлар Ғарб қонун-қоидаларидан кескин

фарқ қилган. Биргина саломлашишгина эмас, балки ўзидан каттага бўлган ҳурмат, бошлиқ билан унинг қўл остидаги киши ўрталаридағи муаомала маданиятида кўплаб ўзига хосликлар мавжудлигини биламиз. “Қутадғу билиг”нинг юқоридаги бобида бу ҳақда қўйидаги тасвирий ҳолатни кўрамиз:

Хизмат қилувчи нима дейди, эшитгин,

Хизматни бажариб сўнг тилак топувчи:

Ўзинг бегга рўбарў турадиган бўлсанг,

Жуда қўрқиб тургин, ўзингни сақлагин.

Хулқни тўғрила, йўриқни тузат, ўзингни тут,

Кўнгил, тилни тўғри тут, сўзингни пишиқ қил.

Агар сен бетга рўбарў бўладиган бўлсанг,

Кўзингни ерда тутгин, қулоқни – атрофда.

Қўл қовуштириб оёқда тўғри тур,

Сўл қўлингни ўнг қўл устига қўйгин.

Эшиқдан киришда ўнг оёғингни олдин ташла,

Тили билан ёрлик бираётгандан дикқат билан англа.

Арз этаётганингда қўлни тўғри тут,

Икки тиз билан чўккала, яхши ва ёқимли бўл.

У ерда ўнгга ва сўлга қайрилиб боқма,

Ўзинг ийманиб тур, сўзни дикқат билан эшит [37. 3955-3963].

Энди ана шу лавҳа таркибида қўлланилган ҳолат реалияларининг Фарбий Европа тилларидағи таржималарига қиёс қилиб қўрайлик:

❖ ❖ ❖ **ҚАДИМГИ ТУРКИЙ РЕАЛИЯЛАР ТАРЖИМАСИ** ❖ ❖ ❖

Байт	“Кутадғу билиг”да (Қаюмхон Каримов табдилида)	В.Радловнинг немисча таржимасида	Р.Данкоффнинг инглизча таржимасида
3956	<p>Йуз отру турур болса бәгкә өзүң Эди қорку турғыл көдәзгил өзүң</p> <p>Маъноси: Ўзинг бегга рўбарў турадиган бўлсанг, Жуда қўрқиб тургин, ўзингни сақлагин.</p>	<p>Siehst nun dem Fürsten vor Angesicht gegenüber, So stehe in großer Furcht da, und hüte dein Auge (S.346).</p> <p>Маъноси: Подшо билан рўбарў келиб қолсанг, Кучли қўрқувда бўл ва кўзингни сақла.</p>	<p>In the royal presence, face to face. Be modest and humble, know your place (P.172);</p> <p>Маъноси: Қирол ҳузурида бўлиб, у билан юзма-юз бўлсанг, Камтарин бўл, ўз ўрнингни билгин.</p>
3957	<p>Қылынч эт йорық туз өзуни тутун Көнул тил көни тут башурғыл сөзүң</p> <p>Қаюм Каримовда: Хулқни тўғрила, йўриқни тузат, ўзингни тут, Кўнгил, тилни тўғри тут, сўзингни пишиқ қил.</p>	<p>Führe die That aus und wandle gerecht, hüte deine Zunge, Halte Sinn und Zunge grade und kürze deine Worte! (S.346)</p> <p>Маъноси: Хулқингни бошқар, тўғри тур, тилингга эҳтиёт бўл, Фикринг ва тилингни тўғри тут ва сўзингни қисча қил!</p>	<p>Check your tongue, guard your eyes,</p> <p>Straighten your conduct, be wary and wise.</p> <p>Маъноси: Тилингга эҳтиёт бўл, Хулқингни тўғрила, эҳтиёт бўл ва ақлли бўл.</p>
3958	<p>Қалы бегкә отру турыйр эрсә сэн Көзүң йэрдә тутғыл кулақ туздә сэн</p> <p>Маъноси: Агар сен бегга рўбарў бўлсанг, Кўзингни ерда тутгин, кулоқни – атрофда.</p>	<p>Stehst du nun dem Fürsten gegenüber, So richte die Blicke zur Erde, die Ohren aber zum Ehrenplatz!</p> <p>Агарда подшога рўбарў турадиган бўлсанг, Боқишлирингни ерга қада, аммо кулоқларингни хурматли жойга!</p>	<p>"When you are in the prince's presence, keep your eyes to the ground and your ears to the place of honor.</p> <p>Маъноси: Шахзода ҳузурида бўлганингда кўзингни ерга қарат, кулоқларингни эса, хурматли жойга.</p>
3959	<p>Элиг қавшуру тур адақын туз-ә Бу сол әлни урғыл он әлгин үзә</p>	<p>Kreuze die Arme und stehe aufrecht du, Den rechten Arm lege über den linken Arm (S- 346).</p>	<p>Stand with your legs straight, and your arms folded in respect, the right hand above the left.</p>

	<p>Маъноси: Кўл қовуштириб оёқда тўғри тур, Сўл қўлингни ўнг қўл устига қўйгин.</p>	<p>Маъноси: Кўлларингни қовуштир ва тўғри тур, Ўнг қўлингни чап қўлинг устига қўйгин.</p>	<p>Маъноси: Оёғинг билан тўғри тур, кўлларингни тут. Хурмат билан чап қўл устига ўнг қўлингни қўйиб тур.</p>
3960	<p>Қапуғда кирүрдә онун ашну маң Тилин йарлықарда өгуң бирлә ан</p> <p>Маъноси: Эшигдан киришда ўнг (оёғ)ингни олдин ташла, Тили билан ёрлиқ беряётганда дикқат билан англа.</p>	<p>Trittst du durch die Tür, so gehe dich nach vorn wenden, Befehlt er mit der Zunge, so suche Alles richtig aufzufassen.</p> <p>Маъноси: Эшикдан кираётганингда тўғрига қараб юргин, У тили билан буйруқ берса, барча айтганларини тўғри тушуниб олишга ҳаракат қилгин.</p>	<p>When you enter at the gate, step with your right foot first. And when you are addressed, pay attention (P.172).</p> <p>Дарвозадан кираётганингда аввал ўнг оёғингни билан киргин. Агар сенга мурожаат қилса, унга эътиборингни қаратгин.</p>
3961	<p>Өтук өтнур эркән тут әлиг Эки тиз билә шук тузун бол силиг</p> <p>Маъноси: Арз айтаётганингда қўлни тўғри тут, Икки тиз билан чўккала, яхши ва ёқимли бўл.</p>	<p>Hältst du deinen Vortrag, so strecke die Arme grade aus, Lasse dich auf beide Knie nieder, sei ruhig und gelassen! (S. 347)</p> <p>Маъноси: Нутқ сўзлаётганингда қўлингни тўғри тут, Икки оёғинг билан чўккала, тинч ва совуқон бўл.</p>	<p>While presenting your petition, hold your hand out straight, bow with both knees, and be polite.</p> <p>Маъноси: Арзнома тақдим қилаётганингда қўлингни тўғрига чўз ва ҳар икки тиззанг билан чўккала, самимий бўлгин.</p>

3.2. Асардаги ҳолат реалияларининг немисча талқини

Вилҳелм Радлов тажрибали таржимон, туркий тилларнинг билимдони. Унинг туркий тиллар лаҗжасига оид кўптомли луғатини бутун дунё тилшунослари кенг эътироф этадилар. В. Радлов Марказий Осиёга Херман Вамбери каби шарқ фалсафаси ва ислом дини арконларини чуқур ўрганиб, дарвеш қиёфасида

пиёда келмаган бўлсада, жумладан, Ўзбекистонга у XIX асрнинг охирларида чор Россияси ҳарбий қўшинлари ҳамроҳлигига ташриф буюрган ва туркий тиллар грамматикаси, хусусан, туркий сўзлар морфологияси борасида анчагина тадқиқотлар яратган. Аммо унинг Қорахонийлар даври урф-одатларини маҳсус ўрганмаганлиги, хусусан, “Қутадғу билиг” Коҳира нусхъаси матни транскрипциясига нисбатан нотўғри тамойил қўллаганлиги, унинг немисча таржимасининг ҳам анчагина мавҳум чиқишига олиб келган. Энди, юқоридаги ҳолат реалияси тасвирининг немисча талқинига эътибор қаратсак. Аслиятдаги дастлабки байтда келтирилган өзун сўзини В.Радлов *кўзўң* тарзида транскрипциялаши натижасида қадимги туркий *өз* - *кўзга* айланиб қолган. Афсуски, таржимон бундай ўринда аслиятдаги ҳолат реалияси хусусиятини тўғри тушуниши лозим эди. Кейинги ўринда у хулқни тўғрилаш таржимада тўғри тушунган бўлсада, яна ўша өзун сўзини бу сафар *кўзўң* эмас, балки *тылың* тарзида транскрипция қилиниб, энди *hüte deine Zunge* (*тилингга эҳтиёт бўл*) ҳолатининг таржима матнига киритган. Ундан кейинги ҳолатда хизматкорнинг подшога рўбарў келиши чоғида хизматкорнинг *кўзларини ерга қадаши* ва *қулоқларини атрофга қаратиши* лозимлигини немис таржимони аслиятдаги *туз* (*тўғри тутмоқ, сергак бўлмоқ*) ўрнига *тёрда* тарзида тушуниб, уни *Ohren aber zum Ehrenplatz*, яъни *қулоқларингни ҳурматли жой бўлган тўрга қарат!* – деб талқин қилган. Натижада Қорахонийлар салтанати саройида хизматкор подшо қабулида унга рўбарў келиб қоладиган бўлса, қулоқларини тўрга қаратилиши лозимлиги каби тасаввур “кашф этилган”. Табиийки, бундай тамойил, туркий ҳолат реалиясининг немисча таржимаси аслиятга муқобил бўлишига монеълик қиласи. Подшо олдида турган хизматкорнинг ўзини қандай тутиши лозимлиги ҳақидаги қадимги туркий ҳолат реалияси тасвирида Юсуф Хос Ҳожиб подшога дуч келган хизматкорнинг ўзини тутиши борасидаги ўгитларида даставвал ўзини тута билиши, кўзини унгагина қаратиши ва имкон қадар ерга қараб туриши ҳамда қулоқларини

зийрак тутишидан сўнг қўллари ҳаракатига келганда, аслиятда сўл қўлни ўнг қўл устига қўйилиши лозимлиги айтилади. Аммо немисча таржимада негадир ўнг қўл устига сўл қўл қўйилиши кераклиги таъкидланган. Қўлларнинг ўрни алмасиб қолган. Ундан сўнг Ўгдўлмиш хизматкорнинг подшо эшигидан кирайтганида ўнг оёғини олдин ташлаб кириши лозимлиги тўғрисида гапирса, немис таржимон *gehe dich nach vorn, яъни фақат тўғрига қараб юришини гапиради.* Бунинг сабаби, насронийларда ўнг оёқ ва ўнг қўлга муносабат масаласига қарашлари бошқачароқлигидан бўлса керак. Шу сабабданми, таржимон бунга ортиқча аҳамият бермаган. Ўзбекларда *ишинг ўнгидан келсин,* деб дуо қилинади. Насронийларда, жумаладан, немисларда бундай ҳолатда *Der Gott wird helfen, deine Wünsche zu verwirklichen,* яъни, *Худо сенинг ниятинга етишингда ёрдам берсин,* - дейилади.

Юқоридаги байтларда асарда хизматкорнинг бег ҳузурига кирганида амал қилиниши лозим бўлган ҳолат тасвирланган бўлса, кейинроқ, бевосита сарой дарвозасидан киргандан кейин лозим бўлган ўзни қандай тутиши кераклиги борасидаги ҳолат реалияларини учратамиз:

Кувэзлэнмә әлгин сала кирмәгил

Элиг алшу тутшу йэмә кирмәгил (37.4009)

Йана бағдаш илмә йанын йатмағыл

Ўнуң қатғура-сэн қатығ кулмәгил (37.4012)

Маъноси:

Гердайма, қўлингни солинтириб кирмагин.

Кўл олишиб, тутишиб ҳам кирмагин.

Яна чордана қуриб ўтирма, ён бош билан ётмагин,

Сен овоз билан қах-қах отиб кулмагин.

Эътибор берган бўлсангиз, юқоридаги байтларда муаллиф ўша давр саройида аёnlарнинг ўзинин тута билиши тўғрисида ўзига хос туркий, қолаверса, шарқона колоритни мужассамлаштирган ҳолат (ситуатив) реалияларини тасвирлаган. Айниқса, қўлни солинтиришнинг яхши эмаслиги ва чордона қуриш кабилар ана шундай ўзига хослик ҳисобланади. Агар тасаввур қилиб кўрсангиз, Ғарб империя саройларида, умуман Ғарбда чордона қуриб ўтириши удумга кирмаганлигини биламиз. Энди бу ҳолат реалиясининг немисча таржимадаги талқинига эътибор берайлик:

Sei nicht stolz! tritt nicht mit herabhängenden Händen ein!

Stehe nicht da, indem du die Hände reichst oder festhältst!
(43.4063)

Sei auch nicht untauglich, liege nicht auf der Seite!

Lache nicht mit lauter Stimme! (43.4066)

Маъноси:

Кўлингни осилтириб юриб у ерда мағрурланма!

Кўлингни худди энг бой одам каби тутиб турмагин!

Лаёқатсиз бўлма, бир чеккада ётма!

Баланд овоз билан кулма!

Немисча таржимада В.Радлов биз юқорида таъкидлаганимиздек, шарқона чордона қуриб ўтиришни тушунмаган кўринади. Шу сабабдан, яна ўзининг аввалги умумлаштирувчи ва тахминий таржима тамойилидан воз кечмай, фақатгина лаёқатсиз бўлмасликнигина ўқтиради. Бу билан асаддаги шарқона ҳолат реалиясининг таржимада мавҳумлаштиришга олиб келинган.

Do not enter swinging your arms. Do not stand with someone holding his hand.

Do not cross your legs or slump to one side.

Маъноси:

Кўлингни осилтириб ичкарига кирма. Бирор киши билан ҳам қўл ушлашиб турма!

Оёқларингни чалиштирма ёки бир томонга оғдирма (45.173-бет).

Инглизча таржима ҳар ҳолда аввалги немисча матндан аниқроқлиги кўриниб турибди. Аммо, Роберт Данкофф ҳам шарқона чордона қуриб ўтиришни тўғри тушунмаганлиги кўриниб қолган. Натижада асарнинг америкача талқинида ўзига хос Ғарбча оёқни чалиштириб ўтириш тасвири пайдо бўлиб қолган. Бизнингча, бундай ҳолатларда *having crossed and having drawn in under itself legs* (оёқни чалиштирган ҳолда букиб, ўзига торган ҳолда ўтириши) тарзида тасвирланса тўрироқ бўларди. Немисчада эса, *Gekreuzt und unter sich die Beine unterschlagen* тарзида ифодаланса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Демак, Европаликларда ниятнинг амалга ошишида ўнг ёки чапнинг фарқи йўқ экан. Бег ҳузурида ўзни қандай тутишга оид ҳолат реалиясининг немисча талқинидан шундай хulosा қилиш мумкинки, таржимон аслиятда акс этган қадимги туркий ҳолат реалияси моҳиятини, қолаверса ўша даврдаги маҳсус муомала одоблари тўғрисидаги манбалар билан яхши таниш бўлмаганлиги кўриниб турибди. Бу энг аввало, аслиятдаги реалиялар транскрипциясида кўзга ташланади. Ҳолат реалияларида ҳар бир ҳаракат ва имо-ишора муҳим маъно англатишини унутмаслик лозим.

3.3. Асардаги ҳолат реалияларининг инглиз (америқа)ча талқини

“Қутадғу билиг”ни илк бор инглиз тилига ўғирган таржимон таниқли америкалик туркшунос олим, АҚШ Чикаго университети профессори Роберт Данкоффдир. У илк түркій обида таржимасига киришишдан аввал түркій тиллар, Марказий Осиё тарихи, ислом ва тасаввуф фалсафасини маҳсус ўрганган мутахассис. Бу унинг мазкур соҳага оид илмий тадқиқот ишларидан ҳам кўриниб турибди. Роберт Данкофф “Қутадғу билиг” таржимасини Ғарб таржимашунослиги термини билан аталадиган фуқаролаштириш, яъни аслият матнини таржима тили муҳитига мослаштириш методи билан ўғирган. Шунингдек, у аслиятга муқобилликни таъминлашда имкон қадар маҳсус изоҳлар, тушунтиришлардан қочган. Айни пайтда қадимги түркій обидадаги қадимги түркій колорит, тарихий ўзига хосликни кўп ўринларда модернизация, яъни замонавийлаштиришга урунишлари бор. Агар, таржимани амалга оширишга нисбатан уни амалга оширишга буюртма берганлар нуқтаи назарига ҳам қарайдиган бўлсак, яъни, таржима кимлар учун мўлжалланган? - деган савол туғиладиган бўлса, арикалиаларни “Қутадғу билиг”даги давлат бошқаруви ҳақидаги йўриқномалар ҳамда Ўзғурмишнинг дунёвий ишларга қайтиши сабаблари кўпроқ қизиқтирган. Инглизча таржимадан ана шуларни билиб олиш мумкин. Энди, юқоридаги бег ҳузурида ўзни қандай тутишга оид ҳолат реалиясининг инглизч талқинига келадиган бўлсак, қиёсий таҳлиллардан қўйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Дастлабки байтда аслиятда бег ҳузурига кириб, унга юзмаз бўлган хизматкор бир қадар қўрқиб туриши кераклиги айтилиб, эди қорқу турғыл көдәзгил өзүн (жуда қўрқиб тургин, ўзингни сақлагин) дейилади. Инглизча таржимада эса, *be modest and humble, know your place* (камтарин бўл, ўз ўрнингни билгин)

тарзida ўгирилган. Умуман олганда таржима тўғри. Фақат бир қадар замонавийлаштирилган. Кўрқиб туриш билан камтарилик сақлаш ўртасида катта фарқ йўқдай. Хар ҳолда бу ерда андишанинг отини қўрқоқ қўймаслик ҳақида гап кетмаяпти. Фақат Юсуф Хос Ҳожиб даврида бегнинг олдида ўини ана шундай тутиш, айтилса, замонавий таржимада бир қадар ўзини тута билиш, қўрқиши ўрнига камтарликнинг киритилганлиги холос. Бу унчалик нотўғри эмас. Чунки ҳар қандай таржима интерпретация эканлигини унутмаслигимиз керак. Кейинги байтда, яъни бег олдида ўзни тўғри тутиш ва тил ва кўнгилни бир қилиш ва қисқа сўзлаш ҳақида гап боради. Байтнинг биринчи банди айнан ўгирилган бўлсада, иккинчисида сўзнинг қисқа қилиниши тушуриб қолдирилган. Яъни қисқартирилган. Аммо умумий маънога путу етмаган. Умуман олганда Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарида тил тўғрисида жуда кўп фикр юритади. Унинг ўзига хослиги кўпроқ тилни тийишга, сўзни қисқа қилишга бориб тақалади. Роберт Данкофф шоирнинг ана шу ниятини тўғри тушунган кўринади. Эндиғи навбат кўз ва қулоқларга келганда, америкалик таржимон ҳам В.Радлов каби қулоқни қадашга нисбатан *place of honor* (*ҳурматли жой*) вариантини маъқул кўради. Қизиғи, Р.данкофф ҳам немис таржимони каби қўл қовуштиришда аслиятдаги чап ўрнига ўнгни алмаштириб қўйган. Яъни, *the right hand above the left* (*ўнг қўлни чап қўл устига*) тарзida. Кейинги ўринда навбат оёққа келади. Аниқроғи эшикдан кирайтганда ўнг оёқ билан кириш муҳимлиги таъкидланади. В.Радлов юқорида таъкидлаганимиздек, қайси оёқ билан киришни айтмай, умумий маънодаги кириш билан кифояланган. Р.Данкофф немисча таржимадаги бу камчиликни тузатган *step with your right foot first* (*аввал ўнг оёғингни босгин*) тарзida аниқ ўгирган. Шунингдек, бег олдига кириш учун аслиятдаги қадимги туркий қапуғ сўзини ҳозирги ўзбек тилига эшик, немисчага ҳам унга мувофиқ равишда *Tür* (эшик) деб таржима қилинган. Аммо инглизча таржимада Р.Данкофф *gate* (*дарваза*)ни маъқул кўради.

Чунки “Кутадғу билиг” аслиятидаги қапуғ бир пайтнинг ўзида ҳам эшик, ҳам дарқоза маъноларини англатиши ҳам ҳақиқат. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, қадимги туркий тилда бунга ўхшаш ҳодисаларни кўп учратиш мумкин. Масалан, *киши* деганда, ҳам эркак, ҳам аёл киши кўзда тутилаверган ёки *йигач* – ҳам ёғоч, ҳам дараҳт маъносида қўлланган. Нихоят, бегга арзнома билан мурожаат қилиш тасвирида муаллиф Өтук өтнур эркэн тут әлиг (Арз айтаётганингда қўлни тўғри тут) деса, негадир инглизча таржимада *hold your hand out straight* (қўлни чўзгин) тарзида талқин қилинган. Аникроҳи, аслият таржимада янада конкретлаштирилган. Чунки аслиядда факат қўлни тўғри тутиш ҳақидагина гап боради. Таржимон эса, унинг айнан қандай тутилишигача ойдинлаштиришга ҳаракат қилган. Лейин юқоридаги камчиликларга қарамай, инглизча таржима немис тилидаги матнга нисбатан анча аслиятга яқинлиги, тушунарлилиги ва нисбатан тилининг заонавийроқ эканлиги билан ажralиб туради. Аслиядаги ҳолат реалиялари таржимада йзл қўйилган айрим мавҳумликларга қарамай ўз ўқувчиси учун анча тушунарли ўгирилган. Демак, ҳолат реалиялари таржимаси оддий сўз реалиялардан транскрипция ва транслитерациялар ва ортиқча изоҳ ва шарҳларсиз ҳам амалга оширса бўладиган воситалар ҳисобланади. Бунга таржимондан аслиядаги ҳолат реалияларининг моҳиятини, айниқса, тасвирланган имо-ишора ва турқу-тароватнинг мазкур матн контекстида қандай маъно касб этиши ва ўзига хос миллий бўёклари хусусиятларини яхшилаб ўрганиш талаб қилинади.

ХУЛОСА

Илк туркий обидада акс этган реалияларни уларнинг хорижий тиллардаги таржималари билан қиёслаш ҳақиқатдан ҳам улар такрорланмас хослик хусусиятига эга бўлган тушунча эканликларини яна бир бор кўрсатади. Чунки реалияларда такрорланмас даражада ҳам миллий, ҳам даврий ўзига хосликлар мужассам бўлиб, муайян тарихий-географик ҳудуд, дин, дунёқарашиб, маданий-миллий урф-одатлар бўёғига бўялганлик жиҳатлари мавжуддир. Айни пайтда реалиялар бадиий асар поэтикасини янада бой ва жозибадор қилишга ҳам хизмат қиласидан тасирий воситалардан ҳисобланадилар. Реалияларнинг бадиий асарлардаги поэтик ифодасида уларнинг лисоний ва ғайрилисоний хусусиятларга эгалиги ва бундан келиб чиқсан ҳолда реалия сўзлар ва ҳолат (ситуатив) реалияларга бўлиниши уларнинг таржимавий аснода ҳам яхлит ўрганиш муҳимлигини кўрсатувчи омиллардандир. Юсуф Хос Ҳожибининг “Кутадғу билиг” асарининг ҳозирги ўзбекча табдили, унинг икки немисча ҳамда америка инглиз тилисига таржималарини қадимги туркий аслият транскрипцияси билан қиёсий таҳлилиниң кўрсатишича, ҳар бир таржимон мазкур хос сўз ва хос ҳолатларни ўз тилларида қайта яратища турлича усул ва методлардан фойдалангандилари кузатилади. Асарнинг дастлабки немисча (Вамбери) ҳамда унинг америка инглизча (Р.Данкофф) таржималарида аслият матнини имкон қадар таржима тили муҳитига мослаштириш, немис таржимашунослиги термини билан айтганда *einbürgernde Übersetzung* (*фуқаролаштирилган таржима*) методидан фойдаланилган. Қадимги обиданинг иккинчи, В.Радлов қаламига мансуб таржимасида мутаржим аслият матнини филологик аниқликда, сўзма-сўз ўгириш йўлидан бориб, *verfremdete Übersetzung* (*хорижийлаштирилган таржима*) методини қўллаган. Буни биздаги таржимада аниқлик ва эркинлик деган тушунчаларга муштарак эканлигини эътироф

этиш мүмкін. Ҳар бир таржима матнiga мутаржимлар мұайян мақсад билан ёндошиб, үз мутахассисликлари талабларидан келиб чиққан ҳолда фаолият күрсатғанлар. Агар реалия сўзлар таржимасида транскрипция ва транслитерация усулларидан фойдаланиб, факт әңг мураккаб бўлган қадимги туркий хос сўзларнигина изохлашга харакат қилинган бўлса, ҳолат реалияларини қайта яратишда тушунтириш, тавсифлаш, аниқлаштириш усулларига мурожаат қилинган.

“Қутадғу билиг” Ўрта асрлар Марказий Осиё туркий халқларининг такрорланмас қомусий обидаси. Унинг Ғарб тилларига такрор ва такрор тардима қилиниши мазкур обидага жаҳон илмий ва ижодий жамоатчилигининг қизиқиши тобора ортиб бораётганлигидан далолатдир. Ҳар бир авлод бу қомусий манбага үз муносабатини билдириб келмоқда. Келажакжа мазкур обиданинг яна бошқа қирраларининг кашф этишига шубҳасиз ишонамиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

Кирил имлосидаги адабиётлар:

1. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Сов. Энциклопедия, 1969. – 608 с.
2. Алексеева И.С. Введение в переводоведение. Учебное пособие для студентов филологических факультетов. – Москва: Издательский центр “Академия”, 2004 стр.
3. Англо– русский словарь. Составитель В.К.Мюллер. Изд. 14–ое. Москва: энциклопедия, 1979. – 912 с.
4. Баранов Х. К. Арабско– русский словарь: 42000 слов. – 3–е. – М.: Издатель В. Костин, 2001. – 944 с.
5. Бартольд И.И. Сочинения в 5 томах, т 5, М.: Наука, 1966.
6. Бархударов Л.С. Язык и перевод. – М.: Международные отношения, 1975. – 230 с.
7. Бойназаров Ф.А. Қадимги дунё тарихи. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004. – Б. 428– 429.
8. Вайсбурд М.Л. Реалии как элемент страноведения. – Рязань, 1972.
9. Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура. Изд–е 3–е. м., 1983.
10. Влахов С., Флорин С. Непереводимые в переводе. – Москва: Просвещение, 1986.
11. Виноградов С.И. О социальном аспекте лексической нормы. – Литературная норма в лексике и фразеологии. М., 1983.
12. Древнетюркский словарь. – Ленинград : Наука, 1969. – 676 с.
13. Ёқубов А. “Қутадғу билиг”да давлатчилик концепцияси. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1997. – 64 б.
14. Ислом. Энциклопедия. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2004.
15. Краткая литературная энциклопедия. – Москва, 1972.

16. Караматов Ҳ. Ўзбек адабиётида Куръон мавзулари. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 31– 38.
17. Лапасов Ж. Мумтоз адабий асарлар ўқув луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994 – 272 б.
18. Маҳмуд Кошғарий. Девони луғотит турк. Нашрга тайёрловчи С.Муталибов. – Тошкент, 1960. – 499 б.
19. Реформатский А.А. Введение в языкознание. Издание 4 – е. – Москва, 1967.
20. Россельс В.М. Эстафета слова. Искусство художественного перевода. – Москва, 1972.
21. Руф К. История Александра Македонского. – Москва: МГУ, 1963. – 232 с.
22. Саломов F. Таржима назариясига кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978 йил.
23. Саломов F. Таржима ташвишлари. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 190 б.
24. Сапогова А.К. Реалия и заимствования. Учебное пособие. – Москва, 1979.
25. Соболев Л.Н. Пособие по переводу с русского языка на французский язык. – Москва: Просвещение, 1952.
26. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
27. Суперанская А.В. Имя через века и страны. – Москва: Наука, 1990. – С.10– 11.
28. Томахин Н.Д. Америка через американизмы. – Москва, 1988.
29. Тўхлиев Б. Юсуф Ҳос Ҳожибининг “Қутадғу билиг” асари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1991. – 160 б.
30. Тўхлиев Б. “Қутадғу билиг”нинг поэтикаси масалалари. Талмех. – Б. 426– 429 // Ўлмас обидалар. – Тошкент: Фан, 1983. – 442 б.
31. Тўхлиев Б. “Қутадғу билиг”да ранг рамзига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2001. – № 3. – Б. 34– 38.

32. Файзуллаева Раъно. Научный колорит и художественное произведение. АКД. – Ташкент, 1972.
33. Федоров А.В. Основы общей теории перевода. – Москва: Просвещение, 1983. – 290 с.
34. Чернов Г.В. К вопросу о передачи без эквивалентной лексики при переводе публицистики на английский язык. – Уч.записки МГПИИЯ, т.XVI, М,1958.
35. Швейцар А.Д. Перевод и лингвистика. – Москва, 1973.
36. Юсуф Баласагунский. Благодатное знание. Перевод С.Иванова. – Москва: Наука, 1983. – 558 с.
37. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Қ. Каримовники. – Тошкент: Фан, 1971. – 964 б.
38. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Ҳозирги ўзбек тилида баён қилувчи ва сўз боши муаллифи Б.Тўхлиев. – Тошкент: Юлдузча, 1990 . – 164 б.
39. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томлик– Москва: Рус тили, 1981. Т.1. – 631 б.
40. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томлик – Москва: Рус тили, 1981. –Т.2. – 715 б.
41. Қаюмов А. Садди Искандарий. – Тошкент, 1975. – 210 б.
42. Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Тошкент: Шарқ, 1992. – 494 б.

Лотин имлосидаги адабиётлар рўйхати:

43. Kutadku Bilik des Jusuf Chass Hadschib aus Balasagun. Text und Übersetzung nach den Handschriften von Wien und Kairo. Herausgegeben von Dr. W.Radloff. – St. Petersburg, 1910. – 560 S.
44. Kutadgu Bilig I: Metin. Istanbul.: 1947. Note also Arat's translation into modern Turkish: Kutadgu Bilig II" Tercime. Ankara.: 1959. Second Edition: Civiri.Ankara, 1979. – 278 S.
45. Wamberi Herman. Uigurische Sprachmonumente und das Kutadgu Bilig. Uigurische Text mit Transkription und Übersetzung von Herman Wamberi. – Innsbruck, 1870.

46. Yusuf Khass Hajib, Wisdom of Royal Glory (Kutadgu Bilig): A Turko– Islamic Mirror for Princes, translated, with an introduction and notes, by Robert Dankoff. – Chicago– London: University of Chicago Press, 1983. – 281 p.

Интернет материаллари:

47. Ражабов Қаҳрамон. Алп Эр Тўнга Турон ҳоқони. Мақоланинг интернет манзили: <http://kh-davron.uz/kutubxona/turk/qahramon-rajabov-alp-er-tonga-turon-xoqoni.html>

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. РЕАЛИЯЛАРНИНГ ФАНДА ЎРГАНИЛИШИ.....	6
1.1. Реалия ҳақида тушунча.....	6
1.2. Реалияларнинг бошқа лексик бирликлар орасидаги ўрни.....	10
1.3. Реалияларни таснифлаш муаммолари.....	16
1.4. Таржимашуносликда ҳолат (ситуатив) реалияларига муносабат	21
1.5. Ўзбек таржимашунослигига реалия масаласининг ўрганилиши	25
II БОБ. “ҚУТАДҒУ БИЛИГ” АСАРИДАГИ РЕАЛИЯ СЎЗЛАР ТАРЖИМАСИ	30
2.1. “Қутадғу билиг”даги маданий-маиший реалиялар таржимаси.....	30
2.1.1. Шахс, жой ва амал-мартаба номлари ва уларнинг таржимадаги талқинлари	30
2.1.2. Озиқ-овқат, ичимлик, овқатланиш, уй-рўзғор анжомлари, кийим-кечак ҳамда тўй маросим номлари таржимаси	41
2.1.3. Касб-хунарга оид хос сўзлар таржимаси	48
2.2. “Қутадғу билиг”даги тарихий шахслар ҳамда асар қаҳрамонлари номлари билан боғлиқ реалиялар таржимаси	53
2.3. “Қутадғу билиг”даги давлат рамзлари ва ёрлиқлари оид хос сўзлар таржимаси	66
2.4. “Қутадғу билиг”да ранг рамзи ва унинг таржимадаги талқинлари	70
2.5. “Қутадғу билиг”даги диний-мифологик реалиялар таржимаси....	78
III БОБ. “ҚУТАДҒУ БИЛИГ” АСАРИДАГИ ҲОЛАТ (СИТУАТИВ) РЕАЛИЯЛАР ТАРЖИМАСИ	102
3.1. “Қутадғу билиг”даги ҳолат реалиялари хусусиятлари	102
3.2. Асадаги ҳолат реалияларининг немисча талқини	105
3.3. Асадаги ҳолат реалияларининг инглиз (америка)ча талқини	110
ХУЛОСА	113
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	115

Илмий нашир

Зоҳиджон Садиков

ҚАДИМГИ ТУРКИЙ РЕАЛИЯЛАР ТАРЖИМАСИ

Монография

Муҳаррир : **Дилмурод Жумабоев**
Мусаҳҳих : **Анвар Икрамов**
Техник муҳаррир : **Раҳмонжон Мамадалиев**

2021 йил 23 августда теришга берилди.
2021 йил 13 сентябрда босишига рухсат этилди.
Бичими 60x841/16. Ҳажми 7,5 босма табоқ.
Times New Roman гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Буюртма рақами – 90. Адади 100 нусха.
Баҳоси келишилган нархда.



«Vodiy Media» нашриёти

Наманган шаҳри, Навоий кӯчаси, 36-йй, 4-қават

Тел.: (+99893) 408-59-00 e-mail: vodiymedia@inbox.ru

Нашриёт лицензия рақами AI-285, 2016 йил 4 ноябрда берилган

«Яшин саноат» босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Наманган шаҳар Хамроҳ кӯчаси 71A уй.

32,1,30,3,28,5,26,7,24,9,22,11,20,13,18,15,64,33,62,35,60,37,58,39,56,41,54,43,52,45,50,47,96,65,94,67,9
2,69,90,71,88,73,86,75,84,77,82,79,120,97,118,99,116,101,114,103,112,105,110,107

32,1,108,109,106,111,104,113,102,115,100,117,98,119,80,81,78,83,76,85,74,87,72,89,70,91,68,93,66,95,4
8,49,46,51,44,53,42,55,40,57,38,59,36,61,34,63,16,17,14,19,12,21,10,23,8,25,6,27,4,29,2,31